

**АНҚАБОИ  
ҚУЛЖОНОВ**

**ИЛМ  
ВА ИЖОД  
ОЛАМИДА**

**Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980**

**Қулжонов Анқабой**

Илм ва ижод оламида.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1980.—200 б.

Филология фанлари доктори, профессор Анқабой Қулжоновнинг мазкур китоби СССР Давлат ҳамда Халқаро мукофот лауреатлари — таниқли адабиётшунос, адабий танқидчи ва фольклоршуносларнинг ҳаёт йўллари, ижодлари ҳақида баҳс этади.

Қулджанов А. В мире науки и творчества.

83

К<sup>70202</sup> — 134  
М 352 (04) — 80 166 — 80 4603010202

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

*Ушбу китобимни меҳри дарё, муҳтарама волидам Холдон Қорабоева ҳамда падари-бузрукворим, Қулжон Қорабоевларнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

## АВТОРДАН

Кўпмиллатли совет адабиётшунослигининг илғор отрядларидан бири бўлган ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги олтмиш йилдан кўпроқ вақт ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. У кескин синфий курашларда таркиб топди ва ижтимоий-эстетик фикрларни ривожлантириш, янги типдаги бадиий адабиётни вужудга келтириш ва тараққий эттириш борасида камолот босқичига кўтарилди.

Ўзбек совет адабиётшунослари ўзбек адабиёти тарихини ва ўзбек совет адабиётининг тараққиёт босқичларини, атоқли адиб ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодини, социалистик реализм методининг қарор топиши, янги методнинг ғоявий-эстетик категориялари бўлган партиявийлик ва халқчиллик, ҳаққонийлик ва ғоявийлик проблемаларини миллий адабиётларнинг, биринчи навбатда, рус совет адабиётининг муайян адабиётларга таъсирини ўрганиш борасида улкан ишларни қилдилар. Қисқаси, миллий адабиётларнинг олтмиш йил ичида ривожланиш тарихи — бу айни вақтда, ғоявий-эстетик қарашларнинг, адабиётшуносликнинг шаклланиш ва камолоти тарихидир.

Лекин ҳозирга қадар совет адабиётшунослиги, шу жумладан, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи илмий асосда ўзлаштирилмаган «қўриқ» бўлиб келаяпти. «Ҳозирга қадар совет адабиётшунослиги тарихи яратилгани йўқ»<sup>1</sup>.

КПСС Марказий Комитетининг адабиётшунослик ва танқидчиликни янада ривожлантириш хусусидаги қарори муносабати билан бу масала янада принципиал аҳамият касб этади.

Совет Шарқи республикаларида адабиётшунослик ва танқидчиликнинг беқиёс даражада ривожланганлигини атрофлича кўрсатиб бериш ҳорижий Шарқ халқлари адабиётлари учун жиддий аҳамиятга молик. Мазкур ишда автор ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги, унинг тарихий тараққиётининг турли даврларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган, адабиётшунос олим сифатида танилган, яъни халқаро Фирдавсий, Беруний, Ҳамза ва Бердақ номидаги Республика Давлат мукофоти лауреатлари бўлган олимларнинг адабий портретларини яратишга ҳаракат қилди.

Мазкур китоб асосан уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида адабиётшунослик, иккинчи қисмида адабий танқидчилик ва ниҳоят учинчи қисмида фольклоршунослик соҳаларида Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган олим ва танқидчиларнинг адабий портретлари берилди. Улар алфавит тартибда жойлаштирилди.

---

<sup>1</sup> Великая Октябрьская социалистическая революция и мировая литература. Изд-во «Наука», М., 1970, стр. 194.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК



ҲОМИЛ ЕҚУБОВ

Ўзбек совет адабиётшунослари ва танқидчиларининг биринчи авлоди хусусида гап борганда, даставвал Олим Шарафуддинов, Абдурахмон Саъдий, Сотти Ҳусайин, Отажон Ҳошим каби олим ва ижод фидойиларини эслаймиз. Иккинчи авлоди ҳақида гап борганда эса Иззат Султонов, Воҳид Абдуллаев, Воҳид Зоҳидов сингари улкан олимларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ўзбек Совет адабиёти тарихининг йирик тадқиқотчиси, етук назариётчи олим, айтилиши мумкин, жасоратли танқидчи Ҳомил Еқубов ҳам ана шу иккинчи авлодга мансуб. У адабиётшунослик майдонида ёрқин юлдуз янглири пайдо бўлди ва шундай бўлиб қолди.

Ҳомил аканинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, кўз ўнгимизда ҳаммаша замон талабларига шай бўлган ва ижодкорлик бурчини катта масъулият билан фаол адо этиб келаётган аллома ва шу сўзнинг асл маъноси билан

гражданин олим ёрқин гавдаланади. Қолаверса, мен бу олимни ўзбек адабиётшунослиги фанининг ғурури ва фахри, унинг чинакам фан сифатида шаклланишидан тортиб ҳозирги улкан камолот босқичига кўтарилишида тенгсиз хизмат қилган йирик сиймо, деб биламан. Зотан, Ҳомил Ёқубовнинг ҳаёт йўли — совет даврида ўзбек адабиётшунослигининг кескин синфий курашларда шаклланиши ва ниҳоят камолотга эришиши йўлидир, демакки, унинг чинакам фан сифатида кенг миқёсда эътироф этилиши йўлидир.

Олим ўзининг илк тақриз ва мақолалари билан ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчиларининг биринчи авлоди орасида истиқболи порлоқ, навқирон талант соҳиби сифатида танила борди ва эрта эътироф этилди. Ўзи мансуб авлод вакиллари эса унга катта давранинг энг тўрларидан жой берадилар. Айтайлик, Ойбек ўзи мансуб авлод-тенгдош санъаткорлар орасида қандай мавқени ишғол этган бўлса, Ҳомил Ёқубов ҳам ўз тенгдошлари — адабиётшунослар ва танқидчилар орасида худди шундай фахрли ўринни эгаллаб келяпти.

Ўзбек совет адабиётшунослари ва танқидчиларининг биринчи ва иккинчи авлодига мансуб бўлган вакиллари ижоди билан яқиндан танишганимиз сари Ҳомил Ёқубовни тан олиш ва эътироф этишнинг тобора кучайиб борганлигининг гувоҳи бўла борамиз. Олим ва танқидчининг ўз замондошлари ва бир сафда бораётган касбдошлари томонидан эътироф этилишини, одатда, «омади келган» деган ибора билан ифода қилишади. Устоз адабиётшунос ва танқидчилар билан бўлган суҳбатларда уларнинг Ҳомил Ёқубовнинг улкан истеъдодли қудратига таҳсинлар ўқишганини кўп эшитганмиз. Айни замонда Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ш. Рашидов, Комил Яшин сингари улкан санъаткорлар ҳам Ҳ. Ёқубовни йирик олим сифатида тилга олганини, истеъдодли танқидчи сифатида эътироф этганларини яхши биламиз. Зотан, улкан санъаткорларга бирдай маъқул бўлиш кам-

дан-кам олим ёки танқидчиларга насиб бўлган. Ҳ. Ёқубовнинг ўз тенгдош касбдошлари ва улкан санъаткорлар томонидангина эмас, айни вақтда, адабиётимизнинг кейинги авлодлари томонидан ҳам чинакам донишманд олим ва моҳир танқидчи сифатида ҳозирга қадар эъзозланиб келиниши диққатга сазовордир. Бу чинакам заҳматкашлик, ижодда ҳамиша фаоллик, талантли ёшларга меҳр-муҳаббат, уларнинг ишларини тинимсиз кузатиб бориш, одилona мураббийлик қилишнинг ажойиб намунаси ва самарасидир. Ҳомил Ёқубовни ўзбек совет адабиётшуносларининг катта қисмини вояга етиштиришдаги хизматларини назарда тутиб, кўпчилик уни соҳибкор боғбонга қиёс қилишади.

У 1907 йил сентябрида азим Тошкентда боғдор-деҳқон оиласида дунёга келди. У дастлаб Раҳимия мактабида, сўнгра «Намуна» мактабида таҳсил кўрди. Улкан санъаткор Ойбек, танқидчи адиб ва таржимон Миркарим Осим билан бирга Ҳомил Ёқубов Навоий номидаги Республика педагогика техникумида ўқиди<sup>1</sup>; 1924 йили у Ленин комсомоли сафига кирди. Техникумни муваффақиятли битириб чиқди ва мактабларда ўқитувчилик қилди. Унинг педагоглик фаолияти ана шу тарзда жуда эрта бошланди. 1925—1926 ўқув йилида мактабда ишлаш билан бирга САГУнинг физика-математика факультети биология бўлимида таҳсил олди. Ўз савиясини ошириш учун у Ленинграддаги Герцен номли Педагогика институтининг табиий фанлар бўлимига кириб ўқий бошлади. Лекин соғлиғи ёмонлашиб қолгани сабабли ўқишни давом эттира олмади ва 1927 йили Тошкентга қайтиб келди. 1929 йили Ҳомил Ёқубовнинг ҳаётида иккита воқеа содир бўлди. Улардан бири — Урта Осие Давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетига кириб ўқиши

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетасида (7 ноябрь, 1959) ноёб фото — уша даврда техникум талабалари Ойбек, Миркарим Осим, Ҳ. Ёқубов ва бошқаларнинг бирга тушган сурати эълон қилинган.

бўлса, иккинчиси Ойбекнинг илк шеърлар тўплами — «Кўнгил найлари»га ёзган «Ойбек ва унинг шеърлари» («Қизил Ўзбекистон», 16 август 1929) номли мақола-тақризнинг босилиб чиқишидир. Бўлажак олим шу тарзда илмий-ижодий фаолиятини бошлаш билан ҳозирги ТошДУ қучоғига кириб келди. 1931-1932 йиллари университетнинг иқтисод факультети базасида Урта Осиё план институти ташкил бўлади. Еш Ҳомил ана шу институтни 1932 йили муваффақиятли битириб чиқди. Худди шу йили унинг икки тақризи республика журналарида босилди. Улардан бири Ғафур Ғуломнинг ҳикоялар тўплами («Китоб ва инқилоб», 1932, № 3), иккинчиси — Акмал Пўлат билан Илём Муслимнинг «Зафар нишони» номли повести («Китоб ва инқилоб», 1932, № 3) ҳақида ёзган тақризларидир.

Ойбекнинг шеърлар ва Ғафур Ғуломнинг ҳикоялар тўплами муносабати билан юзага келган Ҳ. Ёқубовнинг тақризлари бу ижодкорларга хос бўлган жиҳатларни тўғри кўра олиши ва уларни биринчилардан бўлиб махсус таъкидлаши худди характерлидир. Яна бир муҳим момент. Еш адабиётшунос билдирган фикр-мулоҳазалар кейинчалик худди башорат қилиб айтилган сўзлардай бўлиб чиқди: Ойбек насрчи бўлиши билан бирга ажойиб шоир, Ғафур Ғулом эса шоир бўлиш билан бирга ўзбек совет адабиётини бойитган қатор дурдона прозаик асарлар ҳам яратди. Шу тарзда Ҳомил Ёқубов ўзбек совет адабиётшунослигида таркиб топган ойбекшунослик ва ғуломшуносликнинг биринчиларидан бўлиб пойдеворини қўйди ва бу ижодкорлар ҳақида кейинчалик илмий-текшириш характеридаги ўнлаб мақолалар ҳамда қатор монографиялар яратди.

Шу ўринда Ойбек билан Ғафур Ғуломнинг ижодий камолотига олим ва танқидчи сифатида Ҳ. Ёқубов таъсир қила олганми? — деган савол туғилиши мумкин. Шахсан мен бу саволга журъат билан: «Ҳа, кучли таъсир қилган»,— дея оламан. Бу, албатта, жуда хилма-хил шакл-



ларда намоён бўлади. Чунки, ҳар икки буюк сиймо ҳам то умрининг охиригача Ҳ. Ғафуровни садоқатли дўст, толмас ҳамкор ва ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг чинакам курашчиси сифатида унга меҳр-муҳаббат билан қарадилар, самимий муносабатда бўлдилар.

1933 йили Ҳ. Ғафуровнинг Зиё Саид билан Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» драмаси («Китоб ва инқилоб», 1933, № 1) ҳамда Фадееннинг «Емирилиш» (шунинг билан М. Рофиг таржима қилган) романи тўғрисидаги («Китоб ва инқилоб», 1933, № 2-3) мақолалари босилиб чиқди. Мунаққиднинг аввалги ёзган тақризлари билан «Тарих тилга кирди» ҳақидаги мақоласини қислаб кўрадиган бўлсак, унинг таҳлил қилиш принциплари камол топаётгани дарҳол кўзга ташланади. Бу фикрни Ҳ. Ғафуровнинг рус совет адабиётидаги муҳим воқеа — Фадееннинг бу романини яхши билиш ва унинг таржимаси ҳақида юритган мулоҳазалари ҳам тасдиқ этади.

1934 йили Ҳ. Ғафуровнинг ёш ёзувчилар билан ишлашнинг зарурлиги ҳақида кетма-кет икки мақоласи босилиб чиқди. «Ёш ёзувчилар билан ишлашда консультациянинг аҳамияти ва вазифалари» («Ўзбекистон шўро адабиёти», 1934, № 5) ва «Ёш ёзувчиларга консультация — маслаҳатлар» («Ўзбекистон шўро адабиёти», 1934, № 6) номли бу мақолаларида ёшлар билан ишлаш, уларнинг истиқболи учун кураш масаласи қўйилди. Худди шу йили унинг яна бир забардаст шоир Уйғун ҳақида «Уйғун ижодиёти» номли йирик мақоласи («Адабиёт соҳасида илмий текширишлар», Т., Ўздавнашр, 1934) ҳам эълон қилинди. Бу Уйғун ижодиётини илмий тарзда кенг йўналишда текширган биринчи ишлардан ҳисобланади.

Маълумки, 1934 йили «Маркс ва Энгельс санъат тўғрисида» (Ўзкомпартия нашриёти, Тошкент) номли асар биринчи бор ўзбек тилида чоп этилди. Бу муҳим асарнинг таржимонларидан бири Ҳ. Ғафуров бўлган.

1934 йили Тошкентда фанлар комитети ташкил этил-

гандан кейин Ҳ. Ёқубов шу йили ўзбек тили ва адабиёти илмий-текшириш институтига илмий ходим бўлиб ишга ўтди. Унинг бундан кейинги илмий фаолияти то ҳозирга қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечмоқда.

1935 йили унинг қатор мақолалари босилиб чиқди. Улар орасида «Янги лирика» («Совет адабиёти», 1935, № 3), «Кўкан» тўғрисида» («Совет адабиёти», 1935, № 5) номли мақолалари айниқса характерли. Еш тадқиқотчи янги замонанинг янги лирикасига хос характерли хусусиятларни муайян давр заминида текширади ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини конкрет фактик материаллар билан исбот қилади. Иккинчи мақоласида эса, Ғафур Ғулломнинг шу даврда яратган муҳим асарларидан бўлган «Кўкан»ни биринчи бор атрофлича таҳлил қилди. Худди шу йўсинда Ғафур Ғуллом назм ва насрдаги асарларини текшириш ишлари давом этиб борди. Натижада ўзбек адабиётшунослигида 1936 йилдаёқ «Ғафур Ғуллом ижодиёти» («Ижодий ўсиш йўлида», тўплам, Тошкент) номли биринчи бор йирик иш вужудга келди. Айни пайтда тадқиқотчи 1936 йили «Болалар адабиётининг сифатини кўтарайлик» («Совет адабиёти», № 2), «Таржимачилар—масъул ижод эгалари» («Қизил Ўзбекистон», 23 февраль, 1936) номли мақолалари билан майдонга чиқди. Энг муҳими — бу икки соҳада ҳам сифат масаласига жиддий эътибор бериш зарурлигини чуқур асослади ва уни истиқбол планида ёритди.

Булардан ташқари шу йилларда Ҳ. Ёқубовнинг «Чўлпоннинг соз»и. («Совет адабиёти», 1936, № 6), «Ўзбек совет поэзияси янги босқичда» («Қизил Ўзбекистон», 12 апрель 1937) ва бошқа қатор тақриз ва мақолалари босилиб чиқди.

1929-1940 йиллар мобайнидаги Ҳомил Ёқубов ижодий фаолиятини характерлайдиган хусусиятлар нималардан иборат? — деган саволга кўп масалаларни яхлит ҳолда

тасаввур этиш билан жавоб бериш керак бўлади. Олимнинг бу йиллар орасида яратган ишларини ҳатто бир неча категорияларга бўлиш мумкин. Ўзбек совет прозаси ва поэзияси, болалар адабиёти, таржима масалалари, шоирлар ҳаёти ва ижодини монографик планда текшириш, дарслик яратиш ва ҳоказо. Тақриз, илмий ва назарий характердаги мақола, монографик характердаги илмий-тадқиқотлар ва бошқалар. Бу даврдаги ижодий фаолиятида биринчи навбатда ўзбек совет поэзиясини атрофлича кенг текшириш марказий ўринда туради. Бу борада олиб борилган ишларнинг якуни сифатида «Ўзбек совет поэзияси 15 йилда» номли йирик мақоласи вужудга келди ва у «15 йил ичида ўзбек совет адабиёти» номли тўпламда (ЎзССР Давлат нафис адабиёти нашриёти», Т, 1939) босилиб чиқди. Бу ўзбек совет поэзиясининг ривожланиш йўлини маълум даражада умумлаштирган биринчи иши эди.

Худди шу йилларда Ҳ. Ёқубов «Уйғун ижодиёти» (1934), «Ғафур Ғулом ижодиёти» (1936), «Ҳамид Олимжон ижодиёти» (1936) номли монографик пландаги, илмий тадқиқот характеридаги ишларини яратди. Булар навқирон ижодкорлар ҳақида яхлит тасаввур берувчи дастлабки ишлар ҳисобланади. 30-йиллардаги конкрет тарихий шароитда эса, бу ишлар ўзбек адабиётшунослигида жиддий воқеалар, янги очилган қўриқ ҳисобланар эди. Бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари бор эди. албатта. Шулардан бири 20-30-йилларда умуман ўзбек совет адабиётининг атоқли ва таниқли вакиллари ижодиётини монографик планда камолот асосида кўрсатиш илмий йўналишга олиб кирилмагани билан изоҳланади. Бу йилларда асосан муайян ижодкорларнинг ютуқларини кўрсатишга нисбатан камчиликларни очишга, қусурларини излаб топишга эътибор берилар эди. Шу боисдан ҳам Ҳомил Ёқубовнинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ижодиёти ҳақида ёзган қатор ишлари чинакам жасорат ва жонқуярлик намунаси эди.

1940 йиллардан бошлаб Ҳ. Ёқубов илмий фаолиятида ўзбек совет адабиёти, унинг таниқли вакиллари ижоди, адабиёт жанрлари ва хилма-хил проблемаларини текширишни давом эттириш ва энг муҳими — классик адабиётни, унинг атоқли вакиллари ва муҳим соҳаларини ўрганиш, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш фавқулудда муҳим ўрин олди. Демак, навқирон олимнинг тадқиқот объектлари тобора кенгайиб ва илмий савияси кучайиб борди. Буни тасаввур этиш учун унинг Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Турди ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ишларини эслашнинг ўзи kifоя.

1940 йили олимнинг «Заҳриддин Муҳаммад Бобир» (СССР ФА Ўзбекистон филиали ахбороти), № 6), «Заҳриддин Муҳаммад Бобир» («Ёш ленинчи», 20 декабрь), «Улуғ шоир ва адиб» («Қизил Ўзбекистон», 26 декабрь), «Заҳриддин Муҳаммад Бобир» («Социалистик фан ва турмуш», № 12) номли қатор мақолалари вужудга келди ва ниҳоят «Заҳриддин Муҳаммад Бобир ҳаёти ва ижоди» (1941) номли китоби босилиб чиқди. Ҳ. Ёқубовнинг 1970 йили чоп этилган «Адабий мақолалар» тўпламига бу иши ҳам киритилган ва унинг 1940 йили ёзилгани махсус таъкидланиб кўрсатилгани бежиз эмас. Чунки бу иш тадқиқотчининг ўзбек адабиёти тарихи бўйича қилган биринчи йирик илмий кашфиёти эканлигидан ва ҳозирга қадар шундай бўлиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Унинг бу йирик тадқиқоти ўша йиллардаёқ юксак баҳоланган эди. Масалан, Х. Муҳаммедхонов ўзининг «Бобир ҳақида яхши китоб» («Ёш куч», 1941, № 4) номли тақризида бу китобга юксак баҳо берди. Ҳ. Ёқубовнинг шоир Турди ҳақидаги биринчи йирик мақоласи 1940 йили «Гулистон» (№ 11-12) журналида босилиб чиқди. «Турди ижодиёти» номли китоби эса 1941 йили СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиали нашриёти «Ўзбек адабиёти тарихи» сериясида (15-серия, 15 китоб) чоп этилди. 1942 йили эса унинг «Ҳамза Ҳакимзода» (Ўзакадемнашр, Т., 1942) номли китоби босилди. Шуниси характерлики, Ҳ. Ёқубов

Ўзбек совет адабиётшунослигида биринчи йирик бобир-шунос ва турдишунос олим сифатида шуҳрат топган бўлса, Ҳамза ҳақида китоб ёзиб, ҳамзашунослик асосини яратганлардан бири бўлиб қолди. Ҳ. Ёқубов 1944 йили Ленинграддаги СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти аспирантурасига ўқишга кирди. Машҳур профессор А. Қ. Боровков илмий раҳбарлигида «Турди ва унинг адабий муҳити» мавзусида тадқиқот иши олиб борди. Тадқиқотчи шоир Турди ижодиёти ҳақида диссертация ёзиш билан бир вақтда ўзбек совет адабиёти, унинг атоқли вакиллари ижоди тўғрисида ҳам жиддий меҳнат қилди. Биргина мисол. «Абдулла Қаҳҳор новеллалари» номли катта мақоласи 1946 йили «Шарқ Юлдузи» журнаlining бир неча сонларида босилиб чиқди. 1947 йили эса Турди ва унинг адабий муҳити ҳақидаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳомил Ёқубов қамрови кенг ва теран ҳамда фаол олим. Буни муайян даражада тасаввур этиш учун 1948 йили ёзган мақолаларидан айримларини эслатиб ўтиш kifоя. 1948 йилда ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий ижодиёти ҳақида «Алишер Навоийнинг «Ҳамса»си» («Ёш ленинчи», 9 май, 1948), «Сабъаи сайёр»да шаҳар қатламлари вакилининг образи» («Ёш ленинчи», 15 май, 1948), «Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони» («Шарқ юлдузи», 1948, № 5), буюк танқидчи В. Г. Белинский тўғрисида «Улуғ адабий танқидчи» («Шарқ юлдузи», 1948, № 6) номли мақолаларини яратди.

1949 йили эса унинг «Халқпарвар шоир Муқимий» номли китоби чоп этилди ва Ойбек ижодиёти ҳақида иккита мақоласи («Шарқ юлдузи», № 11, «Ўқитувчилар газетаси», 7 декабрь) босилиб чиқди. Демак, олимнинг илмий фаолиятида ўзбек классик адабиёти ва совет адабиётининг долзарб масалалари, уларнинг улкан вакиллари ижодиётини тадқиқ этиш доираси тобора кенгайиб, чуқурлашиб борди.

Бу ўринда олимнинг қатор илмий кашфиётларини батафсил характерлаб беришга имкон бўлмагани сабабли бир фактни келтириб ўтиш билан чекланаман. Маълумки, Ҳ. Ёқубовнинг «Ўзбек поэзия ва прозасида социалистик реализм масаласига доир баъзи мулоҳазалар» номли мақоласи 1949 йили «Шарқ юлдузи» журнаlining 2- сонида босилиб чиққан эди. Бу мақолада олим ўзбек адабиётшунослари орасида биринчи бўлиб 20- йиллар адабий жараёнида танқидий реализм мавжуд бўлган, деган тезисни кўтариб чиқди. Тўғри, мақола ёзилган пайтларда 20- йиллар адабиётидаги қатор ижодкорлар ҳақида гапириш мумкин эмас эди. Гапириш мумкин ва зарур бўлган ижодкорларнинг айрим асарлари танқидий реализмга мансуб, деган фикрни ўртага ташлади. Профессор Б. Имомов бу ҳақда шундай ёзади: «Адабиётшунослигимизнинг гоят муҳим назарий масалаларидан бўлган ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг қарор топиши проблемасини ўрганишга ҳали деярли қўл урилмаган бир пайтда бундай мураккаб ва принципиал масалаларга дадил қўл уриш олимнинг ҳақиқий илмий жасорати эди»<sup>1</sup>. Тўғри, олимнинг жасорат билан айтган фикри ва ўша йилларда жуда кескин танқид қилинган, ҳатто сиёсий хато, дея талқин этилган. Бунинг учун Ҳ. Ёқубов жуда кўп тигдор гаплар эшитган эди. Кейинчалик эса, бу фикр фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Бутуниттифоқ йирик тадқиқотчилари орасида биринчи марта ўзбек олими томонидан илмий жасорат қилиб айтилган эди, деб эътироф этилди. Муҳими — олим бу тезисни кейинчалик фақат С. Айнийнинг айрим прозаик асарлари мисолидагина эмас, айни вақтда, Ҳамзанинг баъзи асарлари ва А. Қодирий романлари мисолида ҳам атрофлича исбот этишга интилди. У ўзининг бу фикрига асосан содиқ қолди. Ҳозирги замон совет адабиётшунослигида айниқса,

---

<sup>1</sup> Б. Имомов. Ҳаёт ва ижод. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил, 163- бет.

20- йилларни (қатор миллий адабиётларни) текшириш борасида бу масалага махсус эътибор берилляпти. Ҳомил Ёқубов мураккаб масалаларга олдиндан илмий ёндашиш қуввати фавқулодда кучли чинакам олимлар сирасига мансуб. У республикамизда етук ва етакчи назарийчи олимлардан бири бўлиб келяпти. Унинг деярли барча салмоқли ишларида назарий руҳ қавариб кўринади, ишларининг бутун руҳига назарий қарашлар сингдириб юборилган.

Ҳомил Ёқубовнинг илмий фаолиятига хос бўлган нодир фазилат, уни ичдан нурлантириб турган бош асослардан бири бу изчил тарихийлик принцидир. Бу принцип унинг илмий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Ижодининг чуқур замонавийлиги ва партиявийлиги ҳам ана шу фанний асос билан боғлиқ ҳолда кечади, бу муқаддас принциплар бир-бирлари билан тўлишиб, яхлит ҳолда мужассам бўлади ва шу туфайли қудратли куч касб этади. У адабиёт тарихининг узоқяқин даврларига мурожаат этганда ҳам, ўзбек совет адабиётининг муайян бир даврини текширганда ҳам, унинг атоқли намоёндалари ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилганда ҳам, илмий-назарий характердаги принципиал проблемаларни ҳал этишга интилганда ҳам биринчи навбатда ўша даврдаги адабий муҳит, адабий жараёнга ёки ижодкорни вояга етказган конкрет тарихий шароитга таянган ҳолда иш кўради. Бу муқаддас принципдан чекиниш ва узоқлашиб кетиш эса, унинг илмий фаолиятига бутунлай бегона. Адабий ва бадий ҳодисаларни, ўтмишдаги санъаткорлар ва ҳозирги замон ижодкорларини онгли тарихийлик принципига қатъий амал қилган ҳолда текшира олиш, талқин эта билиш Ҳомил Ёқубов ишларига ҳамisha ҳаётбахш куч ато қилган ва фикрий қувватининг чинакам замонавийлигини таъмин этиб борган нодир хусусиятдир.

Тарихий ўтмишдаги ёки ҳозирги замондаги адабий ҳодисаларни ичдан нурлантиришнинг муқаддас йўллари-

дан бири ҳам — илмий йўналишнинг сўнги ютуғини чи-  
накамга «ҳазм» қила олиш ва шу нуқтада туриб муно-  
сиб иш қила билишдир. Буни Ҳомил Ёқубовнинг 30- йил-  
ларнинг ўрталарида яратган «Ғафур Ғулом ижодиёти»  
номли иши билан 50- йилларнинг бошларида босилиб  
чиққан «Ғафур Ғулом ҳақида танқидий-биографик очерк»  
(1953) асарини қиёслаш орқали ҳам яққол тасаввур  
этиш мумкин. Ҳар иккала иш ҳам вужудга келган пайтда  
муҳим воқеа бўлди. Таниқли шоир Ғафур Ғулом олим  
кўз ўнгида йилдан-йилга камолот босқичига кўтарила  
борди ва Иттифоқ миқёсида шуҳрат топди. Танқидчи  
салкам йигирма йил ичида шоир ижодида бўлган улкан  
ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб борди ва улар-  
ни кучли эҳтирос билан ўз мақолаларида кўрсатишни  
давом эттирди. Ниҳоят, Ғ. Ғулом ҳаёти ва ижодиёти ҳа-  
қида ўзбек адабиётшунослигида биринчи илмий тадқиқот  
характеридаги салмоқли иш вужудга келди. 1959 йили  
эса «Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди» номи билан унинг  
йирик монографияси чоп этилди. 1970 йили босилиб чиқ-  
қан «Адабий мақолалар» номли йирик асарининг бир  
боби «Ғафур Ғулом» деб аталди. Мен бу ўринда олим-  
нинг бу улкан шоир ҳақида ёзган ва босилиб чиққан ўн-  
лаб мақолаларини келтириб ўтирмадим. Ҳар бир мақола-  
да шоир ижодининг янги-янги қирраларини кўрсатиб бер-  
ди. Қисқаси, ўзбек адабиётшунослигининг узвий қисми  
ғуломшунослик ва таъбир жоиз бўлса, унинг фан сифати-  
да вужудга келиши биринчи навбатда Ҳомил Ёқубов  
номи билан боғлиқдир. Шоир ижодини ва асарларини  
муайян проблемалар бўйича тадқиқ этган адабиётшунос  
олим Салоҳиддин Мамажонов ўзининг ҳар бир асарида  
Ҳомил Ёқубовнинг номини жуда катта ҳурмат билан тил-  
га олади ва бу фаннинг асосчиси, деб билади.

Олимнинг Ҳамид Олимжон ва Уйғуннинг 30- йиллар  
иккинчи ярмигача бўлган ижодиётини тадқиқ этган иш-  
лари эса, улар ҳақида кейинчалик вужудга келган қатор  
ишларнинг мустақкам замини бўлди. Бу ижодкорлар ҳа-



қида кейинчалик ҳам Ҳ. Ёқубов қатор мақолалар ёзди. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (иккинчи китоб, 1962) ва «История узбекской советской литературы» (М., 1967) номли катта коллективнинг салкам 50 йил ичида қилган меҳнатларининг якуни сифатида вужудга келган асарлардаги «Ойбек», «Ғафур Ғулом», «Ҳамид Олимжон» каби боблар Ҳ. Ёқубов қаламига мансуб. Демак, ҳассос шоир Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақида қилинган ишларни Ҳ. Ёқубов яратган асарларсиз тўла тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, у аввал қилган ишларини муттасил давом эттириб ва кўп йиллик кузатишлари билан тўлдириб, кетма-кет боғлаб келаётган чинакам одил, заҳматкаш, толмас ва эҳтиросли олим.

Мен бу ўринда олимга хос яна бир нодир хусусиятни махсус таъкидлаб ўтишни жуда истардим. Бу — кенг маънода Ҳ. Ёқубовнинг эҳтиросга бой нозик лирик тадқиқотчи эканлигидир. Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғуннинг чинакам поэзиясини, шоҳ асарларини жуда катта муҳаббат ва илҳом билан таҳлил қилиб, ичдан нурлантириш энг аввало Ҳ. Ёқубовга насиб бўлди. У бу ижодкорларнинг поэтик оламига чуқур кириб бора олди ва уларнинг ўзларига хос поэтик овозини, жўшқин ва майинлик созини қалбдан теран ҳис қилди, ҳаётни идрок этишлари ва акс эттириш принципларини, бу жараёндаги ҳар бирининг ўзига хос томонларини моҳир заргар сингари аниқ ва жуда тиниқ кўрсатди. Илмий кузатишлари қуввати кучли эҳтирос, фусункорлик касб этди.

1950—1970 йиллар мобайнидаги Ҳ. Ёқубов илмий фаолиятида атоқли шоир ва улкан адиб Ойбек ижодини кенг йўсинда тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қилди. 20-йилларнинг охирида мақола-тақризлар ёза бошлаган Ҳ. Ёқубов 30-йилларда бу борани ишларини муайян даражада давом эттирди. 40-йилларнинг охирларига келиб Ойбек ижоди ҳақида жиддий ишга олиб боришга фаол киришиб кетди. Унинг натижаси

ўлароқ «Ёзувчи Ойбек» («Уқитувчилар газетаси», 7 декабрь, 1949), «Ойбек» («Шарқ юлдузи», 1949, № 11), «Ойбек прозасида бадий тасвир» («Ёш ленинчи», 19 май, 1955), «Ойбек романлари» («Шарқ юлдузи» 1955, № 5), «Ҳаёт прозаси» («Қизил Ўзбекистон», 29 май, 1955) номли қатор мақолалари вужудга келди. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган ишларнинг якуни бўлиб 1955 йилда олимнинг «Ойбек. Танқидий-биографик очерк» номли китоби чоп этилди. Бу иш ўзбек адабиёт-шунослигида катта воқеа бўлди. Озод Шарафуддинов бу китобга ёзган тақризида («Совет Ўзбекистони маданияти», 19 январь, 1956) олимнинг ишини юксак баҳолади, айниқса, фикрларнинг илмий қуввати кучига, бу борада олиб борган баҳс-мунозаранинг изчиллиги ва мантиқий асосланишига, кучли, ишонарли йўналиш касб этишига махсус эътибор қилди ҳамда тадқиқотчининг бундай нодир хусусиятини рўйрост кўрсатиб берди.

1959 йили олимнинг Ойбек ҳақида монографияси (Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959) босилиб чиқди. Бу фақат олим ижодидагина эмас, айни вақтда, ўзбек адабиёт-шунослигининг ҳам принципиал ютуғи бўлди. Шундан кейин ҳам Ойбек ижоди ҳақидаги илмий ишларини фаол давом эттирди. Ниҳоят, бу борадаги ишларининг улкан якуни сифатида «Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат» (1963), «Адибнинг маҳорати» (1966) номли китоблари яратилди. Бу асарлар учун олимга 1966 йили филология фанлари доктори илмий даражаси берилди.

Ҳ. Ёқубовнинг бу асарига қадар ўзбек адабиётшунослигида Ойбек лирикаси ғоявийлик ва маҳорат проблемалари асосида кенг планда текширилмаган эди. Биринчи бўлиб Ҳ. Ёқубов бу борада жиддий илмий иш қилди: Ойбек лирикасида эпик элементларнинг кўпайиб бориши муносабати билан поэмалари вужудга келгани чуқур тадқиқ этилди ва илмий асосланди. Таниқли шоир поэмаларини атрофлича текширар экан, уларда мавжуд бўлган романтик ва реалистик асосларни, услубий хусусиятларини

қатор асарлар таҳлили орқали ишонарли кўрсатиб берди. Олим шоир Ойбек лирикасига хос бўлган эпикликка алоҳида урғу беради ва бу хусусият унинг поэмаларида ҳам кучайиб борганлигини исбот қилади. 30-йиллар ўзбек лирикаси ва поэмачилигини Ойбек асарларисиз тўла тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боисдан Х. Еқубов «Ғоявийлик ва маҳорат» номли китобида Ойбек поэзиясида реализм, лирик қаҳрамон, шоир услуби каби қатор назарий проблемаларга айримча аҳамият беради. Натижада шоирнинг поэтик асарларидаги кўтаринки романтик ва эпик услубларни кенг тадқиқ қилади ва шу давр ўзбек поэзиясида услубларнинг ранг-баранглигини кўрсатади. Энг муҳими — қатор проблемаларни текшириш асосида Ойбек лирикасининг ўзига хос характерли хусусиятларини, фазилатларини рўйрост намоён қилади ва унинг ўзбек совет поэзиясида тутган ўрнини ишонарли тарзда белгилаб беради. Муҳим моментлардан яна бири шуки, олим ёзувчи Ойбекнинг йирик асарларини таҳлил қилишда уларнинг яратилиш тарихига ҳам эътибор беради ва ҳар бир асарнинг конкрет тарихий шароит, замона талаби билан вужудга келганини текширади. Айни вақтда, тадқиқотчи Ойбекнинг илмий-танқидий мақолалари, адабий-эстетик қарашларига жипс боғлиқ ҳолда адиб асарларини ичдан нурлантириб боради. Қисқаси, тадқиқотчи Ойбек лирикасининг ўзига хос хусусиятларини, унинг услуби ва лирик қаҳрамони, лирик образ ва характерларининг ўзаро алоқасини илмий-назарий планда биринчи бор кенг таҳлил қилади ва зарур, теран ҳаётий ҳулосалар, умумлашмалар чиқаради. Ойбек прозасининг ўзбек адабиётида тутган принципиал ўрни ва адибнинг маҳорати «сир»лари илмий асосда кўрсатилади. Қисқаси, олимнинг «Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат», «Адиб маҳорати» асарлари бугунги ўзбек совет адабиётшунослиги камолотини рўйрост намоён этди.

Ҳомил Еқубовнинг ҳар бир асари ўзбек совет адабиётшунослигида муҳим воқеа бўлиб келяпти. Унинг илмий

фаолияти кўп қиррали. Тўғри, бадий ижод ва илм соҳасида фаолияти кўп қиррали бўлганлар кўп. Демак, ижоднинг кўп қиррали бўлиши — бу биринчи навбатда ижодкорнинг ҳар бир соҳада қилган ишлари, яратган асарларининг юксак савияда бўлишидир. Ҳ. Ёқубов ўзбек адабиёти, тарихи ҳақида ёзадими ёки ўзбек совет адабиёти, унинг турли жанрлари ва проблемалари хусусида асар битадими, бари бир доимо унинг юқори савияда бўлиши учун курашади. Юзлаб мисоллардан фақат иккитасини эслайлик. Кейинги йилларда «Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар» ҳамда «Навоий ва ўзбек совет адабиёти» номли мақолаларини ёзди. Ҳар иккала мақола ҳам чуқур илмий характердаги принципиал ишлар сирасига мансуб. Ёки улкан адиб Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги мақолаларини олайлик. Мунаққид адибнинг дунёқараши ва асарларини давр тараққиёти билан яхлит ҳолда чуқур тадқиқ этади. Атоқли адиб Шароф Рашидов ижодининг характерли хусусиятларини, услубидаги лиризм билан жўшқин публицистикани илк бор моҳирона илмий асослаб берган ҳам Ҳомил Ёқубов бўлди.

1970 йили Ҳ. Ёқубовнинг «Адабий мақолалар»и чоп этилди. Китоб олимнинг сара мақолаларидан таркиб топган. Унда қирқ йилдан зиёд илмий фаолиятнинг энг нодир томонлари жамулжам. Китоб икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда ўзбек совет адабиётининг муҳим проблемаларига доир мақолалар ўрин олган. Булар Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Мамарасул Бобоев каби санъаткорлар ижоди ҳақидаги тадқиқотлардир. Иккинчи бўлим эса Навоий, Бобир, Турди ва Муқимий ижоди хусусида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган илмий ишлардан иборат. Тўғри, олимнинг илмий фаолияти кўлами фақат китобга кирган мақолаларидангина иборат эмас. Бу китобни унинг энг мухтасар танланган асарлари дейиш мумкин холос. Лекин шу китобнинг ўзиёқ Ҳомил Ёқубовнинг ўзбек совет ва классик адабиётимиз проблемалари, улар-

нинг қатор йирик вакиллари ижодиёти билан муттасил шуғулланиб келаётганини очиқ-ойдин кўрсатади. Китобда юқорида номлари зикр этилган ҳар бир санъаткорнинг ижодий йўналиши ва ўзига хос характерли хусусиятлари конкрет тарихий шароит, давр ва индивидуал ижод, ғоявийлик ва маҳорат масалалари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур тадқиқ этиб кўрсатилади. Қисқаси, бу китоб ўзбек адабиётшунослигидаги ноёб асарлардан бири бўлиб қолди.

Ҳ. Ёқубов фақат олим ва атоқли танқидчигина эмас, айна вақтда мураббий ҳамдир. У кўп йиллар мобайнида олий ўқув юртларида адабиётдан дарс берди. Олим бир қанча дарсликлар, хрестоматиялар, ўқув программаларининг муллифидир.

Ҳомил Ёқубов 30- йиллардан то ҳозирга қадар бу соҳадаги ишларини фаол эттириб келяпти. У икки томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (1961-1962), «История узбекской советской литературы» (М., 1967), уч томлик «Ўзбек совет адабиёт тарихи» (1968-1972) номли йирик ишларнинг вужудга келишида жонбозлик кўрсатди.

Устознинг юқори малакали филолог мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари ҳам жуда катта ва эъзозли.

Коммунист олим 1967 йили Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати бўлди. 1968 йили эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон билан тақдирланди. Машҳур санъаткор Ойбек Ҳомил Ёқубовни «қалин дўстим», «ҳақиқий олим», дея фахрланиб гапирган эди. Ҳозир мўътабар устоз табаррук ёшга муносиб табаррук асарлар яратиш билан банд. Унинг режалари реал ва катта. Устоз ҳозирга қадар адабиётшуносликда мукамал ишлар қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатиб келяпти ва бундан кейин ҳам ҳаммага манзур, айниқса, навқирон олимлар эргашадиган юксак чўққи бўлиб қолади. Унинг сиймосида ўзбек совет

адабиётшунослигини янада юқори поғонага кўтарувчи заковатли, донишманд олим мужассам. Меҳрибон устознинг улуғ мақсад йўлида яратаётган ҳар бир асарини кенг китобхонлар оммаси ҳам, адабиёт мутахассислари ҳам мунтазирлик билан кутади. Зеро, улар олимнинг янги гап айтишига, янгича кузатишларини, биринчилардан бўлиб муҳим масалани кўтариб чиқишига ўрганиб қолган. Адабиёт ихлосмандлари Ҳомил Ёқубовнинг яратадиган ҳар бир ишига ана шундай катта ишонч билан қарайдилар ва олим ҳам шундай катта ишончга муносиб жавоб бериш иштиёқи билан яшамоқда.

Ҳамиша шундай бўлиб қолади.



**МАРАТ НУРМУҲАМЕДОВ**

Қорақалпоқ адабиётшунослиги ва танқидчилигида Марат Нурмухамедов алоҳида ўрин тутади. Уни фақат Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистондагина эмас, балки Урта Осиё республикалари адабий жамоатчилиги ҳам яхши биладилар, ҳурмат қиладилар. У ўзининг илмий асарлари билан Москва ва Ленинград адабиётшунослари ўртасида ҳам заҳматқаш ва истеъдодли олим, қорақалпоқ совет адабиётининг ажойиб тадқиқотчиси сифатида танилган. Қорақалпоғистонлик зиёлилар Марат Нурмухамедовни йirik адабиётшунослар сафидан мустақкам ўрин олган энг навқирон олим, фанимизнинг ёрқин юлдузи, деб аташлари бежиз эмас. Марат Нурмухамедовнинг илмий ва ижтимоий фаолиятини ҳозирги замондаги энг тез учар самолёт парвозига қиёс қилгудек. Йигирма бир яшарида аспирант, йигирма етти ёшида катта бир журналнинг бош муҳаррири, йигирма саккиз ёшида Қорақал-

поғистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси ва Ўзбекистон фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг раҳбари. Уттиз бир ёшида у область партия комитети секретари, қирқ тўрт ёшида эса академик, вице-президент...

Марат Нурмухамедов 1930 йилнинг 6 январида Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл шаҳрида дунёга келди. Унинг ота-онаси инқилобгача минглаб кишилар қатори камбағал деҳқон бўлган. Буюк инқилобдан кейин отаси янги ҳаёт учун фаол кураш олиб борган ва кўп йил Қорақалпоғистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси бўлиб ишлаган.

Марат 1937-1946 йиллар мобайнида Хўжайли шаҳридаги рус мактабида таълим олди. У ўқиш кезлари рус классиклари ва совет даври адабиётини кунт билан ўрганди. 1946 йили Марат Қорақалпоғистон Давлат Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Бу давр унинг учун рус адабиёти ва тилининг қудратини севиш, бу борада ўзини ҳар томонлама етук мутахассис қилиб тайёрлашга интилиш йиллари бўлди. 1950 йили М. Нурмухамедов шу институтни муваффақиятли тамомлади. Худди шу йиллари бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ҳам илмий кадрларни тайёрлаб етказишга жуда катта аҳамият берилаётган бир давр эди. 1950 йили бир гуруҳ қорақалпоқ ёшлари СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасига ўқиш учун юборилади. Булар орасида ёш Марат ҳам бор эди. Аспирантура йиллари Марат Нурмухамедов ҳаётида ўчмас из қолдирган, унинг фан соҳасидаги истиқболлини аниқловчи, илмий-тадқиқот ишларига йўл очувчи йиллар бўлди. Бу давр унинг учун рус адабиётининг қорақалпоқ совет адабиёти шаклланиши ва ривожланишига таъсир доирасини ўрганиш ва тадқиқ этиш йиллари бўлди. Шунинг учун ҳам бу давр бўлажак олим ҳаётининг энг сермазмун ва ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Москвада



у совет филология фанида жаҳонга танилган олимларнинг лекцияларини зўр мароқ билан тинглади. Шулардан бири Л. Н. Тимофеев эди. 1953 йили Марат Нурмухамедов аспирантурани тугатади ва атоқли олим Е. Э. Бертельс раҳбарлигида олиб борган илмий ишени ўз вақтида интиҳосига етказди. Худди шу йили у «Рус адабиётининг Қорақалпоғистон совет адабиётининг ривожланишига таъсири» мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 23 ёшли ёш олимнинг бу ишени москвалик атоқли олимлар юксак баҳолади. Шу тарзда қорақалпоқ совет адабиётининг совет даврида таркиб топиши ва камолотига рус адабиётининг кучли таъсир этиши доираси илк бор кенг кўламда ва илмий асосда кўрсатилди. Қорақалпоқ совет адабиётшунослари сафига истиқболи порлоқ ёш олим шу тариқа келиб қўшилди. Уша пайтларда илмий тафаккури кенг Марат Нурмухамедов қорақалпоқ совет адабиётшунослари орасида энг навқирон, энг таллантли ёш олим эди. 1953—1959 йилларда у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон Экономика ва маданият институтида аввал катта илмий ходим ва тез орада директор ўринбосари бўлиб ишлади. Айни вақтда, «Амударё» журнаlining бош муҳаррири (1957-1958) ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси (1958—1959) бўлди. 1959 йили Нукусда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ташкил этилди. 29 яшар Марат Нурмухамедов ЎзССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг раиси қилиб тайинланди. У уч йилга яқин шу лавозимда ишлади ва қорақалпоқ фанини тараққий эттириш учун фаол курашди. Марат Нурмухамедов Ёзувчилар союзида ҳам, журналда ҳам, институтда ҳам ақлли бошлиқ, тадбирли ташкилотчи, ноёб жамоат арбоби эканлигини кўрсатди. Таниқли олим ва кенг кўламдаги йирик жамоат арбоби сифатида у совет Қорақалпоғистонида фан ва маданиятнинг, бадий ижод ва адабиётшуносликнинг янада равишга топишига салмоқли ҳисса қўшди. Марат Нурмухаме-

дов раҳбарлик фаолиятини ижодий-илмий ишлари билан бирга олиб борди. Агар талант, Л. Н. Толстой махсус таъкидлаганидек, меҳнатга ва инсонга муҳаббат қўйишдан иборат бўлса, бу нодир фазилат, менинг назаримда, навқирон олим Марат Нурмуҳамедов ҳаёт ва ижодида энг асосий ва эъзозли аломатлардан биридир. Истеъдодли раҳбар ва жамоат арбоби бўлган бу ёш олим тинимсиз ижодий изланиб борди. Унинг ижоди қорақалпоқ, рус ва қатор бошқа халқлар томонидан яратилган, ўз даврида ижтимоий фикрларга тўлқин солган, миллион-миллион кишиларнинг руҳий оламига таъсир этган ва келажак олимлар учун бебаҳо бадий хазина бўлиб қолган улкан маънавий бойликлар заминида майдонга келди ва камол топди. Бу ҳол унинг жуда кўп илмий-тадқиқот характеридаги мақолаларида ва шулар асосида вужудга келган «Влияние русской литературы на развитие каракалпакской советской литературы» (1959) китобида ҳам кўринган эди. Бу эътиборли ва эъзозли иш бўлиб қолди. Мен бу ерда унинг кенг кўламдаги раҳбарлик, жамоат арбоби сифатидаги фаолиятдан эмас, фақат ижодий-илмий фаолияти маҳсули бўлган жуда кўп ишларидан фақат айримларини келтириб ўтаман. Жуда қисқа муддат ичида М. Нурмуҳамедовнинг «Қорақалпоқ совет прозаси» (1957), «Қорақалпоқ совет адабиёти тарихи қисқача очерки» (1959), «Урушгача бўлган қорақалпоқ прозаси» (1959) номли ишлари вужудга келди ва босилиб чиқди. Мен атоқли олимнинг 1960 йилга қадар яратган кўп сонли илмий ишларининг мухтасар рўйхатинигина келтирдим холос. Бу ўринда олим асарларининг ҳаммасини таҳлил қилишга, уларнинг илмий қиммати ва савияси ҳақида батафсил тўхталишга имкон йўқ албатта. Шунинг учун фақат бир асари — «Қорақалпоқ адабиёти тарихи қисқача очерки» хусусида тўхтаб ўтаман. 1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига олиб борилган Ўзбекистон адабиётшунослари ва танқидчилари асарлари орасида Марат Нурмуҳамедов-

нинг бу китоби ҳам бор эди. Мунозараларда улкан адабиётшунос олим Г. И. Ломидзе шундай деган эди: «М. Нурмухамедов шундай мураккаб ишга бир ўзи киришгани ва бу масалани ёритиб берганининг ўзи унинг таҳсинга сазовор бўладиган хизматидир. Унинг бу китобига шундай асар яратилган эмас эди.» С. И. Лиходзиевский ёзади: «Ёш истеъдодли қорақалпоқ олими Марат Нурмухамедов катта дадиллик ва жасорат кўрсатди. Одатда бундай асарлар коллектив бўлиб ёзилади. Бироқ бу ўринда ўртоғимизнинг ёлғиз ўзи шу ишга киришган. Натижа шуки, биз қорақалпоқ адабиёти тарихига эга бўлдик. Китоб жуда қизиқарли чиққан. Нурмухамедовнинг очеркка адабий танқид ҳақидаги бўлимни дадил кiritганлиги ҳам эътиборни жалб қилади. Совет адабиётимиз тарихига бағишланган асарларда (масалан, икки томдан иборат совет адабиёти тарихи китобида) танқид ва адабиётшуносликнинг ютуқлари асоссиз равишда четлаб ўтилади. Нурмухамедов эса очеркига адабий тараққиётнинг турли босқичларидаги қорақалпоқ совет адабий танқидчилигига бағишланган бобларни киритиб, бу етишмовчиликни ўзига хос йўл билан тўлдирди». Мазкур китоб ҳақида айтилган бундай ёқимли фикрларни яна кўп-кўп келтириш мумкин. Қорақалпоқ совет адабиётига оид биринчи йирик илмий асар бўлгани учун бу китоб кенг адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Тадқиқотчи китобда қорақалпоқ адабиётининг совет давридаги тарихий тараққиёт босқичларини асосан хронологик тартибда ва тематик аспектда ёритади. Асарнинг кириш қисмида қорақалпоқ халқининг Россия билан бўлган кўҳна тарихий алоқалари масаласи ва кейинги бобларда эса ўрни-ўрни билан рус ёзувчилари асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилиш жиддий самаралар берилгани проблемаси анча кенг таҳлил этилади. Автор қорақалпоқ совет адабиёти шаклланиши ва ривожланишининг асосий факторларини доимо таъкидлаб боради. Қисқаси, ёш олим бу асари билан ҳам ўзининг истеъдод-

ли тадқиқотчилик қудратини намоёиш қилди. Марат Нурмухамедовнинг бутун фаолияти ва ижоди теран партиявийлик ва чинакам ғоявийлик намунаси сифатида ардоқли. Унинг ҳозирги замон юксак талаблари даражасида бўлишга фаол ҳаракат қилиши ва барча илм ҳамда ижод аҳлини шунга даъват этиши, ниҳоят ўзи ҳам бу борада жасорат кўрсатиб ишлаши ва ижод қилишга борлиғи билан берилишидир. Бу ташқи бир безак эмас, балки кучли бир эътиқоддир. Шу туфайли ҳам у чинакам олим сифатида ва ғамхўр раҳбар сифатида тез орада катта обрў топа борди. 1961-1966 йиллар Марат Нурмухамедов Ўзбекистон Коммунистик партияси Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари лавозимида ишлади. Бу йиллар ичида у «Улуғ Ватан уруши давридаги қорақалпоқ прозаси» (1961), «Қорақалпоқ совет адабиёти тарихи» (1962), «Улуғ Ватан урушидан сўнгги қорақалпоқ прозаси» (1964) каби бир қатор монографик характердаги илмий-тадқиқот ишларини яратди ҳамда «Қорақалпоқ совет адабиёти» дарслигининг авторларидан бири сифатида кенг ўқувчилар оммаси орасида шуҳрат топди. 1965 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлими илмий советида «Қорақалпоқ совет прозасининг ривожланиш йўллари» деган мавзудаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу асари учун Марат Нурмухамедовга Олий Аттестация комиссияси қарори билан филология фанлари доктори илмий даражаси берилди. Ўзбек адабиётшунослари сафига 35 яшар фан доктори келиб қўшилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1966 йили февраль ойида бўлиб ўтган йиллик ҳисобот йиғилишида филология фанлари доктори Марат Нурмухамедов Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. Келтирилган бу фактлар унинг юксак, масъулиятли лавозимларда ишлаш билан бирга тинимсиз ижодий изланишлари самарасини рўйроост намоён қилади ва бу борада олим муносиб тақдирланганини кўрсатади.

1966-1974 йилларда йирик олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимида академик-секретари бўлиб ишлади ва олимларга сардор бўлиб фаоллик кўрсатди. «Қорақалпоқ совет прозаси» (1968) номли йирик монографияси учун олим Бердақ номидаги республика мукофоти лауреати бўлди. Бу йирик монографияда қорақалпоқ совет прозаси кенг планда атрофлича тадқиқ этилди. Тадқиқодчи асарда қорақалпоқ прозасининг туғилиши ва ривожланиши (1917-1964) йилларини даврма-давр кузатади, ўсиш йилларини ишонарли ва илмий асосда кўрсатиб беради. Китоб кириш ва хотимадан ташқари тўрт бобдан иборат. Биринчи бобда 1917-1941 йиллар орасидаги проза асарлари таҳлил қилинади. Иккинчи ва учинчи бобларда эса Улуғ Ватан уруши ва кейинги даврда яратилган қатор асарлар тадқиқ этилади. «Ҳозирги замон қорақалпоқ прозаси» деб аталган тўртинчи бобда қорақалпоқ совет адабиёти янги даврда янги босқичга кўтарилгани анча кенг текширилади. Тадқиқотчи проза жанрининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини адабий тараққиётининг бош йўналиши асосида кўрсатади. Проза жанри мисолида қорақалпоқ совет адабиёти камолоти, бу тарихий жараёндаги унинг асосий тенденциялари, характерли муҳим хусусиятлари очилади. Қисқаси, «Қорақалпоқ совет прозаси» номли бу китоб қизиқарли ва оригинал тадқиқотлардан бири бўлиб қолди. Олимнинг Т. А. Жданко ва С. К. Камоловлар билан ҳамкорликда яратган «Қорақалпоқлар. Тарихий ва этнографик очерк» китоби (1971) бу типдаги асарларнинг энг сараларидан бири сифатида юксак баҳоланди.

Жонажон адабиётимизнинг равнақиға бағишланган узлуксиз ижодий-тадқиқот меҳнати ва заҳмати бу олимни Ўрта Осиё адабиётшуносларининг олдинги сафига олиб чиқди. У кўпмиллатли совет адабиётшунослари олдинги сафида кенг миқёсда фаол ижод қилаётган ва идеологик кураш соҳасида чет элдаги муҳолифларга куч-

ли зарба бериб келаётган йирик тадқиқотчи. Бу борада унинг «Адабиёт фани ва идеологик кураш» (1976) номли рисоласи алоҳида таҳсинга сазовор. Икки системанинг бир-бирига қарши ғоявий кураши тобора кескин тус олган ҳозирги пайтда душманининг идеологик диверсияларига ўз вақтида зарба бериб бориш фавқулудда муҳим аҳамиятга молик. Марат Нурмуҳамедов ўз китобида Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларига бағишланган чет элдаги муҳолифларимиз «илмий асарлари»ни ишонарли асосда кескин танқид қилади.

Мен ҳам Боймирза Ҳайит, Г. Морис, Эдвард Олуорс, Денис Огден ва бошқа «мутахассислар»нинг Совет Шарқи халқлари адабиётига бағишланган китоблар ва қатор мақолалари хусусида кўп ўқиганман. Шулар орасида М. Нурмуҳамедовнинг бу рисоласини энг сараларидан бири деб биламан.

Марат Нурмуҳамедов 150 дан зиёд илмий ишларнинг муаллифи. Қорақалпоқ совет адабиётида бирор босқич ёки бирор йирик санъаткор, бирор муҳим проблема ёки жиддий асар йўқки, улар ҳақида М. Нурмуҳамедов ўз фикрини айтмаган бўлса. Жуда кўп илмий асарлари М. Нурмуҳамедовнинг кенг миқёсда юксак даражада фикрловчи олим эканлигини ва баланд поғонадаги олимларнинг энг олдинги сафида турганлигини очиқ-ойдин кўрсатади. У ҳозирги давр қорақалпоқ адабиётини қандай теран билса, унинг инқилобдан олдинги даврларини ёки 20-йиллар адабиётини ҳам шундай етук, мукаммал билади. Бу фикрни унинг «Инқилоб ва қорақалпоқ прозаси» (1967), «Қорақалпоқ ёзма адабиётининг пайдо бўлиши ҳақида» (1968), «Қорақалпоқ адабиётини ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирларнинг айрим масалалари» (1968), «Ҳозирги қорақалпоқ прозасининг айрим актуал проблемалари» (1970) каби қатор ишлари ҳам тасдиқ этади.

«О зарождение письменной литературы полуоседлых и кочевых тюркоязычных народов Средней Азии и Казах-

стан» (1970), «Из Истории русско-каракалпакских связей» (1970) номли ишлари олимнинг капитал асарлари бўлиб қолди. У ўтмиш оламига бутун вужуди билан кириб борди ва бебаҳо хазиналардан дурлар териб китобхонларга совға этди. Бундай олимлар, одатда, ўз илмий фикрлари билан ҳамиша банд бўладилар. Шу туфайли ҳам илмий ишлар қилишдан лаззат оладилар, катта давраларда муҳим фикрларни топиб айтишга интиладилар... Мен буни Марат Нурмуҳамедовнинг 1974 йили А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори, тез орада унинг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти (1974-1979 йиллар) бўлиб ишлаган пайтларида сезганман. Ҳозирги кунда бу ажойиб олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-котиби, ЎзССР ФА Президиуми аъзоси. У бир неча бор Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати бўлди. Икки марта «Хурмат Белгиси» ордени ва қатор медаллар билан мукофотланди. Олим ҳозир қирчиллама йигитлик ёшида. Куч-ғайратга тўлиб тошган олимнинг шунга яраша режалари беқиёс катта. Тоғ бургутлари юксак қоялардан юксак чўққиларга парвоз қилар экан, шу чўққида олимнинг муаззам ва мунаввар сиймоси кўркам бўлиб туради.



ҲАМИД СУЛАЙМОН

Атоқли олим, моҳир педагог Ҳамид Сулаймоннинг мўътабар номи фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Урта Осиё республикалари, шунингдек, Озарбайжон ва Қозоғистонда ҳам машҳурдир. У ўзининг фаол интилишлари ва илмий ишлари билан Москва ва Ленинград шарқшунослари ва туркологлари ўртасида ҳам истеъдодли олим, ўзбек адабиётининг заҳматкаши, ажойиб тадқиқотчиси сифатида танилган. Навоийшунослик фанининг кейинги 15-20 йил ичидаги шитоб билан тараққий этишини Ҳамид Сулаймонсиз тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Совет адабиётшунослигида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини текшириш борасида эришилган улкан ютуқлар асосида ғоят катта масалаларни, кардинал проблемаларни ҳал этишга интилиш талаби пайдо бўла бошлади. Навоийшунослик фани олдида турган бундай кардинал проблемалардан бири хусусида



Ҳамид Сулаймонов ёзади: «Ҳозирги вақтда навоийшунос-лик олдида турган ва даставвал ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири шоир асарларининг ҳақиқий (каноник) ва мукамал текстини тузиб, халққа ва фанга тезроқ тақдим этишдир. Чунки шоир асарларининг хато-лардан соқит қилинган ишончли ва мукамал нусхасига эга бўлмай туриб, унинг дунёқараши, бадий маҳорати ва тил хусусиятлари устида жиддий муҳокама юритиш, назарий хулосалар чиқариш мушкулдир». Олимнинг ўзи ҳам ана шу ниҳоятда улкан ва зарур вазифани бажариш йўлида узоқ йиллар зукко, зарифлик билан фаол ишлади. У аввало беш юз йилдан ортиқ давр ичида таркиб топиб келган юзлаб манбаларни чуқур ўрганиб, уларни қиёс-лашдан ташқари муштарак ва фарқли томонларини ҳам атрофлича тадқиқ этди. Бу шубҳасиз теран илмий та-факкур, нозик дид, қолаверса, чинакам жасорат талаб этарди.

Ҳамид Сулаймон болаликданоқ санъат ва бадий на-фосатнинг шайдоси бўлиб ўсди. Ёш Ҳамид машҳур ҳат-тот Мулла Утоб Тошкандийда араб ёзувидаги ҳуснихат санъатидан таълим олди. Революциядан сўнг рассомчи-ликка берилди. Машҳур Новиков, Риков, Усто Мўмин-лардан фусункорлик санъатининг сирларини зўр муҳаб-бат ва иштиёқ билан ўрганишга киришди.

Асли санъаткор ким, унинг сеҳрли кучи нимада, ис-теъдод қандай таркиб топади, деган саволга жавоб из-ловчи ёш Ҳамид Наримонов номли техникумни битирган-дан кейин Москвадаги Давлат кино институтининг опера-торлик факультетиде таҳсил кўраётган йиллари Эйзен-штейн, Довженко, Пудовкин лекцияларини тинглар экан, санъат сеҳрига янада қаттиқ мафтун бўлиб қолди. 1932 йили у институтни тугатгач, Тошкентга қайтиб ке-либ, операторлик қила бошлади. Лекин бу ишидан кўнгли тўлмасди. Мазкур туйғу тобора кучайиб боравер-ди. Машҳур К. С. Станиславскийнинг «Санъатда ўзингни эмас, ўзингдаги санъатни сев», деган таълимотини дилга

жо қилган Ҳамид ака муттасил ижодий изланиш орқалиги-на мақсадга эришиш мумкинлигини англаб етганди. 1932 йили Ўзбекистон маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг адабиётшунослик бўйича аспирантурасига худди ана шундай юксак ният билан кирди. Аспирантура йиллари Ҳамид Сулаймон ҳаётида ўчмас из қолдирди, унинг илмий тафаккур, фан соҳасидаги истиқболини аниқ белгиловчи илмий-ижодий тадқиқот ишларига йўл очувчи давр бўлди.

Аспирантурада у кўп ёшлар қатори Ғози Олим, С. Поливанов, Слуцкий, Фитрат каби профессорлардан, Отажон Ҳошим, Олим Шарафуддинов сингари машҳур олимлардан лекциялар тинглади. Маркча-ленинча таълимот асосида бадиий тараққиётнинг қонуниятлари, унинг ички нурланишини ўрганиш йўлида муттасил ижодий изланди. 1935 йили Ўзбекистон Фанлар Комитети аспирантурасида таҳсил олаётган бир гуруҳ талантли ёшлар Москвага — СССР Фанлар академиясига юборилди. Булар орасида Мақсуд Шайхзода, Воҳид Абдуллаев, Шарифжон Ҳусанзода ва Ҳамид Сулаймон ҳам бор эди. У Москвада рус совет филология фанида жаҳонга танилган олимларнинг лекцияларини зўр мароқ билан тинглади. Фольклордан академик Ю. М. Соколов, марксистик эстетикадан академик В. Г. Асмус, адабиёт назариясидан СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, профессор Л. И. Тимофеев, адабиёт тарихидан профессор Динник, Федосеев, Михайловларнинг чуқур мазмунли лекцияларидан баҳраманд бўлди, катта билим ва малака ортирди.

Ҳамид Сулаймон ўзининг педагогик фаолиятини 1935 йили Тошкент Давлат педагогика институтида чет эл адабиётидан дарс бериш билан бошлаган эди.

1935 йили Тошкент Давлат институти ташкил этилиб, Ҳ. Сулаймон Ўзбекистон Маориф Комиссарлигининг йўлланмаси билан шу институтнинг адабиёт кафедрасига ўқитувчи бўлиб келади. Уша йиллари рус ва чет эл адабиёти бўйича ўзбек мутахассис ўқитувчилар умуман йўқ

даражада эди. Ҳ. Сулаймон аспирантурани тамомлаб, олий ўқув юртида чет эл адабиётидан лекциялар ўқиган ўзбек совет педагогларининг илк қалдирғочларидан бири бўлди. У ўзининг сермазмун лекциялари, дарсларга пухта тайёргарчилик кўриши билан студентлар ва ўқитувчилар орасида обрў топди. Ҳамид Сулаймонни жаҳон адабиётининг нодир асарлари бутунлай мафтун этган, вужуд-вужудини қамраб олган эди. Ҳар томонлама мукамал, нодир санъат асарини атрофлича белгилай олиш ва баҳолай билиш истеъдоди унда худди шу йилларда таркиб топган бўлса ҳам ажаб эмас. Бу ўринда кўп фактлардан фақат иккитасини эслатиб ўтайлик. 1936 йилда Ҳамид Сулаймоннинг «Шаклланаётган талант» номли мақоласи босилиб чиқди. 1937 йили эса у Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони билан «Тристон ва Изольда» достонини қиёсий тадқиқ этди. Бу асарларнинг бири Европа, иккинчиси Шарқ адабиётининг маҳсули.

«Шаклланаётган талант»да гап ўзбек совет артисти ҳақида боради. Булар ёзилиш даври, қайси адабиётга мансублиги ва бошқа кўп жиҳатлари билан бир-биридан катта фарқ қиладиган, ҳатто «қовушмайдиган» даражада турли-туман адабий ҳодисалар. Уларни «қовуштирган», бир-бирлари билан қиёсий ўрганишга имкон берадиган асосий мезон нимада? Менинча, бу гўзаллик мезони, уларнинг эстетик қимматида. Ҳамид Сулаймон уларнинг эстетик қимматини ана шу юксак мезон асосида белгилайди ва йўналишнинг ана шу нуқтаси унга турли-туман адабий ҳодисаларни қиёсий ўрганиш учун етарли имкон беради. Шунинг учун ҳам у 1936 йилдаёқ Шукр Бурхановни «Шаклланаётган талант» соҳиби, деб майдонга чиқди. Шу боисдан ҳам у Европа адабиётининг ажойиб намунаси «Тристон ва Изольда» достони билан Шарқ адабиётининг нодир асарлари «Фарҳод ва Ширин»ни қиёслади, уларнинг ҳар жиҳатдан мукамаллигини, санъат асари эканлигини, яратилган образларнинг абадий мангу навқиронлигини, қаҳрамонлар ички кечинма-

лари, интилишлари билан нурланишини кўрсатди. Еш олим Ҳамид Сулаймоновнинг кейинчалик икки катта қитъа адабиёти — Европа ва Шарқ адабиётининг билимдони, йирик мутахассис бўлиб етишиши худди шу тарзда бошланди. Кенг кўламли билим шу йўсинда таркиб топа борди. Яна бир характерли факт. У 1946-1948 йиллар мобайнида (Ленинградда академик В. Ф. Шишмарев раҳбарлиги остида) «Проспер Мериме новеллалари» мавзусида кандидатлик диссертацияси устида фаол ишлади. Айни вақтда, буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини атрофлича ўрганишни давом эттирди. Худди шу йилларда Навоий асарларини Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин кутубхонаси, СССР Фанлар академияси кутубхонаси ва Шарқшунослик институти қўлёзма фондларидан топиб, ўқиб чиқди, уларда сақланаётган шоир қўлёзмаларининг библиографиясини тузиб чиқди.

Эллагинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳамид Сулаймон ўзбек адабиёти тарихини, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун кенг жараёнда иш бошлади. Қўлёзма фондлардаги юзлаб девон, дoston, қисса, баёз ва тазкираларни қиёсий планда ўрганди ва кенг истиқболда илмий тадқиқ эта бошлади. Буюк шоир ижодига оид, лекин ҳалигача фан оламига маълум бўлмаган янги материалларни биринчи марта қўлёзма ёдгорликларидан топишга муяссар бўлди. Бу «Бадоеул-бидоя» ва «Наводирун-ниҳоя» номли девонлардир. Заҳматкаш олим «Бадоеул-бидоя» («Бошлангич билим»)нинг энг қадимий нусхаси Париж (1480 йил)да француз Миллий кутубхонаси ва Лондондаги Британия музейи фондида сақланаётганини аниқлади. «Наводирун-ниҳоя» («Энг нодир шеърлар») номли девон эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида мавжудлигини кўрсатиб берди. Маълумки, шоир «Ҳазойинул-маоний» дебочасида дастлабки туркий шеърларидан икки девон тузиб, уларни юқоридаги ном билан атаганини алоҳида қайд этган эди. Кейинчалик бу икки девон

шеърлари «Хазойинул-маоний» таркибига қўшилиб, унинг тўрт девонига тақсим қилинган. Олим буларни қатор ноёб қўлёзмалар асосида ўрганиб чиқди ва уларнинг характерини аниқлаб берди.

Ҳамид Сулаймоннинг илмий-ижодий фаолиятида текстологик тадқиқот катта ўрин тутади. Маълумки, кўҳна ёзма адабиётга эга ҳар бир халқ адабиётида бу хилдаги тадқиқот, яъни манбашунослик давлат аҳамияти касб этадиган жуда улкан ва жуда нозик масалалардан бири бўлиб келган. Аввалги даврлардаги чинакам адабий маҳсуллар, одатда, кейинги даврлар учун қўлёзмалар сифатида етиб келади. Бу жиҳатдан улар доимо мангу навқиронлик касб этади. Мавжуд қўлёзмалар ҳар бир даврда замон талаби билан қайта «тирилади» ёки баъзан «ўлади», бутунлай йўқ бўлиб кетади. «Тирилиш» жараёни ниҳоятда мураккаб кечади. Биринчи навбатда мавжуд қўлёзмалар замон талаби билан кўчирилади ва муайян муаллифлар томонидан таҳрир қилиниб, «тирилади». Мавжуд қўлёзмаларнинг баъзан асрлар мобайнида давом этадиган бу хилдаги «тирилиш»ларини атрофлича чуқур кузатиш ва бу «тирилиш» замон талаби билан қай тарзда рўй берганини ўта синчиклаб текшириш анча мураккаб ва қийин иш. Унинг мураккаблиги ва қийинлигини кўрсатадиган асосий ўлчов тоши — бу унинг асл қиёфасини вужудга келтиришдир. Ҳар бир «тирилиш» даврида замон талабига мувофиқ ниманидир «йўқотиши» ва нималарнидир «тўлдирилиши» жараёни унинг аслини аниқлашдаги ўта мураккабликни келтириб чиқаради. Қисқаси, бу жуда машаққатли ва айни вақтда жуда муқаддас, шарафли иш бўлиб келган. Мисолларга мурожат қилайлик. Олимнинг энг йирик ишларидан бири Навоийнинг тўрт девондан таркиб топган машҳур асари «Хазойинул-маоний» ҳақидаги текстологик тадқиқотидир. «Ғаройибус-сигар» («Болалик ажойиботлари»), «Наводируш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), «Бадиеъул-васат» («Ўрта ёш бадеалари»), «Фавойидул-ки-

бар» («Кексалик фойдалари») номли тўрт девондан иборат шоирнинг бу йирик асарига Ҳамид Сулаймон ўзининг «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари» (1958) номли илмий тадқиқот ишида кенг тўхталган. Ниҳоятда катта заҳмат эвазига вужудга келган бу иш навоийшуносликка қўшилган йирик илмий тадқиқотлардан бири бўлиб қолди. Олимнинг йирик илмий кашфиётларидан бири — бу Алишер Навоийнинг форсий шеърлар тўплами «Девони Фоний» ҳақидаги ишидир. Тадқиқотчининг махсус таъкидлашича, «афсуски, шоир меросининг салмоқли қисмини ташкил этган бу асар сўнгги йилларгача совет шарқшунослари томонидан ҳам, хорижий мамлакат олимлари томонидан ҳам жиддий ўрганилмаган». Олим бу борада қилинган ишлардаги мавжуд қатор камчиликларни бирма-бир кўрсатади, ўз фикрини жуда кўп ва аниқ фактлар асосида исбот этади. Кўп йиллар мобайнида қилинган чинакам меҳнат ва олиб борилган катта, кенг кўламдаги ижодий изланишлар натижасида шоирнинг форсий мероси ҳақида бутунлай янги маълумотлар, чет эллардаги фондларда бу девоннинг асл нусхалари борлиги аниқланди ва мўътабар манбалар замирида бу асар биринчи бор илмий асосда ўрганилди. Олим бу асарнинг Париж, Анқара, Техронда беш нусхасини топди ва уларнинг микрофильмларини олишга муваффақ бўлди. «Девони Фоний»нинг икки Париж нусхаси бу асар ҳақидаги турли адашишлар ва тахминларга узил-кесил чек қўйди. Буюк шоирнинг форс-тожик шеърлари ҳақиқий нусхасининг топилиши ва таржима, изоҳ ва комментарийлар билан таъминланган ҳолда чоп этилиши — бу маданиятимиз ва адабиётимиз тарихида улкан воқеа бўлди. Шулар асосида тадқиқотчининг «Алишер Навоий лирикаси текстологик тадқиқоти» номли докторлик диссертацияси вужудга келди. Олимнинг бу иши учун Олий Аттестация комиссияси унга филология фанлари доктори илмий даражасини берди. Кўп йиллик меҳнат ва узоқ илмий ижодий изланиш-

лар, йиғилган бой тажриба асосида олим Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида манбашунослик сектори ташкил этиш фикри билан чиқди. Бу фикр маъқуллангач, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонни ўша янги секторга раҳбар қилиб тайинлади. Олимнинг улкан хизматлари муносиб тақдирланди. 1964 йили Республика ҳукумати унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак фахрий унвон берди. 1967 йилдан бошлаб то умрининг охиригача Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоий номидаги республика адабиёт қўлғезмалар институти директори лавозимида фаол ишлаб келди.

Ўзбек филология фанининг ривожини йўлида фидокорона меҳнат қилган, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашда жонкуярлик кўрсатган забардаст олимнинг қаламига мансуб ишлар — илмий-танқидий текстлар жами 350 дан ортиқ босма табақани ташкил қилади. Булардан ташқари, «Девони Фоний» асарининг араб графикасидаги илмий-танқидий текстини тузиб чиқди. Унинг мукамал академик нашри тайёрланди.

Маълумки, буюк шоир асарларининг тилини ҳозирги ўзбек китобхонлари муайян тайёргарликсиз тушуниши қийин. Бу бир томондан, шоир асарлари лексикасида араб, форс сўзларининг сероблиги бўлса, иккинчи томондан, улардаги туркий сўзларнинг кўпчилиги бугунги кунда кенг истеъмолдан чиқиб, архаик ҳолга келиб қолганидир. Олимнинг фикрича, шоир асарлари учун махсус луғат тузиш ва нашр қилдириш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Асрлар давомида халқимиз ижод этган бой адабий меросни зўр иштиёқ билан ардоқлаб, уни коммунистик жамият учун муносиб хизмат қилдиришга, халқимиз, давримиз ва жонажон партиямиз талабларига жавоб берадиган даражада эъзозлашга бутун ҳаётини бағишлаган аллома олим Ҳамид Сулаймонов бундан кейин чинакам заҳматкаш, кенг илмий тафаккури, донишмандли-

ги, юксак дидли забардаст олим сифатида ёш олимларни етиштиришда намуна бўлиб қолажак.

1979 йили олимнинг юраги уришдан тўхтади. Марҳум Ҳамид Сулаймонов «Ўзбек адабиёти тарихига оид илмий-тадқиқот ишлари туркуми учун» Ўзбекистон ССР Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Айни пайтда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика адабий жамоатчилигининг таклифномасини кўриб чиқиб, Ҳамид Сулаймонов фидойилик кўрсатиб, ташкил этган ва узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган Алишер Навоий номидаги республика адабиёт қўлёзмалар институтига Ҳамид Сулаймонов номини беришга қарор қилди.





**ИЗЗАТ СУЛТОНОВ**

Ҳозирги Урта Осиёнинг йирик ва нуктадон олимларидан бири шубҳасиз, Иzzат Отахонович Султоновдир. Уни ўзбек совет адабиётшуносларининг иккинчи авлодига мансуб дейиш мумкин. Бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Энг муҳим сабаблардан бири — биринчи авлод бошлаган улкан ишларнинг кўпчилиги бу олим сиймосида янги босқичга кўтарилди. Шундай қиёс қилиш мумкин: Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида классик романлар яратди, унинг асосчиси бўлиб қолди. Ойбек ўзининг классик романлари билан бу жанрни янги босқичга кўтарди, социалистик реализмнинг энг яхши асарларини яратди. Йигирманчи йилларда, ўттизинчи йилларнинг бошларида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида қилиниб келинган ишлар кейинчалик И. Султонов фаолиятида янги-янги босқичларга кўтарилди. Бир томондан, биринчи авлод (Отажон Ҳошим, Сотти Ҳу-

сайн, Олим Шарафуддинов ва бошқа кўпгина олимлар) қилган ишларнинг И. Султонов сиймосида янада чуқурлашуви ва кенгайиши, иккинчи томондан, иккинчи авлоднинг ва қолаверса, ундан кейинги авлодларнинг ҳам карвонбошиси сифатида фаол ижод қилаётгани туфайли бўлса керак, илм аҳллариининг кўпчилиги бу олимни Ўзбекистон адабиётшунослари ва танқидчиларининг отахони деб аташади. Атоқли танқидчи М. Қўшжонов «Фанлар тарихига назар ташласангиз, ҳар бир фаннинг ҳар бир даврида ўз устозлари борлигини кўрасиз. Совет даврида республикамизда математика фанининг туғилиши ва шаклланишини Қори Ниёзийсиз, геология фанини эса Ҳабиб Абдуллаевсиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, Совет даврида танқидчилик ва адабиётшунослик илмининг туғилишини ва шаклланишини ҳам Иззат Султоновсиз тасаввур қилиш қийин»<sup>1</sup>, — дейиши бежиз эмас. И. Султонов адабий жараёнда чинакам донишмандларга, кўпчилик йирик совет олимларига хос катта ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Иззат Султонов 1910 йили 10 июнда, Уш шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келди. 10 ёшлигидаёқ отаси вафот қилиб, етим қолди. Кейинчалик болалар уйида тарбия топди. 1924 йили кўпгина етим болалар Тошкентга ўқишга юборилади. Булар орасида ёш Иззат ҳам бор эди. Аввалига музыка мактабида, сўнгра (1928 йили таълим-тарбия) билим юртида таҳсил кўрди. 1929 йили уни битиргач, Янгийўл районининг Қовунчи қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишга боради. 1930 йили САГУ қошидаги Ижтимоий фанлар факультетига ўқишга ўтади. 1931 йили «Қамбағал» газетасида (Самарқанд) масъул котиб бўлиб ишлайди. Сўнгра 1931 йилда «Колхоз йўли» газетасида санъат бўлимига мудирлик қилади. Самарқанддан Тошкентга келади ва «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб (1932) бўлади. Айни вақтда Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи. III том. 2 китоб, 1972 й, 317—318-бетлар.

Фанлар академиясининг аспирантурасига кириб, уни 1937 йили тамомлаб чиқади. У 1938 йили Ўзбекистон Фанлар комитетининг Тил ва адабиёт институти директорининг ўринбосари, 1939 йилдан бошлаб шу институтдаги Алишер Навоий бўлимининг мудири лавозимларида ишлайди. Улуғ Ватан уруши йилларида И. Султонов яна «Қизил Ўзбекистон» газетасида, кейинчалик Тошкент киностудиясида хизмат қилади. 1943 йилда эса шу студияга директор этиб тайинланди. 1945 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари (1948 йилнинг февраль ойигача) бўлиб ишлайди. 1948 йилдан бошлаб ҳозирги А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига директорлик қилади. 1950 йили у СССР Фанлар академияси докторантурасига ўқишга боради. 1953 йили МДУнинг СССР халқлари адабиёти кафедрасида иш бошлайди. Тошкентга келгач, 1955 йили А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек совет адабиёти секторига раҳбарлик қилади. Айни вақтда, 1955-1957 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабида педагог бўлиб ишлади. У партия ва давлат олдидаги улкан хизматлари учун икки марта «Ўрнатилган белгиси» ордени (1944 ва 1947 йиллари), «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан уруши даврида меҳнатдаги жасорати учун» медали (1948 йили) билан мукофотланди. 1964 йили унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони берилди. 1966 йили ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси ва 1970 йили Беруний номидаги республика мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

И. Султоновнинг ижоди асосан ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмидан бошланди. Унинг илк мақолаларидан бири «Синфий кўрлик ва жавобгарсизлик» («Қизил Ўзбекистон, 3 февраль, 1932 йил) деб аталади. Бу мақолада гап асосан Акрам Қодирийнинг «Қимга» асари ва унинг театрда саҳналаштирилиши хусусида боради. Еш тан-

қидчи бу асарни ғоявий ва бадий жиҳатдан заиф топади ва уни саҳналаштиришни синфий кўрлик деб билади.

Кейинги мақолалари «Нега томошабин бепарво?» (1934 й.) «Пишмаган ва огизга тушмаган бир асар воқеаси» (1936) деган ном билан «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида босилиб чиқади. Бу мақолаларида ҳам танқидий руҳ кучли. Масалан, «Пишмаган ва огизга тушмаган бир асар воқеаси» мақоласида ёш танқидчи драматург С.Абдулланинг «Ойхон» асарини ва уни саҳналаштирган Свердлов номли театрнинг ижодий коллективини кескин танқид қилади. Йигирма ёшларидаёқ у ўзини жангчи-адабиётчи ҳис қилди ва янги адабиётнинг ғоявий соғломлиги ва бадий камолоти учун кескин кураш олиб борди. Унинг қатор мақолалари газета ва журналларда мунтазам равишда босилиб турди. Бу ўринда «Чеховнинг ҳикоячилиги» («Гулистон» журнали, 1935 й., 4-сон), «Пушкин ва халқ ижоди» («Қизил Ўзбекистон», 10 февраль, 1937 йил), «Буюк устоз» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали, 1939 й., 4-сон) номли мақолаларини эслаб ўтишнинг ўзи kifоя.

Ҳали ўттиз ёшга тўлмаган Иззат Султонов «Адабиёт назарияси»ни яратишга ўзида маънавий эҳтиёж сезди ва катта жасорат билан бу ишга киришди. Китоб 1939 йили чоп этилди. Ёш олимнинг биринчи йирик бу асари Ўзбекистон маданий-адабий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Дарслик 1940 йилда энг яхши илмий ва бадий асарлар учун ўтказилган конкурсда биринчи мукофот олди. Бу ёш олимнинг истеъдоди ва китобининг кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши белгиси эди. Кўп йиллар мобайнида бу асар фақат ўрта мактаблар учунгина эмас, айни вақтда, республика олий ўқув юртлари учун ҳам асосий дарсликлардан бири бўлди. Демак, Иззат Султонов ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб адабиёт назариясидан дарслик яратди. Ёш олимнинг шуҳрати республикамиз ташқарисида ҳам кенг ёйилди.

«Иззат Султонов ҳақиқий инсон бўлгани каби ада-

биётнинг ҳам ҳақиқий солдати,— деб ёзади туркман адабиёти назарияси китобининг автори, филология фанлари доктори Ҳ. Абдуллаев.— Ҳақиқий олим доим ўзининг илмий фикри билан банд бўлиб юради. Улар шу хил яшайдан лаззат оладилар. Иззат Султонов ишлари кенг адабий материални ўз ичига олганлиги, факт ва далилларнинг ишонарли бўлиши билан фақат ўзбек адабиётини эмас, балки бутун совет адабиётини, хусусан, Ўрта Осиё адабиётини ўрганиш борасида намуна бўла олади». Уйғур адабиётининг таниқли тадқиқотчиларидан бири Рўзи Қодирий эса Шарқий Туркистондаги ўзбеклар, қozoқлар, уйғурлар орасида Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом асарлари билан бирга Иззат Султоновнинг «Адабиёт назарияси» ҳам кенг тарқалганлиги, бу китоб у ерда ҳозир ҳам адабиёт қонунлари бўйича асосий қўлланма бўлиб келаётганини ёзади. Қисқаси, бу асар ҳорижий мамлакатларда ҳам адабиёт назарияси бўйича яхши намуна сифатида эътироф этилди.

Кенг китобхонлар оммаси, ихлосмандлари атоқли олимдан «Адабиёт назарияси»нинг янги фактик материаллар асосида кенгайтирилган ва сўнгги назарий фикрлар билан бойитилган янги нашрини кутмоқда.

Иззат Султонов ўзбек адабиёти тарихининг улкан тадқиқотчиларидан бири ҳисобланади. Унинг ижодида ва илмий фаолиятида Алишер Навоий алоҳида ўрин тутади. И. Султонов ҳассос навоийшуносдир. Бу борада олимнинг биринчи мақоласи «Мир Алишер Навоий» 1938 йили босилиб чиқди. Худди шу йили тадқиқотчининг «Руставели ва Навоий» мақоласи вужудга келди. Мангу навқирон бу буюк санъаткорлар ижодини қиёслаб ўрганиш жиддий ва мураккаб иш. Мутафаккирлар ижодига хос муштарак томонларни, кесишган нуқталарни топиб, шу асосда фикр юритиш, салмоқли гап айта олиш катта истеъдод ва изчил билимни талаб этади. Алишер Навоий бадий оламига кучли қизиқиб бориш туфайли И. Султонов «Навоий тадқиқотчилари» (1941) номли мақоласи

билан майдонга чиқади ва навоийшунослик фанининг савиясига жиддий эътибор беради. Айни вақтда, унинг «СССР Фанлар академиясининг Алишер Навоийга бағишланган сессияси», «Макоримул-ахлоқ» ва унинг муаллифи» номли мақолалари босилди.

Навоийшуносликка қўшилган энг муҳим ҳиссалардан бири — олимнинг «Мезонул-авзон» ва унинг танқидий тексти» номли илмий ишидир. Худди шу мавзуда тадқиқотчи 1949 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади. Бу иш асосан уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда бу йирик асарни атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этишнинг зарурлиги, унинг катта аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Иккинчи қисм «Мезонул-авзон»нинг танқидий тексти устида ишлаш принципларига бағишланган, учинчи қисмда танқидий текст ҳозирги имлода ва араб алифбесига берилади. Бу илмий иш навоийшуносликда ва айни вақтда классик адабиётни, унинг адабиёт назариясига доир нодир асарлари танқидий текстини ўрганиш ва тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам навоийшунослик соҳасида қилинган кейинги қатор илмий ишларда, ёзилган кандидатлик ва докторлик диссертацияларида унинг аҳамияти махсус қайд қилинди. Шундан кейин ҳам И. Султонов Алишер Навоий ижоди устида муттасил иш олиб борди. Узоқ ва кўп йиллик ижодий изланишлар самараси сифатида «Навоийнинг қалб дафтари» номли йирик асари вужудга келди. «Китобни варақлар экансиз, — дейди М. Қўшжонов, — аввало унда тадқиқот услубининг оригиналлиги, фактларнинг объектив таҳлил қилиниши, муаллифнинг мантиқан фикрларни далиллаш маҳоратини эгаллаганлиги кўзга ташланиб туради. Бу жиҳатдан «Навоийнинг қалб дафтари» асари Иззат Султоновнинг улуғ шоир ҳақида яратган бошқа ишларидан ажралиб туради».

И. Султон ёзади: «Навоийнинг фикрича, олим пайдо бўлгандан бери доно хору, нодон азиз. Дононинг ҳаёт йўли оғир, аммо бир куни у яна нодоннинг ҳукмронлиги

остида яшашга мажбур, ҳатто унга хизмат қилишга маҳкум. Аммо,— дейди мағрур Навоий,— кимки илми давлатга ва амалга, мансабга хизмат эттираман деса, у ўзини ҳам, халқни ҳам йўлда адаштиради». Бу асар олимнинг буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди ва асарлари ҳақида узоқ йиллардан бери муттасил ёзиб келаётган ишларининг энг юксак чўққиси бўлди. Шу туфайли ҳам бу асарга йирик мутахассислар юқори баҳо бердилар. Турколог олим, филология фанлари доктори М. Ҳамроев бу асар шоирнинг «Хужжатлаштирилган таржиман ҳоли», унда «Улуғ мутафаккир яшаган давр ва шоир қиёфаси кўз олдимизда гавдалантирилади»<sup>1</sup>— дейди.

Олимнинг олий ҳаками унинг виждони бўлиб келган. Энг яхши асарлари ҳам унинг имони бутунлиги аломатидир. «Навоий қалб дафтари»ни ўқиган китобхон унинг муаллифи имони бутун, фикрлаш доираси ғоят кенг ва чуқур билимли олим эканлигини тасаввур қила олади. Бундай муваффақиятга эришишнинг қатор «сирлари» бор албатта. Улардан бири — менинг фикримча, ҳозирга қадар А. Навоийнинг бой адабий меросини ўрганиш борасида эришилган улкан ютуқлардан, Навоий образини яратиш борасида драма ва кинодаги тажрибалар («Навоий» драмаси ва шу номдаги фильм)дан келиб чиқиб, унинг «Қалб дафтари»ни яратишга интилишдир. Тадқиқотчининг ўзи ҳам ўттизинчи йилларнинг охирларидан бошлаб то ҳозирги кунгача навоийшунослик фанини вужудга келтириш соҳасида фаол хизмат қилиб келди. Демак, бу соҳада эришилган ютуқлар ҳам, айрим бир ёқламаликка берилишнинг «сирлари» ҳам И. Султоновга етарли даражада маълум эди. Йўналишнинг ана шу нуқтасидан янги уфқларга эришиш учун парвоз қилинди. Иккинчиси — шоир яшаган давр, тарихий муҳит ва шароит, ундаги сиёсий-ғоявий, маданий-адабий курашлар энг аввало Навоийнинг бевосита ўз асарлари орқали

<sup>1</sup> «Вопросы литературы», 1970, № 11, стр. 208.

характерланишида аниқ кўзга ташланади. «Буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби тўғрисида сўзлаш навбатини, — деб алоҳида таъкидлайди олим, — биз бу гал Алишер Навоийнинг ўзига бердик». Ишнинг бу янги хусусиятини муаллифнинг ўзидан ташқари, навоийшунослик фанининг йирик мутахассислари ҳам эътироф этдилар ва алоҳида қайд қилдилар. Биргина мисол. А. Ҳайитметов ёзади: «Иззат Султонов Навоий ҳаётини янгича нуқтаи назардан, аниқроғи шоирнинг ўз асарларида мавжуд иқрорлари асосида, уларни замондошлари талқинига таққослангани ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади. Бу, албатта, асарнинг фазилатидир. Шу вақтга қадар ҳеч бир тадқиқотчи улуг шоир биографиясини ёритишда унинг ўз сўзлари, шеърӣ иқрорларига бунчалик катта аҳамият бермаган эди»<sup>1</sup>. Учинчиси — Навоий ижоди ва асарларининг яратилиши унинг замондошлари асарларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилишида кўринади. Умуман, шарқ адабиёти тарихида Навоий сингари гениал ва буюк шоирларнинг ўз замондошлари томонидан муносиб эътироф этилиши, буюк даҳо сифатида тан олиниши камдан-кам учрайди. Мадрасада таҳсил кўраётган ёш олим ва шоирлардан, турли касб эгаларидан тортиб, то буюк салтанат ҳукмдорлари ҳам А. Навоийни бирдай тан олишган ва унинг кўпқиррали ижодини, хизматларини ўзларининг қалб дафтарларида ёзиб қолдирганлар. Тўртинчиси — «Навоий қалб дафтари» авторининг йирик олим бўлишидан ташқари, виждони поклигида сезилади.

«Навоийнинг қалб дафтари» деган китоб, — деб ёзади таниқли шоир Миртемир, — ўктам алломамининг кейинги асарларидан бўлиб, шу даражада маъно ва мантиқ тигиз, узоқ меҳнат оқибатида дунё кўрган, умри узун илмий асардир. Бу китоб бир давр кўзгуси, бутун бир давр қомусидек салмоқли ва мазмундор»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1970 й., № 12, 201-бет.

<sup>2</sup> «Ёш ленинчи», 19 июнь, 1971 йил.



Қисқаси, бу асар олимнинг навоийшунослик фани бобидаги ижодий фаолиятининг юқори чўққиси сифатида мутахассислар ва санъаткорлар томонидан ҳам эътироф этилди ва юқори баҳоланди.

И. Султонов ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги шаклланиши ва камолоти жараёнида вояга етди, улгайди. Бу жараённинг хилма-хил соҳалари, турли проблемалари унинг ижодий фаолиятида ишлаб борилди.

Илмий соҳада ҳам, бадий ижодда ҳам ҳақиқий жонбозлик кўрсатиш, чинакам фидойи бўлиш (буни фақат оғзаки эмас, энг муҳими — амалда исбот этиш) камданкам кишиларга насиб бўлган. Сохта шуҳрат йўлидан бормаган, мансаб кетидан қувмаган кишиларгина бунга муяссар бўлганлар. Улкан илмий кашфиётлар ҳам шундай чинакам фидойилик билан вужудга келган. И. Султоновнинг илмий кашфиётларидан бири бу ижодий метод масадасидир.

Тўғри, ҳар бир миллий адабиётлар тарихида янги давр бадий тараққиёти амал қиладиган янги метод проблемаси сингари йирик ва мураккаб проблема камданкам учрайди. Бу, бир томондан, худди шу адабиётнинг тарихий тараққиётини, иккинчи томондан, жаҳон адабиётида реализмнинг туғилиши ва камолоти жараёнини, даставвал рус реалистик классик адабиёти тарихини, учинчи томондан, янги даврдаги барча адабиётлар учун асосий йўналишнинг таянч нуқтаси — янги методни, айни вақтда, уни янги ғоявий-эстетик қарашлар системаси сифатида атрофлича ўрганиш ва жонли мушоҳада қилишдек катта билим ва истеъдодни талаб қилар эди. Таъбир жоиз бўлса, қомусли билимни ва янги адабиётнинг муносиб тараққиёти учун чинакам жонкуяр бўлишни тақозо этади.

Адабиёт тарихининг йирик тадқиқотчиларидан бири ва ўзбек совет адабиёти назариясининг биринчи муаллифи бўлган И. Султонов янги давр ўзбек адабиётининг ижодий методини тадқиқ этишга журъат қилди. Эллигин-

чи йилларнинг ўрталарида олимнинг «Ўзбек адабиётида социалистик реализм тарихидан» номли иши вужудга келди ва у шу мавзуда 1955 йилда Москвада СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу йirik илмий ишнинг расмий ва норасмий оппонентлари, машҳур олимлар — Мухтор Аvezов, Л. И. Тимофеев, В. И. Зоҳидов, И. С. Брагинский ва бошқалар И. Султоновнинг бу тадқиқотига юксак баҳо бердилар ва уни совет адабиётшунослик фанига, адабиёт назариясига қўшилган муҳим ҳисса эди, деб ҳисобладилар. Биргина мисол. Олимнинг «Ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг шаклланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти тўғрисида» номли тадқиқод бу санъаткор асарларини кенг ва чуқур ўрганишга катта ҳисса қўшди, кейинчалик, қатор ишларнинг вужудга келишига жиддий туртки бўлди. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, анча йиллар мобайнида 20 ва 30- йиллар ўртасидаги ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муайян даражада узулиш мавжуд эди. Иигирманчи йиллар тўғрисида гап борганда, асосан Ҳамза ва С. Айний ижодларини текшириш билан чекланиб қолинар эди. Шундан сўнг бирдан ўттизинчи йиллар — Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби қатор санъаткорлар ижодини, яратган асарларини таҳлил қилиш бошланар эди. Бу ҳол муайян даражада И. Султоновнинг аввалги ишларида ҳам мавжуд бўлган.

Хўш, ўттизинчи йилларда адабиётимиз беқиёс даражада ривожланиш босқичига кўтарилган экан, бунинг боиси нимада? Бир неча йиллар давомида худди шундай табиий саволга жавоб изланиб келинди. Бу табиий саволни чуқур ҳис қилган олим унга илмий жавоб бериш учун яна йигирманчи йилларга мурожаат қилди. И. Султонов ўзбек адабиётининг йirik вакили, романист ва сатирик Абдулла Қодирий ижоди ҳақида мақола битиб, жасорат билан майдонга чиқди. Чунки, А. Қодирий асарлари Октябрь революциясидан кейинги 10-15 йил ичида ўзбек

адабиёти бутунлай поэзия рамкаси билан чекланиб қолмаганлигини намоиш этиш жиҳатидан ҳам катта принципиал аҳамиятга эга эди.

Фақат йигирманчи йиллар ўзбек адабиётинигина эмас, балки унинг ҳозирги тарихий тараққиётига қадар бўлган босқичларини, бу тарихий босқичларни характерлайдиган йирик асарларнинг деярли барчаси И. Султоновнинг эътиборидан четда қолмади. У Ойбек, Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Ҳамид Гулом, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳимнинг энг яхши асарларининг адабий процессдаги принципиал ўрни ва ролини кўрсатиб берди.

Лев Толстой кундаликларида шундай бир ёзув бор: «Белинскийнинг «Пушкин ҳақида»ги мақоласини ўқидим — ажойиб. Мен Пушкинни фақат энди тушундим»<sup>1</sup>.

Бугина эмас, Белинский эҳтиросли мақолалари билан Пушкин, Н. В. Гоголь, Лермонтов учун, рус адабиётида реализм ва халқчиллик учун, унинг ҳаёт билан мустаҳкам алоқаси учун актив кураш олиб бориб, XIX асрнинг 30-50- йиллар даври рус эстетик фикри ва адабий жараёнига актив таъсир этиб, унинг реализм йўлида шиддат билан ривожланишига катта мадад берган эди. Ва шунинг учун ҳам ҳануз А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, М. Ю. Лермонтов ижодларини В. Г. Белинскийсиз тасаввур қилиш қийин.

Иззат Султонов ўзбек классик адабиёти ва фольклоридан тортиб совет адабиётигача, рус адабиётидан тортиб жаҳон адабиётигача бўлган материалларни чуқур ўрганган ва ўзлаштирган олимлар сирасига мансуб. Унинг Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий ҳақидаги тадқиқотлари, ўзбек совет адабиётда социалистик реализмнинг шаклланишига доир фундаментал асарлари ўзбек

<sup>1</sup> Л. Толстой. «О литературе», Гослитиздат, М., 1955, стр. 40.

совет адабиётшунослигида мазкур соҳаларнинг мустақил фан сифатида вужудга келишига кенг йўл очди.

И. Султоновнинг яқинда босилиб чиққан (4 томлик) танланган асарларининг иккинчи жилдини сўнгги 40 йил мобайнида ўзбек совет адабиётининг энг муҳим даврлари, проблемалари, улкан намоёндалари ижодини ва асарларини тадқиқ этган адабий-танқидий асарлари ташкил қилади. Шу боисдан ҳам муаллиф асарларининг иккинчи томини «Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат» деб атади. Бу китоб олимнинг салоҳиятини, татқиқотчилик кўлами гоят кенг ва ранг-баранглигини яна бир бор тўла намоён этди.

Улкан санъаткорлар ҳам, совет адабиётининг йирик тадқиқотчилари ҳам бу олимни шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётнинг чинакам жонкуяри, унинг камолоти йўлида актив фидойиси сифатида эътироф қилдилар ва чин юракдан тан берадилар. Ўзбек совет адабиётшунослари бадий ижоднинг туб проблемалари, қатор назарий масалаларини муайян адабий материаллар асосида текширганларида, янги давр ўзбек адабиётининг улкан намоёндалари ижодини тадқиқ этганларида аввало И. Султонов асарларига мурожаат қилиши, унинг методологияси ва маслаҳатларига суяниши шундан бўлса керак. Унинг раҳбарлигида етти киши докторлик, қирқдан ортиқ ёш олимлар кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Унинг шогирдлари ва мухлислари республикамиздагина эмас, Иттифоқимизнинг турли республикаларида, ҳатто чет элларда ҳам кўплаб топилади.

Улкан олим ва таниқли драматург И. Султонов Жаҳон ёзувчилари анжуманида (Берлин, 1965), Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш семинарида (Қобул, 1968) ҳамда Бутуниттифоқ ва республика ёзувчилари съездларида, кенгашларида фаол иштирок этиб келди. У бугун ҳам ўзбек классик адабиётининг йирик тадқиқотчиси, ҳассос навийшунос, адабиёт назариясига асос солган йирик олим сифатида фаол меҳнат ва фидойилик қилаёпти. Иzzат Отахонович Султонов совет адабиётшунослиги ва эстетикаси ривожига фаол таъсир кўрсатиб келяпти.



**ЮСУФ СУЛМОНОВ**

Бу камтар олим билан кўп суҳбатда бўлганман. Суҳбатлар пайти гап кўпинча оташнафас шоир Ҳамза ижоди хусусида боради. Олим зарур ишларни ҳам унутиб, шошмасдан ўз тадқиқотлари ҳақида гапиради. Унинг суҳбатдоши вақт ўтганини ҳам пайқамайди.

Ю. Сулмоновнинг илмий ишлари сон жиҳатдан унча кўп эмас. Улар бир-бирига боғлиқ уч қисмдан иборат дейиш мумкин:

- а) ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодини ўрганиш;
- б) Ҳамза асарларини тўплаш ва нашрга тайёрлаш;
- в) ўрта мактаблар учун ўзбек совет адабиётидан дарслик яратиш.

1939 йилда Ҳамза таваллудининг 50 йиллигини кенг нишонлаш ишини олиб бориш учун ҳукумат юбилей комиссияси тузилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президенти

диумининг раиси Йўлдош Охунбобоев — комиссия раиси, драматург Комил Яшин — раис муовини, кичик илмий ходим Ю. Султонов — комиссия секретари этиб тайинландилар.

Йўлдош Охунбобоев ва Комил Яшин бошчилигида Ҳамза юбилейига тайёргарлик ишлари, Ҳамза адабий меросини тўплаш ва ўрганиш жараёнида Ю. Султоновда улуғ шоир ижодига қизиқиш туғилади, Ҳамзанинг жўшқин ижоди, революцион фаолияти уни мафтун эта боради, ниҳоят, у Ҳамза ҳақида илмий иш яратишга бел боғлайди. 1939 йил март ойида ўтказилган илмий сессияда у «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида доклад қилади.

Юбилей комиссияси иши тугагач, Ю. Султонов Тил ва адабиёт институтининг кичик илмий ходими сифатида Ҳамза ҳақида бошлаган ишини давом эттиради. Дастлабки ижодий изланишлари ўз самарасини бера бошлайди. 1941 йили «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти» номли китоби чоп этилди. Бу асар 1949 йилларда ўзбек ва рус тилларида қайта нашр этилади. Ю. Султоновнинг бу асари Ҳамза Ҳакимзода ҳақидаги биринчи салмоқли илмий тадқиқот бўлиб, унда муаллиф Ҳамзанинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оташин куйчиси ва ўзбек совет адабиётининг асосчиси эканини яққол кўрсатиб берган. Ю Султонов ўзбек совет адабиётшунослигига асосан Ҳамза ижоди ҳақидаги китобнинг муаллифи сифатида киради. Биргина санъаткор ҳақидаги асари уни адабиётшуносларимиз сафидан ўрин олишига асос берадими?

Ҳа, етарли асос беради. Чунки, биринчидан, ўзбек совет адабиётшунослиги — ўзбек совет адабиётининг ажралмас, таркибий қисми экан, унинг асосчиси бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, яъни ҳамзашунослик бу борда асосий ўринлардан бирини ташкил қилади. Ҳамза асарларини излаш, тўплаш, тартибга солиш ва қайта қайта нашрга тайёрлашнинг ўзи ҳам принципиал аҳа-

миятга эга. Ю. Султонов ҳамзашунослик фанини яратиш йўлида ўттиз йилдан кўпроқ илмий иш олиб борди, йирик ҳамзашунос бўлиб танилди. Иккинчидан, ҳамма фанлар қатори адабиётшуносликда ҳам сон эмас, балки асосан сифат, салмоқ ҳукмрон бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ю. Султонов ўзбек адабиётшунослигини, унинг таркибий қисми бўлган ҳамзашуносликка 30- йилларнинг охиридан бери салмоқли ҳисса қўшиб келяпти.

Маълумки, ўзбек совет адабиётшуносларининг катта қисмини бундан эллик йил аввал саводсиз бўлган заҳматкаш оилаларда туғилиб вояга етган кишилар ташкил қилади. Худди шулардан бири — ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси СССР маорифи аълочиси Юсуф Султоновдир. Бизнинг мамлакатимизда кечаги деҳқон боласининг бугунги кунда олим бўлиб етишишининг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ.

1911 йил, 25 сентябрда, Тошкентдаги камбағал деҳқон оиласида дунёга келган Юсуф кўпгина болалар қатори янги даврда янги ташкил қилинган мактабда, совет мактабида таҳсил кўра бошлайди. 1924 йилда бошланғич маълумот олган Юсуфда ўқиш иштиёқи тобора кучайиб борди. Бу туйғу уни Наримонов номидаги Тошкент педагогика билим юртига етаклаб келди. 1925-1929 йиллар орасида шу ерда таълим олди.

Техникумни битиргандан кейин бир йил муаллим бўлиб ишлади, сўнгра яна ўқишини давом эттиришга интилди. У 1930-1931 йилларда Ўрта Осие Давлат Университетининг педагогика факультетида ўқиди. 1932-1933 йилларда эса Ўзбекистон ССР Маданий қурилиш илмий-текшириш институти аспирантурасининг тайёрлов курсида таҳсил кўрди. Шундан сўнг ҳозирги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва

адабиёт институти аспирантурасида ўқиди. Унинг илмий раҳбари ўзи сингари заҳматкаш деҳқон оиласида туғилиб, шоир ва олим сифатида шуҳрат топган Ҳамид Олимжон эди.

Юқорида махсус таъкидлаганимдек, 1937 йилдан бошлаб Юсуф Султонов Ўзбекистон Фанлар Комитетидаги тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим сифатида Ҳамза ижоди билан қизиқади.

Бутун онгли ҳаётини фақат мактаб ва олий ўқув юрларида, илмий ташкилотда ўтказган Юсуф Султонов ўзининг илғор тенгдошлари қатори кўнгилли равишда, қалб даъвати билан Қизил Армия сафига жўнайди. Диссертация ҳимоя қилишни тўхтатиб қўйиб, Ватанни душмандан ҳимоя қилишга отланади. У Совет Армияси сафида ўн йилча (1941-1950 йиллар) фаол хизмат қилади.

Армия хизмати вақтларида ҳам Юсуф Султонов Ҳамзани, унинг поэтик оламини бир зум бўлса-да унутмади. Бунинг натижасида ўлароқ 1949 йили капитан Ю. Султонов филология фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муяссар бўлади. Унинг диссертация темаси «Ҳамза Ҳакимзода — биринчи ўзбек совет ёзувчиси» деб аталди. У Совет Армияси сафидан 1950 йилнинг охирида қайтиб келди. Юсуф Султоновнинг худди шу тарзда олимликка эришиши, Ҳамза ижоди бўйича филология фанлари кандидати бўлиши тасодифий эмас. Қатор фактлардан айримларини келтириб ўтаман.

Маълумки, ўзбек совет романчилиги тарихида «Ўтган кунлар»дан кейин қизғин мунозарага сабаб бўлган асарлардан бири А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романидир. «Сароб» ҳақида адабиёт майдонида турли-туман чиқишлар бўлган.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ҳақида Ю. Султонов ҳам мақола битган («Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 12 ноябрь). Мақолада асарга умуман ижобий баҳо берилади ва ёзувчининг асосий камчиликлари. жумладан,



совет кишилари образи заиф берилгани танқид этилади. Бу принципиал характерга эга эди. Гап совет воқелигини, ҳаёт ҳодисаларини қандай тасвирлаш устида борар эди. Бу асар ҳақида бир-бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазалар айтилади. Шу муносабат билан А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ва Ўзбекистон совет Ёзувчилари союзи мазкур асар ҳақида махсус муҳокама ўтказди (1939 йил, 14 июнь). «Сароб» романи ҳақида муҳокамани Ю. Султонов бошлаб беради. Унинг мулоҳазаларини шоир Ҳамид Олимжон қувватлаб чиқади. Бошқа ўртоқлар ҳам Ю. Султоновнинг асосий фикрини маъқуллайдилар.

Айтилган танқидий мулоҳазаларни А. Қаҳҳор кейинчалик асарни қайта нашрга тайёрлаганда ҳисобга олаборган.

Ю. Султоновнинг бу даврдаги илмий фаолиятини характерлашга имкон берадиган ишларидан яна бири — «Ўзбек совет прозаси 15 йилда» номли мақоладир. Унинг бу иши 1939 йили Сотти Хусайн билан Олим Шарафуддинов таҳрири остида босилиб чиққан «15 йил ичида ўзбек совет адабиёти» номли тўпلامдан жой олган.

1959 йили Ҳамза таваллудининг етмиш йиллиги муносабати билан шоир ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш кенг тус олди. Ю. Султоновнинг аввалги китоби қатор тўлдиришлар билан 1959 йили қайта нашр қилинди.

Демак, юқоридаги фактлар — Ҳамза асарларини қидириб топиш, уларни қунт ва чидам билан ўрганиш ҳамда солиштириб чиқиш, кейинчалик нашрга тайёрлаш, илмий ишлар олиб бориш, ниҳоят, биринчи бўлиб диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиш — булар Юсуф Султоновни ўзбек совет адабиётшунослигида ҳамзашуносликни бошлаб берувчилардан бири дейишга асос беради. Яна бир факт. То Юсуф Султонов «Ҳамза Ҳакимзода — биринчи ўзбек совет ёзувчиси» деган мавзуда

диссертация ҳимоя қилганига қадар деярли бирорта тадқиқотчи ўзбек совет адабиёти намоёндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида кандидатлик диссертация ёқламаган эди. Юсуф Султонов ўзбек адабиёти намоёндалари ҳаёти ва ижоди хусусида диссертация ёзиш ишини бошлаб берган олимдир.

Юсуф Султонов 1951-1952 йиллари А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори муовини, директори бўлиб ишлади. 1952 йил, 11 апрелда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси қилиб сайланди. Худди шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аппаратида ишлай бошлади. Салкам ўн йилча масъулиятли вазифаларда фаол хизмат қилди. Худди шу йилларда Ю. Султонов икки маротаба Тошкент шаҳар советига депутат, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XII ва XIII съездларида тафтиш комиссияси аъзоси бўлиб сайланди. Бундай катта масъулият ва фаоллик талаб қиладиган ишларни олим ижодий-илмий ишлар билан қўшиб олиб борди. 1954 йили Ю. Султонов Ҳамзанинг «Танланган асар»ларини тўлдирилган қайта нашрини чоп эттирди. 1955 йили олимнинг Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китоби нашр этилди. 1959 йили эса бу китоб янада кенгайтирилиб «Халқ санъаткори» номи билан босилиб чиқди. Муттасил ижодий изланиш йўлидан борган олим Ҳамзанинг ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳолини топиб эълон қилди. Бу ноёб ва муҳим ҳужжат эди.

Қисқаси, Ҳамза «Танланган асарлар»и ҳозирга қадар неча марта ўзбек ва рус тилларида чоп этилган бўлса, уларнинг ҳаммасида Юсуф Султоновнинг салмоқли хизмати бор. Шу сатрларни қоғозга туширар эканман, бир воқеа эсимга келди. Кунларнинг бирида Юсуф Султонов нашриётга келиб, бўлим бошлиғи Рустам Комилов билан ўзининг «Халқ санъаткори» китобини катта ҳажмда чиқармоқчи эканлиги хусусида анча гаплашиб ўтирди. Р. Комилов планда йўқ, дегандек бўлди. Олим «янгидан

тайёрлаган Ҳамза ҳақидаги китобим учун нашриётдан ҳақ олмоқчи эмасман», дея гап бошлади. Биз ҳайрон бўлдик. Нашриётга китоб чиқармоқчи бўлиб келганлар баъзан ҳақ хусусида талашиб-тортишиб юрсаю бу олим «мен ҳақ талаб қилмайман» деб турса. Юсуф аканинг камтар ва камсуқим олим эканлигини ўшанда билганман. Бу хилдаги фактларни кўплаб келтириш мумкин. Юқорида алоҳида таъкидлашимдек, Юсуф Султонов ижодий фаолиятида дарслик тайёрлаш ва яратиш муҳим ўрин тутди. У бу ишга 30- йилларнинг иккинчи ярмида ноқ киришган эди. 1938 йили Юсуф Султоновнинг фаол иштирокида вужудга келган «Адабиёт дарслиги» босилиб чиқди. Урта мактабнинг ўнинчи синфлари учун мўлжалланган бу китоб яна икки марта — 1939 ва 1940 йиллари қайта чоп этилди. Бу китобдаги «Совет адабиётининг ўсуви» номли бўлим, В. В. Маяковский, Н. К. Островский, М. А. Островский, М. А. Шолохов, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографик қисмлар Юсуф Султонов қаламига мансуб.

Олим 50- йиллар А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрган пайтларида бу масалага алоҳида аҳамият берди. Сарвар Азимов билан ҳамкорликда «Ўзбек совет адабиёти» дарслигини тайёрлашга фаол киришди. Жиддий ва қунт билан ишлаш натижасида бу асар тайёр бўлди ва у 1953 йили чоп этилди. Ушандан бери дарслик ҳар йили чиқарилади. Китобнинг «Совет адабиётининг бошланиш даври» ва «Совет адабиётининг шу кунлардаги камолоти» номли боблари, Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ҳаёти ва ижоди ҳақидаги боблар Ю. Султонов қаламига мансуб. 1973 йили бу дарслик қайта 21- марта нашр этилди, умумий тиражи бир ярим миллиондан ошиб кетди. Буларни махсус таъкидлашимизнинг боисларидан бири Ю. Султонов фақат Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақидагина эмас, айни вақтда, совет адабиёти шаклланишидан тортиб то унинг ҳозирги кундаги

камолоти босқичларигача бўлган даврни мунтазам илмий идрок этиш, йирик санъаткорлар Ойбек, Ҳамид Олимжон, А. Қаҳҳор, К. Яшин, Ш. Рашидов, Зулфия ижоди ҳақида салмоқли ишлар битиш билан ҳам муттасил шуғулланиб келяпти. Бу фикримни 1960-1962 йилларда босилиб чиққан икки жилдли «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»нинг яратилиши, 1967 йили Москвада «Наука» нашриётида чоп этилган «История узбекской советской литературы» номли йирик асарларнинг вужудга келишида Юсуф Султоновнинг автор ва редколлегия аъзоларидан бири сифатида фаол хизмат қилгани ҳам тасдиқлайди.

Республикада филология фанини ривожлантиришда кўрсатган катта хизматлари учун 1967 йили Юсуф Султоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди. 1970 йили эса, юқорида номини тилга олинган ва Москвада нашр этилган йирик асарнинг муаллифларидан бири сифатида олим Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Юсуф Султонов уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1968-1973) номли китобнинг ҳам авторларидан ва редколлегия аъзоларидан ҳисобланади. Айни вақтда у 1962 йилдан бери СССР Фанлар академияси Адабиёт бўлими ҳузуридаги «Ҳозирги даврда дунё адабиёти тараққиёт қонунларини ўрганиш» илмий советининг ҳам, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳузуридаги ўқув методика советининг ҳам аъзоси саналади.

У «Ҳурмат белгиси» ордени ва «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги», «Меҳнатдаги жасорати учун», «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши ғалабасининг йигирма йиллиги», «Шавкатли меҳнати учун», «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлаш», «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши ғалабасининг ўттиз йиллиги» медал-

лари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Меҳрибон ва мурувватли устоднинг шогирдлари кўп. Унинг илмий раҳбарлигида ўндан ортиқ фан кандидатлари етишиб чиқди. Улар орасида фан докторлари ҳам бор. Биргина мисол. Филология фанлари доктори, профессор Бердиали Имомов ўзининг биринчи устозига «Гулистон» журнали саҳифасида шундай ёзади:

«Юсуф ака! Сизга ушбу мактубни ёзяпману хаёлимдан бир фикр кетмайди: меҳнаткаш халқ фарзандларига илм-фан даргоҳлари эшигини ланг очиб бериб, уларни илм чўққилари сари дадил йўллаган Совет ҳукумати, Ленин партияси бўлмаганида тошкентлик бир камбағал деҳқон боласи бунчалик обрў-эътиборга эришувини тасаввур қилиш амримаҳол эди. Бунга Сиз катта меҳнат билан, тинмай мутолаа қилиб, инсоният даҳоси яратган маънавий бойликларни чуқур ўзлаштириб эришдингиз.

Ҳозирги ишингизда — Ҳамза асарларининг академик нашрини тайёрлаш борасидаги эзгу ниятингизда янги илмий-ижодий парвозлар ҳамроҳ бўлсин! Узоқ йиллар омон бўлинг, азиз устоз». Устоз Юсуф Султоновнинг бундан кейин ҳам ана шундай доктор, профессор шогирдлари кўпайиб боришига ишончимиз комил.



**ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ**

Ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг эллик йилдан кўпроқ давр ичидаги тараққиётини космос тезлигига ўхшатиш мумкин. Натижаси аниқ: у дунёда энг илғор, энг прогрессив бўлган умумсовет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг илғор отрядларидан бирига айланди. Унинг таркиб топиши ва камолотида Олим Шарафуддинов ва А. Саъдий, Отажон Ҳошимов ва Сотти Ҳусайн, Иззат Султонов ва Ҳомил Еқубов, Воҳид Зоҳидов ва Воҳид Абдуллаев, Ҳоди Зарипов ва Гулом Қаримов, Шароф Рашидов ва Сарвар Азимов, Матёқуб Қўшжонов каби йирик сиймолар қаторида Озод Шарафиддиновнинг ҳам хизмати беқиёс катта.

Озод Шарафиддинов бу даргоҳга тасодифан кириб қолганлардан эмас. Маошим ошсин дея фан кандидати еки доктори бўлишга интилганлардан ҳам эмас. У бу соҳада ижод қилишнинг катта масъулиятини ва машақ-

қатини чуқур тушунган ва теран ҳис қилганлардан бири.

Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизга талантли ижодкорларнинг катта отряди келиб қўшилди. Бу ўринда Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров кабиларни эслашнинг ўзи кифоя. Тўғри, бу ёшларнинг кўпчилиги эллигинчи йилларнинг бошларидаёқ ижод қила бошлаган ва айрим мақолалари газета ва журналларда кўринган эди. Шунга қарамай, мен бу авлод вакиллари-нинг ижоди асосан эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошланди деб ҳисоблайман. Зотан, худди шу йиллардан бошлаб тарихий янги давр адабиётшунос ва танқидчиларимиз олдига янада масъулиятли ва янада юқори талаблар қўйди.

Замон талабларига муносиб жавоб берадиган янги даврнинг янги қаҳрамонлари бўлади. Адабиёт соҳасида ҳам шундай. Юқорида номи зикр қилинган ёш авлод кекса авлодлар билан елкама-елка туриб, янги давр талабларига жавоб бериш жараёнида улғайиб борди. Қисқаси бу ёш авлод худди шу йилларда балоғат сари қадам қўйди ва натижада адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимиз симфонияси янги соз ва янгрёқ овоз билан янада жозибали бўлиб қолди. Фикримча, кейинги 20 йил ичидаги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида назм ва насрни таҳлил қилишда эришилган улкан ютуқларни О. Шарафиддинов ёки М. Қўшжоновсиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўринда поэзиянинг сеҳрли олами хусусида Озод аканинг 50- йилларнинг иккинчи ярми ва 60- йилларнинг бошларида газета ва журналларда босилиб чиққан туркум мақолаларини эслашнинг ўзи кифоя. Мен ҳозир ҳам Ўзбекистонда гўзал поэзияни, унинг гоят мураккаб ва ажойиб сеҳрли оламини нозик, теран тушунадиган ва жўшқин қалб, катта эҳтирос билан жуда чиройли таҳлил қиладиган кишилар мабодо учта бўлса, шу-

лардан бири, агар иккита саналса, улардан бири Озод Шарафиддинов деб биламан. Унинг наср ва драматургия, адабий танқидчилик соҳасидаги мақолаларида ҳам чинакам шеър мавжи ва жаранги, яъни жўшқин қалб мавжи ва кучли эҳтироси очиқдан-очиқ сезилиб туради. Мен атоқли ва талантли шоирлар билан бўлган суҳбатда улар ҳам Озод аканинг ана шу ноёб хислати тўғрисида мароқ билан гапирдилар. Эҳтимол, бу табиий талант нишонасидир. Балки мактабда ўқиб юрган йилларида адабиётнинг гўзаллигини соф, мусаффо қалб билан ҳис қилиш туфайлидир...

Озод Шарафиддинов 1929 йили азим шаҳар Тошкентда хизматчи оиласида дунёга келди. 1936-1946 йиллар орасида Тошкентдаги Фрунзе номли 14-ўрта мактабда ўқиди. Ёшликдан зийрак ва қобилияти кучли бўлган Озод мактабни олтин медаль билан тугатди. 1946 йили у В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети-нинг филология факультетига қабул қилинди ва университетни 1951 йили имтиёзли диплом билан битириб чиқди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ён дафтариди «адабиёт атомдан кучли, аммо унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас» деган ҳикматли гапи бор. Ажойиб француз расмони Дега Эдгар ёзган экан: «Агар сенинг юз минг сўмлик маҳоратинг бўлса, яна беш тийинлик сотиб олиб қўй». Озод ака адабиётнинг атомдан кучли эканлигини жуда эрта тушунганлардан бири бўлди ва бу сеҳрли дунёнинг ичига янада чуқурроқ кириб боришга шитоб билан ҳаракат қилди. Таркиб топган талант ва маҳорат янада камолотни тақозо этади. Озод ака худди шундай йўлни излади. У 1951 йили СССР Фанлар Академияси М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти аспирантурасига кирди. Уни 1954 йили муваффақиятли битирди. 1951-1954 йиллар мобайнида ўзбек совет поэмалари устида қунт билан ижодий иш олиб борди. Натижада у 1955 йили шу институт илмий советида «Ҳозирги ўзбек совет поэмалари»



деган мавзуда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ёш олим 1955 йилдан то ҳозирга қадар ўзи таҳсил олган жойда — Тошкент Давлат университети филология факультетининг ўзбек совет адабиёти кафедрасида доцент бўлиб ишлапти.

Озод ака ҳам миллион-миллион ёшлар қатори комсомоллик (1948-1957 йиллар), жўшқин романтик даврни бошидан кечирди. 1946 йилда «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати» учун медали билан тақдирланди. У 1957 йили илмий ва ижтимоий фаолияти учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди, 1959 йилда эса «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланди. 1959 йилдан бошлаб КПСС аъзоси.

1970 йили «История узбекской советской литературы» номли йирик асар учун бир гуруҳ адабиётшунос олимлар қатори Озод Шарафиддинов ҳам Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Олимнинг адабиётшунос ва танқидчи сифатидаги ижоди жуда сермазмун, жозибали. У юздан ортиқ ишларнинг муаллифи. Мен уларни санаб ўтирмайман. Бу ўринда фақат йирик асарлари — «Замон, қалб, поэзия» (1962), «Адабий этюдлар» (1968) номли китоблари хусусида қисқача фикр юритаман. «Замон, қалб, поэзия» — О. Шарафиддиновнинг биринчи йирик китобидир. Китоб 1962 йили Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриётида чоп этилди. Мен бу китобнинг анча қийинчилик билан босилиб чиқишидан хабардорман. Чунки мен 1959 йилнинг охирида шу нашриётда редактор сифатида иш бошлаган эдим. Озод аканинг китобини чиқариш нашриёт планида бор эканлигига кўзим тушди. Лекин қўлёзма нашриётга топширилмаган экан. Мудир марҳум Рустам Комилов уни олиб келишни менга буюрди. Бордим. Озод ака тезда олиб келишга ваъда берди. 1960 йилнинг кўк-ламида қўлёзма келди. Унинг номи ҳам, ичидаги материаллар ҳам ҳозирги «Замон, қалб, поэзия»дан жиддий

фарқ қиларди. Одатга кўра мудир қўлёмани тақризга берди. Тақриз ижобий бўлди. Озод ака тақриз асосида қўлёмани яна бир кўриб бериш учун олиб кетди. Бу ишнинг таҳририни менга беришмоқчи эди. Нашриётда тузилган план одатда керакли дистанциялардан ўтгандан— тасдиқлангандан кейин кучга киради. Кунларнинг бирида бўлимдаги редакторлар мудир раҳбарлигида тасдиқланган планни кўриб чиқдик. Озод аканинг иши пландан тушиб қолибди. Мен ҳайрон бўлдим. Рустам акадан сўраган эдим, план китоб савдоси ташкилотида муҳокама қилинганда, «иқтисодий зарба»га дуч келганини айтди. Ҳатто, бу қўлёмза 1962 йилнинг планида ҳам йўқ эди. Менинг «Замон ва замондошларимиз» номли китобим нашриётнинг 1962 йилги тасдиқланган планида эди. Бош редактор Султон Акбарий бир кунни мени чақириб: «сизнинг ишингиз бу йил чиқиши керак. Китоб учун маълум миқдорда ҳақ берганмиз, кўнглингиз тўқ. Бу йил сизнинг китобингиз ўрнига Озод аканинг китобини чиқарсак, сизникини эса келгуси йилга қолдирсак, бунга нима дейсиз»,— дея сўради. Мен рози бўлдим. Худди шу тарзда юқорида номи тилга олинган асар (нашриётнинг 1962 йилги тасдиқланган планига кирмасдан) чоп этилди.

Одатда биринчи китобда эришилган ютуқлар кўпинча муаллифнинг ўз шахсий имкониятлари доирасида воқе бўлади ва унинг ижодий изланишлари, тинимсиз меҳнати, қолаверса, янада кўпроқ нарсаларга эришажаги тўғрисида тасаввур беради. Озод аканинг «Замон, қалб, поэзия» китоби фақат автор ижодигагина эмас, айти пайтда, шу даврдаги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ҳам принципиал ютуқларидан бири бўлиб қолди. Танқидчи ҳозирги замон ўзбек поэзиясининг характерли тенденцияларини теран кўрсатади ва уларни конкрет асарлар таҳлили мисолида исбот қилади. Бу асар бир неча мустақил мақолаларни ўз ичига олган бўлса-да, тадқиқ этилган масалаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги, тўлдирилиши жиҳатидан поэтик ижод-

ни текширувчи яхлит монография тусини олган. Китобда ўзбек поэзиясида эришилган ютуқлар эҳтирос билан таҳлил қилинади, ғоят муҳим масалалар асарларни конкрет таҳлил этиш йўли билан ишонарли тарзда ҳал этилади. Ҳозирги замон поэзиямизнинг характерли хусусиятлари, энг муҳими — замонавийлик поэтик ижоднинг барча соҳаларида ҳукмрон бўлиб бораётганлиги, шу жумладан, лирик қаҳрамон маънавий оламнинг мукаммаллашиб боришини, даврнинг ғоят муҳим воқеаларини кучли эмоционал формада акс эттириш чуқурлашаётгани, эпикликка нисбатан лиризмнинг беқиёс даражада кенгайиши рўйирост кўрсатилади. Зулфия, Миртемир, А. Мухтор, М. Шайхзода, М. Бобоев, Шуҳрат, Шукрулло ва бошқа кўпгина таниқли шоирларимизнинг қатор асарлари ва Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов, А. Орипов, Э. Охунова, Ю. Шомансур каби ёш ижодкорлар асарларидаги ранг-баранглик, ўзига хослик, жозибадорлик, образлилик, қисқаси, совет кишиларининг маънавий дунёсини акс эттиришдаги ижодий изланишлар ҳис-ҳаяжон ва самимият билан кўрсатилади. Чинакам поэзияга даҳлдор бўлмаган «ижод маҳсуллари» эса куюниб танқид қилинади. Хуллас, «Замон, қалб, поэзия» талант билан ёзилган китоб.

Олимнинг янги китоби — «Адабий этюдлар» деган адабий-танқидий мақолалар тўплами Ғафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриётида (1968 йили) чоп этилди. Муаллиф дунёдаги энг буюк жасорат — бу илмий ва бадий тафаккур жасорати эканлигини «Биринчи мўъжиза», «Ленин ва адабиёт» номли мақолаларининг руҳига сингдириб юборади. Тўғри, Ленин ва адабиёт ҳақида гап борар экан, энг аввало доҳийнинг икки буюк санъаткор — Лев Толстой ва М. Горький ижодига муносабатини кўрсатиш зарурати тугилади. Бу борада жуда кўп ишлар қилинган ва салмоқдор фикрлар айтилган. Қайта такрорлаш эса, одатда, уларни янада чуқурроқ тушуниш, санъаткорнинг роли янада аҳамиятлироқ, янада нуфузлироқ ва масъулиятлироқ бўлиши зарурлигини маҳсус

таъкидлаш билан рўй беради. Худди шу типдаги мақола-лар бизда жуда оз. Чунки, бундай ишлар биринчидан, текшириш объектини атрофлича кенг ва чуқур билишни, иккинчидан, уларга ҳозирги кун адабиётимиз олдидаги турган ғоят муҳим вазифалар ва проблемалар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашишни тақозо этади. Озод Шарафиддинов худди шу йўлдан бориб, мақолаларининг бутун йўналишини ички баҳслар билан кучайтириб боришга интилади. Бунинг учун керакли ва характерли фактларни, ҳар хил воситаларни ишга солади, уларни янада қавартиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Худди шу тарзда ички мунозара зийраклик ва теранлик билан олиб борилади. Ленин даҳосида дунёқараши ғоят зиддиятли бўлган Лев Толстойнинг буюк санъаткор сифатида янги-дан кашф этилиши, улуғ санъаткор ўз даврининг ва ҳаёт-нинг ғоят муҳим томонларини акс эттириши, чинакам, бадний асарларда ва образларда ғоялар ошиб-тошиб кетмаслиги, яъни яланғоч ҳолда бўлмаслиги, санъат аса-ри кишининг қалбига кучли таъсир қилиши хусусидаги ажойиб ҳикматлар теран таҳлилда қизиқарли ифода-ланади.

«Адабий этюдлар»даги «Дўстлик қонуни» номли ма-қола ҳам ғоят муҳим масалаларни жасорат билан кўта-риб чиқиши ва уни кучли эҳтирос ҳамда ўзига хос йўл билан таҳлил этилиши жиҳатидан эътиборга молик. Мил-лий адабиётларнинг ўзаро боғланиши, бир-бирларига таъсири, бир-бирларини бойитиб, ривожлантириб бориши халқлар дўстлигини намоён қиладиган асосий тенденция-лардан бири сифатида талқин этилади ва тобора кенга-йиб, чуқурлашиб бораётган бу жараён социал-тарихий процесснинг умумийлиги, СССР халқларининг комму-низм сари ҳаракатидаги асосий қонунларнинг муштарак-лиги, ҳаёт кечирish тарзининг умумийлиги билан чамбар-час боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилади.

Қардош халқлар адабиётининг ғоявий-ижодий жиҳат-дан бир-бирларига кўрсатадиган кучли таъсири ва бир-

бирларини муттасил бойитиб бориши — бу кўп миллатли совет адабиёти янада юксалиши томон интилишининг зарур шартларидан биридир. Миллий адабиётларнинг қисқа давр ичида улкан ютуқлари буни очиқ-ойдин исбот этади. Масалан, тарихан қисқа муддат — ярим аср ичида ўзбек адабиёти тарихида илгари мавжуд бўлмаган янги ижодий метод вужудга келди, янги-янги адабий турлар ва жанрлар таркиб топди, анъанавий жанрларнинг ифода ва тасвир имкониятлари мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетди. Қардош адабиётларда дўстлик қонуни хусусида фикр юритар экан, О. Шарафиддинов эришилган улкан ютуқларни тан олишни истамаётган чет эллик ғоявий мухолифларимизга кескин зарба беради: «Лондонда Ўрта Осиё бўйича тадқиқот маркази томонидан нашр этиладиган «Сентраль Эйшенъ Ревью» журналида 1959, 1960 ва 1962 йилларда Ўрта Осиё халқларининг адабиётига бағишланган учта обзор-мақола босилди. Шулардан бирида: «Тараққий эта бошлаганига эндигина қирқ йил бўлган, бунинг устига биронтаси ҳам прозаик асарлар яратишга мослашмаган Ўрта Осиё тилларида кўп жанрли адабиётнинг бўлиши мумкин эмас» дейилади. Бошқа бир буржуа «адабиётшуноси» бундан ҳам «дадилроқ» гапларни айтади. Г. Моррис 1962 йили «Сервей» деган инглизча журналда босилган мақоласида «Ўрта Осиё совет адабиёти сунъий яратилган адабиётдир», «адабиётдан совет раҳбарлигининг асосий мақсади роман, ҳикоя, пьеса ва бошқалар каби ҳозирги адабий шаклларни адабиётга зўрма-зўраки сингдириш ва тарғиб қилишдан иборатдир», деб даъво қилади. Уларнинг бу хилдаги фикрлари бутун асоссиз эканлигини О. Шарафиддинов инкор қилиб бўлмайдиган фактлар билан рад этади. Наср султонлари — ўзбеклардан А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов, қozoқлардан — М. Авезов, Ғ. Мусрепов, С. Муқонов, туркманлардан — Б. Кербобоев, Х. Деряев, қирғизлардан — Т. Сидиқбеков, Ч. Айтматов асарлари ҳорижий мамлакатларнинг юздан ортиқ

тилларига таржима қилинди ва катта шуҳрат қозонди. Хуллас, «Биринчи мўъжиза», «Ленин ва адабиёт», «Дўстлик қонуни» каби мақолалар олим таҳлиlining чуқурлигини, диапазонининг кенглигини, адабий ҳодисаларни теран ва ўткир кузатишини, ниҳоят фикр-мулоҳазаларини жўшқин эҳтирос билан қизиқарли баён қилганлигини очиқ-ойдин кўрсатади.

«Адабий этюдлар»дан жой олган бошқа мақолаларда танқидчи А. Қаҳҳор, Зулфия, М. Бобоев, П. Қодиров асарларини таҳлил қилади. «Ўзбек аёлининг тақдири» мақоласида муаллиф атоқли адиб А. Қаҳҳорнинг инсон қисматини насрда тасвирлаш маҳоратини кўрсатишга махсус эътибор беради. Менинг учун «Ўзбек аёлининг тақдири», «Келажакка чорловчи повесть» ва ниҳоят А. Қаҳҳорнинг олти томлик асарларига сўзбоши ўрнида берилган мақола — булар Озод Шарафиддиновни улкан адиб санъатининг чинакам ва йирик тадқиқотчиларидан бири, айни чоқда, ғоявий-эстетик таҳлилнинг ноёб намуналаридан бирини намойиш қилган, дейишимга асос бўла олади. Унинг А. Қаҳҳор асарлари таҳлилига бағишланган аввалги мақолаларида ҳам бундай нодир хусусиятлар сезила бошлаган эди. Сўзбоши ўрнида берилган мақолада эса бундай фазилятлар тўла кўринди.

Олим «Қалбимизга яқин шоира» мақоласида Зулфиянинг ижодий портретини яратади. Мен ҳам шоира ижоди ва асарлари таҳлили хусусида анча нарса ўқиганман. Лекин бу мақолани ўқиганчалик кучли таъсирланмаганман. Зулфия нозик табиатли ва зукко шоира. У фақат Ўзбекистондагина эмас, айни вақтда, Совет Иттифоқида, чет элларда ҳам машҳур. Унинг машҳур асарларини китобхонлар зўр қизиқиш ва тўлқинланиб ўқийди. Мазкур мақола ҳам ўқувчиларни ўзига ром этади, шеърларнинг таҳлили теран. Фикр-мулоҳазалар ўзига хос услуб, жўшқин эҳтирос, ширин тил билан чиройли ифодаланган. Шоира асарларидан олган таассуротлари, ҳиссиётлари маълум бир туртки, босим воситаси билан муаллиф қал-

бидан фаввора сингари отилиб чиққанга ўхшаб кетади. Худди шу пайт К. С. Станиславскийнинг танқидчи ҳақидаги бир гапи эсимга келди. У ёзади: «Бир пайтда ҳам шоирнинг сўз санъати ҳисобланмиш асари, ҳам актёрнинг образли ижоди ҳақида одил ҳукм чиқара олиш учун танқидчи, аввало, шоир ва санъаткор бўлиши керак. Танқидчи баркамол адабиётчи бўлиши керак. У ўз фикр ва туйғуларининг энг нафис ва зуҳурларигача равшан ва ифодали бера олиши учун сўз ва қаламдан санъаткорона фойдалана билиши зарур. У бетакрор қуввати ҳофизага, лекин ижрочининг саҳнада неча марта салом бергани, артистларга келтирилган гулдасталар миқдорини ёки артистларнинг бошқа зоҳиран муваффақиятларини, қўйингки, икир-чикирларини қайд этадиган қобилиятга эмас, балки бошқача, кечмиш таассуротларини, унинг энг майда тафсилотларини ҳам унутмаган ҳолда қайта жонлантира оладиган самарали қуввати ҳофизага молик бўлиши керак. Танқидчи шоир ва артистларнинг ниятини уқа оладиган, кенгайтира оладиган, уларнинг лириклик меҳнатини бир-бирларидан фарқлайдиган даражада фаҳм ва тасаввур кучига эга бўлиши керак. Танқидчи муайян асар ҳамда муайян халққа мансуб асарда тасвирланган, шоир ва артист томонидан жонлантирилган кишилар, уларнинг ҳаётини таҳлил этиш жараёнида муҳим хулосалар чиқара олиши учун кенг миқёсдаги илмий ва адабий билимга эга бўлиши керак. Танқидчига ижодни таҳлил этишга, унинг хусусиятларини муфассал ўрганишга қобил синчков ақл лозим...

Танқидчи одамлар устидан босма сўз берадиган қудратли кучни эзгу мақсадларда тасарруф этиши, кишиларда ўзига нисбатан ишонч уйғота олиши учун мутлақо холис, юксак маданиятли одам бўлиши керак. Бунинг учун эса танқидчига тажриба ва матонат керак» («Шарқ юлдузи», 1972, № 2).

«Адабий этюдлар»даги мақолалардан яна бири «Шоирнинг йўли» деб аталади. Бу мақолада О. Шара-

фиддинов шоир Мамарасул Бобоев ижоди ҳақида баҳс юритади. Шоирнинг адабиётимизга қўшган ҳиссаси кўрсатилади, унинг ўзига хос услуби, ижод заҳмати ва қувончи, асарларининг нафосати теран таҳлил қилинади. Ниҳоят, «Адабий этюдлар» ёзувчи П. Қодировнинг «Қора кўзлар» романи таҳлиliga бағишланган «Улғайиш» деган мақола билан хотималанади. «Улғайиш» ҳозирга қадар бу роман таҳлили хусусидаги йирик мақолалардан ҳисобланади. Ёзувчи эришган ютуқлар анча кенг кўрсатилади ва шу муносабат билан бугунги адабий жараёндаги етакчи тенденциялар, ижодий изланишларнинг самаралари махсус таъкидлаб ўтилади. Қисқаси, Озод Шарафиддиновнинг «Замон, қалб, поэзия» номли китоби сингари «Адабий этюдлар» асари ҳам фақат муаллиф ижодининг ютуғи бўлибгина қолмасдан, аynи вақтда, шу давр ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги эришган муваффақиятларни рўйирост кўрсатади.

Мен бу ўринда олимнинг улкан санъаткорлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — М. Шолохов, Н. Тихонов, М. Турсунзода, К. Федин, Л. Леонов, Берди Кербобоев, Алексей Сурков, Михаил Исаковский, Александр Корнейчук, Андрей Упит, Павло Тичина, Александр Прокофьев, Михайло Стельмах, Петрусь Бровка, Сергей Михалков каби кўп миллатли совет адабиётининг саркор ижодкорлари ҳақида адабий портретлари жамланган «Яловбардорлар» ва «Истеъдод жилолари» номли ажойиб китобларини эслаб ўтишни зарур деб биламан. Чунки, танқидчининг «Яловбардорлар» ва «Истеъдод жилолари» ҳам кенг китобхонлар оммасининг сеvimли асарларидан бўлиб қолди. «Яловбардорлар»нинг қатор фазилатларидан камида учтасини махсус таъкидлаб ўтиш зарур. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган бу улкан санъаткорларнинг машҳур асарлари социалистик реализмнинг ижодий метод сифатида жаҳонда тан олиншини ва янги ижодий методнинг истиқболи янада порлоқ эканлигини кўрсатади. Бу нуқта доимо танқидчининг



диққат марказида туради. Бу улкан ижодкорларнинг шахсияти ва асарлари таҳлилида танқидчи ўзбек адиблари ва шоирлари учун сабоқ бўладиган томонларига урғу бериб боради. Ниҳоят, бу машҳур санъаткорларнинг Урта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон билан боғлиқ, алоқадор жиҳатларини кўрсатишга эътибор беради. Ҳар бир адабий портретда шоирқалб олимнинг таҳлил услуби кўриниб туради. Айни вақтда, танқидчининг юксак диди ва савияси, кенг миқёсда фикр юритиши, ўз кузатишларини эса эҳтирос билан ифодалаши кучли сезилади. Чунки, устоз кенг миқёсда фикр юритадиган ва ўз фикр-мулоҳазаларини эса содда, жонли тилда ифода қиладиган нодир истеъдод соҳиби. Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ҳақидаги адабий портретлар сўз санъатига фидойи садоқат, кучли самимият билан битилган мақолаларнинг ажойиб намуналари туркумига мансуб.

Устоз ҳозир янада юксакликка ижодий парвоз қиладиган камолот ёшида. Тафаккур жасорати энг улуғ ва буюк жасорат бўлиб келган. Содиқ шоғирдлари номидан Озод акага «янги-янги улкан парвозлар сари кенг қанот ёз, жасоратли, ибратли устоз!»— дегим келади.

Илм йўлида ранж чеккан одам  
Ранж эмас ганжга қўяди қадам.

*Камолиддин Биноий.*



**ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ**

Олим... Тўрт ҳарфдан иборат бу сўзни барча ҳурмат билан тилга олади. Ана шу номга эришувга қадар киши не-не заҳматларни чекмайди дейсиз. Бу ном тинимсиз изланишлар, уйқусиз тунлар, фақат билим ва меҳнат билангина рўёбга чиқади. Ким ҳақида ҳикоя қиляпти деб ўйларсиз. Ҳа, бу табиий бир ҳол. Биз таъриф қилаётган киши сизга ҳам таниш...

Шоислом Шомуҳамедов 1921 йилнинг 16 апрелида Тошкент шаҳар, Девонбеги маҳалласидаги (ҳозирги Қозон кўчаси) этикдўз оиласида дунёга келди. Олти ёшлигиданоқ отасидан ажралган Шоислом анча-мунча ҳаёт машаққатларини чекди.

У бошланғич мактабнинг тўртинчи синфини тугаллагач, 1933 йили Ўзбекистон маҳаллий саноат техникумининг тайёрлов бўлимига кириб ўқий бошлади. Шоислом ўзининг илмга ташналиги билан ҳам курсдошларидан

ажралиб турарди. Ўқиш билан бир қаторда у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб борди. Ниҳоят 1939 йилда техникумни аъло баҳолар билан тугатгач, тери пишириш бўйича техник-технолог деган мутахассисликни эгаллаб олди. Техникумни юқори баҳолар билан тамомлагани учун унга институтга кириб ўқиш имтиёзи берилди. Илмга ташна Шоислом бу имтиёзни жон-дилидан қабул этди. У Тошкент темир йўлчилар институтига кириб ўқий бошлади...

1939 йил. Фашистлар Германияси айна қутураётган пайт. Социалистик Ватанимиз чегаралари ҳам хавф остида.

1939 йили октябрь ойида Совет ҳукуматининг ўрта маълумотли кишиларни 18 ёшидан Совет Армияси сафига чақириш тўғрисидаги қарори чиқди. Шоислом она-Ватанни ҳимоя қилиш мақсадида Совет Армияси сафига хизматга отланди. У Тошкент ҳарбий мактабига қабул қилинди. Ҳарбий пиёдалар мактабида икки йил ўқиб, уни тамомлагач, хизматни давом эттириш учун Вильнюс шаҳрига юборилди. У хизмат жойига етиб боришга улгурмади. Чунки бу пайтда немис-фашистлари она еримизга хиёнаткорона бостириб кирган эди. Шоислом кўпгина кўнгиллилар қаторида фронтнинг олдинги чизигига, душманга қарши курашга отланди.

III. Шомуҳамедов уруш суронларида тўрт марта ўлимдан қолди. Охирги марта 1941 йилнинг июлида кўкрагидан ва ўнг елкасидан оғир ярадор бўлди ва турли госпиталларда тўрт ой даволангач, Тошкентга қайтиб келди...

Шоисломнинг кўпдан бери қалбида учқунланиб юрган орзуси уни Урта Осие Давлат университетининг шарқшунослик факультетига етаклаб келди. У 1947 йили факультетнинг Эрон бўлимида таҳсил ола бошлади. Факультетни 1952 йили имтиёзли диплом билан тугаллаб, аспирантурага тавсия этилди. Бир вақтлар техник мутахассисликни ва ҳарбий хизматни ўтаб юрган кишининг адабиётга қизиқиши, янги соҳада ўзини тайёрлаши

баъзан қизиқ кўриниши мумкин. Бу ҳақда Шоислом Шомуҳамедовнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: «Мутахассис-лигимнинг техникликдан филологияга ўзгариши ғайритабиий кўриниши мумкин. Аммо бунинг сабаби менинг шеърятга, айниқса, классик адабиётга, Навоий ва бошқа классиклар ижодига ёшлиқдан қизиқишим эди. Мен ёшлигимданоқ классик формаларда газаллар, рубойилар ва ҳозирги замон шаклларида шеърлар машқ қилардим. Навоий, Муқимий ва бошқаларнинг газалларига муҳаммаслар боғлардим. Ҳарбий мактабда ўқиб юрганымда ҳам, яраланиб госпиталларда ётганимда ҳам шеърлар машқ қилганим-қилган эди. Ёшлигимда қилган орзуимга эришиб, форс тилини ўргандим. Бу менга, ўша пайтда қандай куч бағишлаганини билсангиз эди...»

1957 йил унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Ш. Шомуҳамедов «Прогрессив эрон шоири ва ёзувчиси Эҳсон Табарийнинг ҳаёти ва ижоди» деган мавзуда илмий иш олиб бориб, филология фанлари кандидати деган илмий даражага сазовор бўлди. Эрон адабиётининг гуманист шоири, жамоат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи Эҳсон Табарий ҳақидаги ёш олимнинг бу илмий ишига Ленинград Давлат университетининг эроншунос олимларидан академик И. А. Орбели, профессор А. Н. Болдиров, доцент А. Т. Тагиржановлар юқори баҳо бериб, эроншуносликка қўшилган катта ҳиссалигини қайд этиб ўтдилар. 1959 йили унинг «Эҳсон Табарий» номли асари чоп этилди. Таниқли шарқшунос, грузин олими К. Қ. Пагава китобни «Ҳозирги эрон адабиётини ўрганишда қимматли асардир» деб баҳолади.

Шоислом Шомуҳамедов илмий фаолиятни жамоат ишлари билан уйғун ҳолда олиб борди. У 1960-1972 йилларда ТошДУ Шарқ факультетининг декани, 1966 йилдан бошлаб, айни вақтда, ҳорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. 1972 йилдан бошлаб шу университетда илмий ишлар бўйича прорек-

тор бўлиб ишлаб келяпти. Олим кўп йиллардан бери «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизмнинг ривожланиши проблемасига оид» деган тема устида иш олиб борди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ш. Шомухамедов зуваласи пишиқ, теран мушоҳадали тадқиқотчигина эмас, айни вақтда, моҳир таржимон ва ношир ҳамдир. У ёзади: «Киши гўзал боғларда сайр қилиб юрганда, денгиз бўйлари завқини сурганда, тоғ этаклари оқшомининг ажойиб оромидан баҳраманд бўлганда, ҳатто лазиз бир таом еганда, яқин кишиларини, ёр-биродарларини, дўстларини эслайди. Уларни ҳам шу лаззатлардан баҳраманд қилгиси, неъматларни бирга баҳам кўргиси келади. Мен ҳар қачон Рудакий, Фирдавсий, Хайём, Жомий ва бошқа ажойиб сўз усталари асарларини мутоала қилар эканман, дилимда шундай ҳис ғолиб келиб туради, менинг севган кишиларим форсчани билмагани учун бу лаззатдан бебаҳра, аммо бунга ташна ва тўла ҳуқуқли ўзбек китобхонлари кўз ўнгимда туради. Мен уларни Рудакийнинг тоғ ҳавосидек мусаффо шеърлари, Хайёмнинг ҳар қандай ҳорғинликни бирдан оладиган рубойилари, Ҳофизнинг жўшқин юрак алангаси ўйнаб турган ғазаллари, ҳаёт тажрибасидан камолотга етган донишманд Саъдийнинг ҳикматга тўла мисралари, хуллас, форс-тожик сўз хазинасининг турли-туман жило бериб турган ҳамма жавоҳирларидан баҳраманд этгим, уларни дунёга кўз-кўз қилгим, бу ажойиб гулзорнинг хушбўй исини дўстларим — барча китобхонларга етказгим келади». Тинимсиз ижодий изланишлар ва улкан ижодий меҳнатнинг якуни сифатида домланинг «Эҳсон Табарий ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк» (1959), «Ҳақиқат излаб» (1961, 1963), «Умар Хайём ҳаёти ва ижоди» (1962), «Форс-тожик адабиёти классиклари» (1963), «Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижоди» (1963) каби қатор китоблари чоп этила борди. Худди шу тарзда Ш. Шомухамедов йирик шарқшунос-адабиётшунос олим сифатида танилди

ва шуҳрат топди. У форс-тожик адабиётининг буюк сиймолари ижодини атрофлича чуқур ўрганиб, улар ҳақида асарлар ёзди ва ўзбек илм соҳибларининг дилини хушнуд этди. Масалан, муаллифнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари» (1963) номли асари кўп йиллардан бери республика олий ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинади. Унинг шундай мақтовга лойиқ асарларидан бири — тожик халқининг мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий ҳақидаги китобидир. Олимнинг алоҳида таъкидлашича, «Жомий ижоди теран ва кенг, турли-туман жавоҳирларга тўла. Ундаги барча ажойибот ва ғаройиботларни таърифлаб ниҳоясига етказиш қийин». Тадқиқотчи «барча ажойибот ва ғаройиботларга» бой Жомий асарларини синчковлик билан обдан ўрганади. Сўнгра улкан адиб ижодининг бош пафосини топади. Худди ана шу таянч нуқталар тадқиқотига ёзувчи ижодини эркин ва мустақил таҳлил қилишга кенг имкон беради. Ўзбек ва тожик халқларининг қадимий дўстлигини тараннум этган бу улуғ даҳонинг ижодини адабиётшунос олим юқори баҳолайди.

Санъатга муҳаббат одамзоднинг ҳусни бўлиб келган. Умар Хайём ҳақида шундай дейиш мумкин.

X-XI асрларда яшаган буюк шоир, астроном, математик Умар Хайёмнинг ижодини атрофлича ўрганиш ва ўзбек китобхонларига кенг планда таништириш жуда зарур эди. Буни чуқур ҳис қилган Ш. Шомухамедов Умар Хайём ижодини текширишга фаол киришди. Маълумки, бу мутафаккирнинг номи кўп асрлардан бери жаҳонга таниш ва эъзозли. Кўп асрлардан бери жаҳоннинг турли бурчакларида турли дин ва миллат кишилари қалбига ғулғула солиб, ҳар хил фикр ва туйғулар қўзғаб келаётган китобча — «Хайём рубойилари» (1958) энди ўзбеклар уйига ҳам янги тусда кириб келди. Бу китобча қўлдан-қўлга ўтиб, тўй-қашамларда, базмларда, кўнгилочиш кечаларида унинг рубойилари ёддан ўқиладиган бўлди.

Мазкур китобнинг атиги беш йил ичида уч марта чоп этилгани ҳам бу фикрни тасдиқ этади. Оташнафас шоирнинг асарларини таржима қилиш асосида олимнинг рисоласи вужудга келди. Қисқаси, заҳматкаш олимнинг «Умар Хайём» (1962) номли китоби кенг ўқувчилар оmmas таҳсинига сазовор бўлди. Китобда шоирнинг ҳаёти ва ижодининг асосий йўналиши кўрсатилди ҳамда унинг дўстлик ва ёр васлини куйлаш каби бебаҳо шеърларининг пафоси ифодали ва содда тилда таҳлил қилиб берилди.

«Саъдий Шерозий ҳаёти ва ижоди» (1965), «Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди» (1965), «Маликушшуаро Баҳор ҳаёти ва ижоди» (1967), «Амир Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди» (1971) номли асарлари олимнинг тадқиқот қуввати ва эрудицияси беқиёс кучли эканлигини намоён қилди. Бу китобларнинг характерли жиҳатларидан бири — оммабоплигида, кенг ўқувчиларга мўлжаллаб битилганида. Иккинчиси — асарлар таҳлилининг нозик кузатиш билан нурланиши, умумлашмаларнинг бақувватлигидир. Учинчиси, бу санъаткорлар ижодини ва асарларини сохталаштиришга интилганлар билан қизғин ва ғоятда кескин, шиддатли мубоҳаса қилишидир. Биргина мисол. Ҳозирги замон буржуа оламининг баъзи тадқиқотчилари Умар Хайём ижодининг прогрессив ва гуманистик ғояларини сояда қолдириб, биринчи навбатда ундан мистика топишга, шу нуқтада уни «кўз-кўз» қилишга интиладилар. Бундай «тадқиқотчи»ларнинг фикрича, Ҳофиз Шерозий жабр-ситамларни кўрсатганлиги учун, гадоларни улуғлагани учун бадгўй эмиш.

Ш. Шомуҳамедовнинг энг яхши илмий ишлари фақат мамлакатимиздаги йирик мутахассислар томонидангина эмас, айни вақтда, ундан ташқаридаги машҳур шарқшунослар томонидан ҳам юксак баҳоланди. Биргина мисол. Олимнинг Ҳофиз Шерозий ҳақидаги китоби хусусида машҳур чех шарқшуноси Иржи Бечка ёзади: «Тошкентлик эроншуноснинг Ҳофиз ҳақидаги асари форс классик-

лари ҳақидаги ишлар қаторига жиддий ҳисса бўлиб қўшилди. Асар унча катта бўлмаса ҳам, унда бир қатор янги ғоялар бор. Автор адабиёт тарихидаги энг улуғ лириклардан бирининг ижодини жуда яхши билади. Шунингдек, у Ҳофиз билан Данте, Шекспир, Гёте, Лермонтов ижодини таққослар экан, унинг Европа маданиятини ҳам чуқур билишига амин бўламиз».

Ш. Шомуҳамедов ўзининг узоқ йиллардан бери ижодий изланишлари ва тинимсиз равишда давом этаётган ижодий фаолиятига «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» (1968) номли йирик асари, шу асосда қилинган докторлик диссертацияси (1969) билан салмоқли бир яқун ясади. Мазкур иш улкан олимларнинг таҳсинига сазовор бўлди: «Муаллиф ўз асари билан,— дейди таниқли профессор И. С. Брагинский,— Совет шарқшунослик фанига катта ҳисса қўшди ва ўзининг юксак илмий назарий савиясини намойиш қилди». Профессор Д. С. Комиссаров эса бу ҳақда шундай дейди: «Шомуҳамедов ўз асарида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган проблемани тадқиқ қилади. У Урта асрлар форс-тожик адабиётини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллар давомида самарали ишлагани туфайли, муваффақият билан бу вазифанинг уддасидан чиқди». Таниқли файласуф олим М. Хайруллаев ёзади: «Автор гуманистик ғояларнинг ривожига тасодифий, жузъий, фақат адабиётга хос процесс эмас, балки уйғониш даврининг умумий маънавий ҳаётига хос хусусият эканини ишонарли исбот қилган, гуманистик ғоялар билан умумий ижтимоий, маданий идеологик фан ўртасида узвий алоқа бор эканини кўрсатиб берган». Бу хилдаги баҳоларни янада кўплаб келтириш мумкин. Кўп қиррали ижод соҳиби Ш. Шомуҳамедовнинг форс ва тожик адабиёти классикларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, шу йўл билан уларни оммалаштириш, тарғиб этишдаги хизматлари беқиёс катта.

Олимнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари» китоби сингари «Форс-тожик арузи» (1970) номли асари ҳам



олий ўқув юртлари студентлари учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Ш. Шомуҳамедов Шарқ адабиётида инқилоб доҳийси В. И. Ленин образининг пайдо бўлиши тарихини илмий таҳлил қилиб берди. У шундай деб ёзади: «Ленин халқ (Шарқ халқлари А. Қ.) хаёлида эртакларда бирдан пайдо бўладиган афсонавий паҳлавон халоскор бўлиб гавдаланади. Бу ҳол ёзма адабиётда ҳам кўзга ташлана бошлади, уни ҳиндлар билан эронийлар Маҳдий ёки Ҳизр деб тасаввур этдилар» («Шарқ юлдузи» журнали, 1970 йил, 4 сон).

Олим бу фикрларининг исботи учун эрон шоири Ориф Қазнавийнинг 1920 йилда Ленинга бағишланган бир шеърдан парча келтиради:

Золимлик йўқолсин десанг дунёда,  
Ҳеч қолмасин десанг жаҳолатдан из,  
Янги замон Ҳизри кетидан эргаш,  
Қўлида ярақлар эрк сочар юлдуз.

Айни чоқда, тадқиқотчи Шарқ адабиётида ҳам жуда кўп ижодий изланишлар ва ўқиш-ўрганишлар асосида доҳий В. И. Лениннинг реалистик образини яратиш тенденцияси тобора кучайиб борганлигини ишонарли фактлар билан изчил таҳлил қилади. Шоислом Шомуҳамедов бир қанча бадний асарлари билан ёзувчи сифатида ҳам танилди. Унинг «Кичкинтойлар сўзлайди» (1960), «Вақт» (1968), «Рубойлар» (1969), «Гулбоғ» (1972) номли асарлари чоп этилди. Олим форс-тожик классиклари ижодини илмий тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка фаол тарғиб қилиш билан бирга уларнинг бой анъаналарини давом эттириб келяпти. Бу ҳол унинг юқорида номлари зикр этилган бадний асарлари шаклида ёрқин кўринади. Бадний асарлари тематикаси кенг ва ранг-баранг. Ахлоқ-одоб масалалари кенг ўрин тутати.

Ҳақиқий санъатнинг абадий навқиронлигини мадҳ этган шоир рубойларининг бирида шундай дейди:

Чин санъат ёшга ҳам қарамас экан,

Чин санъат саҳнадан аримас экан.

Санъаткор чехрасин ажин босса ҳам,

Навқирон санъати қаримас экан.

Шоислом Шомуҳамедов таржимон сифатида ҳам ардоқли ва эъозли. У Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Бедил, Рудакий, Ҳофиз, Саъдий, Абдурахмон Жомий каби шарқ классикларининг қатор асарларини ўзбек тилига юксак дид ва моҳирлик билан таржима қилди. Машҳур «Минг бир кеча»нинг иккинчи, тўртинчи, олтинчи, еттинчи жилдларидаги шеърлар таржимаси ҳам Шоислом Шомуҳамедов қаламига мансуб. У Маликушшуаро Баҳор, А. Лоҳутий, Мулла Паноҳ Воқиф, Жола, Жавод Новрузий, Ходи Имомий каби таниқли ва машҳур шоирларнинг асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилди ва бу борада ҳам заҳматкаш ва фидойи бўлди. Чет эл шарқи шоирларининг шеърларидан таркиб топган «Қуёшни қутлаб» (1957), «Эрон ҳикоялари» (1958), «Эрон шоирлари» (1958), «Эрон халқ эртаклари» (1959), «Тафаккур мевалари» (1960), «Қозоқ шоирлари» (1960), «Минг бир ҳикмат» (1963) номли тўпламларнинг вужудга келишида Шоислом Шомуҳамедовнинг хизматлари катта. Чунки, у бу тўпламларни бунёдга келтирди, айни вақтда, таржимон сифатида ҳам иштирок этди. Булардан ташқари, у қорақалпоқ адиби Тўлепберган Қайипбергеновнинг «Секретарь» номли повестини ва қозоқ шоири А. Тожибоевнинг «Шеърлар» (1961), «Сир қўшиқлари» (1970) номли тўпламларидаги кўпгина шеърларни ўзбек тилига таржима қилди. Қисқаси, Шоислом Шомуҳамедов кўп тилларни мустақил ўрганган ва пухта эгаллаган кўлами кенг олим. Шу боисдан, унинг таржималари, биринчидан, кенг миқёсдаги билимдонлигидан, иккинчидан, тилларни етук билишидан, ҳар бир сўзнинг ўз ўрнига кўра турли

маънода келишини чуқур ҳис қилишидан, учинчидан, ҳар бир тилнинг луғат бойлиги ва ички мазмунини яхши «ҳазм» этишидан, ниҳоят, таржимани том маънодаги ижод, санъат деб билишидан далолат беради. Биз устоз Шоислом Шомуҳамедовни ўзбек халқини жаҳон адабиётининг энг дурдона асарлари, яъни Шарқ классикларининг машҳур асарлари билан таништиришда катта хизмат қилган моҳир таржимон ва айни чоқда, таржима назарияси бўйича қатор илмий ишлар яратган таржима-шунос олим сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. Форс-тожик адабиётини кенг ва фаол тарғиб этишдаги ҳамда етук мутахассислар тайёрлашдаги беқиёс катта хизматлари учун олим 1974 йили халқаро Фирдавсий номидаги юксак мукофотга сазовор бўлди.

Шоислом Шомуҳамедов СССР фанлар Академияси қошидаги шарқ адабиётшунослиги Бутуниттифоқ илмий Совети ва Республика бадиий таржимачилик советининг аъзоси. 1962 йилдан бошлаб эса Ҳинд-Совет адабий алоқалар Ўзбекистон бўлимининг президиуми ва бюро аъзоси бўлиб келяпти. 1964 йилдан бери Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик комитетининг Ўзбекистон бўлими президиуми аъзоси. 1976 йили Ўзбекистон ёзувчиларининг еттинчи съездида Ш. Шомуҳамедов Ўзбекистон ёзувчилар Союзи правлениеси аъзолигига сайланди ва «Шарқ юлдузи» журнали редколлегия аъзоси бўлиб тасдиқланди.

Партия ва ҳукуратимиз ҳамиша замон хизматида бўлган Ш. Шомуҳамедовнинг жонбозлик билан қилаётган ишларини тақдирлаб келяпти. У Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар хизматлари учун бир қанча орден ва медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Йирик шарқшунос олим, моҳир таржимон ва шоир Шоислом Шомуҳамедов ёшларнинг меҳрибон ва ардоқли устози сифатида ҳам машҳур. Мен ҳам бу устоздан сабоқ олганим учун ҳамиша таъзимдаман.



**АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ**

Буюк шоир Алишер Навоий ижоди ва поэтикаси кўп йиллардан буён олимларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган. 20 йилдан кўпроқ вақт ичида А. Ҳайтметовнинг буюк мутафаккир ижоди ҳақида қатор мақолалари ва китоблари босилиб чиқди. Улар билан танишиб бордим. Бу ҳол мени олимнинг ҳаётига бўлган қизиқишимни тобора кучайтирди.

Абдуқодир Ҳайтметов 1926 йили ҳозирги Фарғона областининг Фрунзе районидagi Қиёли-Қум қишлоғида деҳқон oilасида дунёга келди. Ёшлиғи Тошкентда кечди. 1932-1943 йиллар мобайнида у пойтахтнинг Ҳамза районидagi Куйбишев номли 151-ўрта мактабда ўқийди ва уни муваффақиятли тугатади. Шарқ тиллари ва адабиётига қизиқиш ёш Абдуқодирни ўрта Оснё Давлат университетининг шарқ факультетига ўқишга етаклади. У 1944-1949 йиллари М. С. Андреев, Е. Э. Бертельс,

С. Мирзаев, М. А. Кононов, И. П. Петрушевский, А. К. Арендс, В. И. Беляев, Б. З. Холидов, В. А. Шишкин каби машҳур шарқшунос олимларнинг шарқ халқларининг тарихи, тили ва адабиётлари ҳақидаги лекцияларини тинглади.

Университетни муваффақиятли тамомлагач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасига кирди. Салкам йигирма йил узлуксиз ўқишни давом эттириш (ўрта мактаб, университет, аспирантура) навқирон йигит Абдуқодирни Алишер Навоий ижодини, асл манбалари асосида атрофлича ўрганишга ва илмий ишлар олиб боришга маънавий тайёрлади. Ниҳоят у «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» деган мавзудаги (1955 йили) кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу иши олимнинг Навоий ижоди, поэтик асарларини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган қизиқишини янада кучайтириб юборди. Бу ўринда унинг қўлёзмалар устида синчковлик билан ишлашини, ҳар бир фактни қайта-қайта текшириб чиқишга интилишини, уларни чуқур мушоҳада қилишини, илмий йўсинда таҳлил этишини махсус таъкидлаш зарур. Еш олим илк мақолалари билан ҳам адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортган эди. Шундан буён унинг қатор монографиялари, рисоалари, ўнлаб илмий мақолалари босилиб чиқди.

А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида аввалига кичик ходим (1953), сўнгра 1967 йилдан бошлаб катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1967 йилдан то ҳозирга қадар Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти тарихи сектори мудиридир. 1957-1970 йилларда шу институт директорининг ўринбосари бўлиб ишлади.

50- йиллардан то ҳозирга қадар бўлган давр ичидаги навоийшуносликнинг ривожланиш ҳақида гап кетганида биринчилар қатори Ҳайитметовнинг ҳам номи тилга олинади. У республикамиздаги энг йирик «навоийшунос»

олимлардан бири бўлиб қолди. Бу фикримизни олимнинг «Навой лирикаси», «Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Навой даҳоси» каби илмий асарлари ва «Алишер Навоий поэтик маҳорати ҳақида», «Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашерга шеърӣ мактуби», «Навой лирикасида реалистик мотивлар ва элементлар», «Алишер Навоий — халқлар дўстлиги куйчиси», «Навоийнинг «Тарихи мулки Ажам» асари ҳақида», «Навой ва табиий фанлар», «Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида», «Алишер Навоийнинг сарбадорларга муносабати ҳақида», «Навой ҳақида янги маълумотлар» каби ўнлаб илмий мақолалари тасдиқ этади. Демак, навоийшунослик ҳақида гап кетар экан, унинг кейинги 20 йил ичидаги босқичини А. Ҳайитметовнинг асарларисиз тўла тасаввур қилиш қийин. Унинг қатор илмий асарлари, монографиялари совет адабиётшунослигида навоийшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

«Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» номли илмий асари 1959 йилда «Фан» нашриётида босиб чиқди. Бу асарида олим ўзбек ва форс-тожик адабиётшунослигини, адабий-танқидий қарашларининг асосини кўрсатишга интилади. Тадқиқотчи шоирнинг адабий-эстетик принципларига алоҳида аҳамият беради. Шакл ва мазмун, традиция ва новаторлик, халқчиллик ва ғоявийлик, уларнинг ўзаро алоқалари хусусида Навоий қарашларини кўрсатади.

1961 йили олимнинг «Навой лирикаси» номли монографияси чоп этилди. Бу илмий ишда улуғ шоирнинг поэтик мероси атрофлича таҳлил қилинди. Шоир асарларининг тематик доираси ғоятда кенглиги, образларининг ранг-баранглиги, жозибадорлиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, шоирнинг поэтик маҳорати конкрет асарлари таҳлили орқали очиб берилади. Асарда олим буюк шоир поэтик меросининг қудрати, ўзбек ва форс-тожик адабиётида

алоҳида беқиёс катта ўрин тутиши, унинг ўзига хос жозибаси хусусида атрофлича фикр юритади.

А. Ҳайитметов ўз китобида Алишер Навоийнинг барча поэтик меросини эмас, балки асосан «Ҳазоннул-маоний» номли асарини, ундаги лирик асарларни биринчи мартаба кенг ва атрофлича таҳлил қилди. Маълумки, Навоийнинг лирик мероси ғоят чексиз ва ниҳоятда рангбаранг. Ҳазал ўзбек классик адабиётининг бутун вужуди, қон томири бўлиб келган, классик лириканинг етакчи жанри сифатида шуҳрат топган. «Навоий лирикаси» номли монографик характердаги тадқиқотда Навоий ғазалларининг ғоятда ранг-баранглиги теран, тифиз, мусиқий мазмуни кенг кўламда кузатилди ва унинг сир-асрорлари кўрсатиб берилди. А. Ҳайитметов ғазалдаги айрим байт ва мисраларда жамланган чуқур маъно ва туйғулар ҳуснига бутунлай асир бўлиб қолмасдан, ундаги асосий йўналишни, ғазалнинг бутун руҳини ташкил этган ички қувватини текширади, шу боисдан ҳам уни яхлит ҳолда таҳлил қилади ва кенг умумлашма хулосалар чиқаради. Шунинг учун ҳам олимнинг ғазал султони Навоий асарларига хос нодир хусусиятлари борасидаги фикрлари ишонарли бўлиб чиққан. Ҳазалларнинг тематик аниқлик, конкретлилик ва шу асосда таркиб топадиган композицион яхлитлик, бир бутунлик, турли-туман байтларнинг мазмун ва шаклан бир-бирлари билан табиий боғланиб кетиш ва бошқа муҳим жиҳатлар тадқиқотчи томонидан нозик кузатилади ва эътиборли фикрлар баён қилинади. Навоий лирикасини махсус текшириш, табиий равишда, бу нодир мероснинг ўзбек классик адабиётида тутган ўрнини, салмоғини белгилашга интилишни келтириб чиқарди. Айни вақтда, олим Навоийнинг ўзига хос лирик маҳоратидан баҳраманд бўлган авлодлар — шоирлар ижодига ҳам махсус эътибор беради. Қисқаси, А. Ҳайитметовнинг бу монографик характердаги илмий-тадқиқот иши навоийшуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Олимнинг «Алишер Навоийнинг ижодий методи маса-

лалари» (1963) номли монографияси ўзбек совет адабиётшунослигининг энг муҳим ва актуал масалаларидан бири — улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ижодий методини текширишга бағишланган.

Навоий ижодининг бой материаллари асосида олим шоир ижодий методи асос эътибори билан романтик характерда деган хулосага келади. Бу ҳол халқ ва мамлакатнинг реал ҳаётига жуда яқин турган шоирга гоҳо бадиий тасвирда реалистик приёмларни қўллашга, реал инсоний характерлар, реалистик ҳаётий картиналар яратишга монелик қилмаган албатта.

Тўғри, бу ишга қадар Шарқ адабиётининг ижодий методи махсус текшириш объекти сифатида кенг миқёсда ўрганилмаган эди. Бу проблемани қатор масалаларни комплекс ўрганиш асосида ҳал этиш мумкин. Чунки, метод ижодкорнинг дунёқараши, олами тушуниш ва акс эттириш принциплари, услуби, адабий-эстетик қарашлари билан узвий боғлиқ бўлган улкан проблемадир. Алишер Навоий сингари буюк санъаткорлар ижодий методини аниқлаш — бу айни вақтда, ўша даврдаги бутун яқин Шарқ адабиётининг асосий методини белгилашни тақозо этади. Демак, ўзбек, форс-тожик адабиётлари тарихининг бу даврини атрофлича ўрганиш асосида буюк шоирнинг ижодий методини текшириш яхши самаралар бериши мумкин. Шу боисдан ҳам метод масаласи адабиётларни типологик ўрганишнинг асосларидан бири бўлиб келган.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у ёки бу ижодкорнинг адабий методи — бу бутун адабиётнинг методи бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Алишер Навоий ижодий методи — бу бутун катта бир давр Яқин Шарқ адабиётининг методи бўлган. Айни пайтда, ҳар бир даврдаги адабиёт методини текширишда ҳаққонийлик принципи билан реализмни айни тенг, айнан бир хил деб қараш ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳаққонийлик принципи романтизм деб аталган ижодий методда ҳам



мавжуд. Романтизм методидаги ҳаққонийлик билан реалистик методдаги ҳаққонийлик орасида мавжуд бўлган тафовутни унутмаслик керак. Романтизмда ҳаққонийликнинг мавжуд бўлиши, реалистик элементларнинг яшаши — бу реалистик метод дегани эмас. Тадқиқотчи А. Ҳайитметов буюк шоир Алишер Навоийнинг ижодий методини текшириш жараёнида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни, мунозарали масалаларни ўртага ташлайди. Китобда Навоий ижодий методи — шоир асарларининг гоёвий йўналиши, образлари, уларнинг характерли хусусиятлари орқали таҳлил қилинади.

Узоқ йиллар мобайнида олиб борган ижодий излаишлари асосида А. Ҳайитметов 1965 йили Алишер Навоий ижодий методи хусусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Катта бир даврдаги бутун адабиётнинг методини текширишга бағишланган бу иш фақат ўзбек адабиётшунослигининг ютуғи бўлибгина қолмай, аynи вақтда, совет адабиётшунослигига қўшилган муҳим ҳиссалардан бири бўлди.

Буюк шоир ижодий методи — ўрта аср Шарқ адабиётининг ўзига хос қатор хусусиятларини кўрсатишга, чуқур умумлашма хулосалар чиқариш учун етарли асос бўлди. Буни тўғри тушунган олим фақат диссертацияни ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмади, балки бу муҳим масалани атрофлича кузатиш ва ўрганиш ишларини янада давом эттирди. Натижада унинг 1970 йили «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» асари чоп этилди. Бу асарида ижодий метод типологик тадқиқ этилди. Форс-тожик, ўзбек ва озарбайжон адабиётлари, феодал давридаги европа халқлари адабиётлари билан муқояса қилинган ҳолда текширилди. Метод масалаларини текшириш, унинг тарихий асосларини белгилаш жараёнида Низомий Ганжавий, Умар Хайём, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби улуг шоир ва адиблар ижодининг ўз даври билан, ўша даврдаги илғор дунёқараш ва ада-

бий услублар билан чамбарчас боғлангани, улар яратган асарларнинг бутун жаҳон аҳамияти очиб берилди. Шу билан бирга ижодий метод, шарқ халқлари шеърлятида романтик тасвир масалалари, романтик тасвирнинг тарихий ва гоъвий асослари, Шарқ шеърлятидаги романтик бадиийлик ва бошқа бир қанча муҳим масалалар юзасидан мубоҳасали фикрлар ўртага ташланди. Қисқаси, бу асар назарий планда ёзилган улкан ишлардан бири бўлиб қолди.

Булардан ташқари, олимнинг ҳар хил характердаги мақолалари республикамизнинг газета ва журналларида мунтазам босилиб турди.

«Адабий меросни ўрганишда В. И. Ленин таълимоти» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, № 2), «Ўзбек классик адабиётининг ҳаётбахш анъаналари» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, № 3, 4, 5), «Адабий меросга ленинча муносабат» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1972, № 6), «Алишер Навоий Хожа Ҳофиз Шерозий ҳақида» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1971, № 5), «Адабиётимиз тарихининг ўз изоҳлари» («Шарқ юлдузи», 1971, № 12), «Тахминий талқинлар» («Гулистон» 1972, № 6), «Алишер Навоий ҳақида янги маълумотлар» («Шарқ юлдузи», 1972, № 9), Филология фанлари доктори, академик Ҳамид Мамед Тағи ўғли Араслининг ижоди ва фаолияти ҳақида ёзилган «Ҳамид Арасли» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, № 2), Воҳид Зоҳидовнинг ижоди ва фаолияти ҳақида ёзилган «Воҳид Зоҳидов» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1966, № 3) ва кўпгина мақолалари шулар жумласидандир.

Олим тадқиқот объекти доираси гоъят кенг ва рангбаранг. У Машраб, Мунис, Турди, Ҳозик, Собир Термизий, Муқимий, Фурқат, Ойбек, Собир Абдулла, М. Бобоев, Ҳ. Фулом, Ҳ. Пўлат ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида ҳам кўплаб мақолалар ва тақризлар ёзди. «Аруз ҳақида», «Алишер Навоий ва Ҳасан Деҳлавий», «Бегона сатрлар», «Инсонни улуғлаб»,

«Юксак фазилатлар соҳиби», «Алпомиш» — халқимизнинг ўлмас қаҳрамонлик достони», «Қадим турк шеърятти ҳақида» каби қатор мақолалари чоп этилди.

Олимнинг ўзбек классик шоири Бобораҳим Машрабнинг ижоди ва фаолиятига бағишлаб яратган «Бобораҳим Машраб» (1958 йил) мақоласи ҳозирга қадар ўз қимматини сақлаб келмоқда. Олим бу мақоласида Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарларидаги гоёвийлик, бадийлик, чуқур мазмун ва гўзал форма, ғазал жанрининг ривожланишидаги Машрабнинг роли ва бошқа бир қанча масалаларни ёритишга интилган.

А. Ҳайитметов «Ўзбек совет адабиёти очерклари», «История узбекской литературы» номли ишларни тайёрлашда ва ёзишда фаол иштирок этгани, адабиётшунослик соҳасидаги хизматлари учун 1970 йили Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати бўлди. Кўп томлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясини, уч томлик «Ўзбек шеърятти антологияси»ни тузишда ҳам иштирок этди. Беш томдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи. Қадимги даврлардан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача» (1978—1979) номли капитал ишнинг авторларидан бири. Ундаги «Кириш» қисми (1 том); «Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли», «Хамса», «Ҳайратул-аброр», «Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга шеърый мактуби», «Тарихи мулки Ажам» қисмлари (2 том) олим қаламига мансуб.

А. Ҳайитметов матншунос сифатида ҳам қатор ишларни амалга оширгани ҳолда Алишер Навоий, Машраб, Турди Фароғий асарларини ҳозирги замон ўқувчисига етказишга ўз ҳиссасини қўшди, талай китобларга муҳаррирлик қилди.

Маълумки, у ўз адабий фаолиятини шеър ва ҳикоя ёзишдан бошлаган эди. Бу кейинги вақтда форс тилидан баъзи асарларни ўзбек тилига таржима қилишда қўл келди. Булар орасида Навоийнинг «Тухфатул афкор»

қасидасини шеърый таржимаси алоҳида диққатга сазовардир. («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966, 15 июль.)

Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор, навойишунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг кўплаб мақола, монография, рисола ва илмий асарлари билан ўзбек совет адабиётининг, қолаверса, совет адабиётининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг қатор илмий асарлари айни кунларда кўпчилик китобхонлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар томонидан севилиб ўқилмоқда ва ўрганилмоқда...

Олим Бутуниттифоқ ва Халқаро илмий конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб, энг актуал проблемаларда докладлар қилиб келяпти. Бу ўринда 1975 йили Боку шаҳрида бўлган «Совет Шарқ халқлари адабиётларида реализм проблемалари» хусусида Бутуниттифоқ илмий конференцияда 1975 йили Олмаотада Фаробий туғилган кунининг 1100 йиллигини нишонлашга бағишланган халқаро илмий анжуманда фаол иштирок этганини эслашнинг ўзи кифоя.

Эллик ёшга тўлиши муносабати билан А. Ҳайитметов «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвонга сазовор бўлди ва бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Заҳматкаш олимнинг шогирдлари ва китобхонлари кўп. Бу олим учун ҳам катта бахт.

## АДАБИИ ТАНҚИДЧИЛИК



ҲАФИЗ АБДУСАМАТОВ

Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари сафи ёш кучлар ҳисобига кенгайди ва бойиди. В. Зоҳидов, И. Султонов, Ҳ. Зарипов, Ҳ. Еқубов, В. Абдуллаев, Ғ. Қаримов ва бошқа таниқли адабиётшунослар қаторига С. Азимов, Ҳ. Абдусаматов, М. Юнусов, С. Қосимов, А. Олимжонов, Х. Убайдуллаев, Н. Маллаев, Т. Собиров ва бошқалар келиб қўшилди. Ўзбек совет адабиётшунослари ва танқидчиларининг навбатдаги учинчи авлоди худди шу тарзда адабиёт майдонига кириб келди ва вояга ета борди. Агар ҳар бир авлоднинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига олиб келган янги, кучли тўлқинини, уни янги босқичга кўтариш борасида хизматларини яхши тасаввур қиладиган бўлсак, уларнинг муштарак ва фарқли томонлари ҳам яққол намоён бўлади.

Мен бу ўринда уларнинг муштарак томонлари хусу-

сида эмас, балки фарқли томонлари ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимни фақат таъкидлаб ўтмоқчиман. Учинчи авлоднинг улкан хизматларидан бири — ўзбек совет адабиётини, унинг атоқли вакиллари ижодини, замонавий адабиётнинг қатор йирик масалаларини атрофлича кенг текшириш ва тадқиқ қилишдан иборатдир. Тўғри, 30- йиллар ўзбек адабиётшунослигида Ҳамза, С. Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоир ва адиблар ҳақида муайян тадқиқот характеридаги ишлар қилинган эди. Бу борадаги ишлар 50- йилларга келиб янги босқичга кўтарилди. Бу, айни вақтда, бутун ўзбек совет адабиётшунослигининг янги босқичга кўтарилиши эди. Ўзбек адабиётшунослигининг бу босқичи, биринчи навбатда, ўзбек совет адабиётини, унинг йирик вакиллари ижодини, социалистик реализмнинг ўзак проблемаларини атрофлича кенг ва истиқбол планда ўрганишнинг аввалги даврларга нисбатан беқийс даражада кенгайиб ва чуқурлашиб бориши билан характерланади. Худди шу даврдан бошлаб ўзбек совет адабиёти, унинг муҳим масалалари, айниқса, атоқли вакиллари ҳаёти ва ижоди бўйича илмий ишлар қилиш катта йўлга чиқиб олди. 1943 йили санъаткор-олимлар Садриддин Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон асосан ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ва текшириш борасидаги улкан хизматлари учун республика Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир-аъзолари қилиб сайланган эдилар. Филолог олим О. Шарафутдинов ҳам бу борадаги катта ишлари учун мухбир-аъзо қилиб сайланди. Булардан ташқари В. Зоҳидов, И. Султонов, В. Абдуллаев, Ғ. Каримов ва бошқа таниқли адабиётшунос олимлар ҳам асосан адабиёт тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борар эди. Демак, Улуғ Ватан урушидан кейинги даврлардан бошлаб ўзбек совет адабиёти бўйича илмий-тадқиқот характеридаги ишлар олиб бориш кенг йўлга туша бошлади, яъни уларнинг натижаси сифатида бу борада қатор диссертациялар вужудга кела

бошлади. Учинчи авлоднинг улкан хизмати ҳам худди ана шунда! Уларнинг деярли кўпчилиги учун характерли хусусият — бу ўзбек совет адабиёти бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши ва демакки, бу асосда ўзбек совет адабиётшунослигини замон талаби билан янги босқичга кўтариш бўлди.

Яна бир характерли хусусият — бу ўзбек совет адабиёти, унинг атоқли вакиллари ижодини рус совет адабиёти ва атоқли намояндалари ижодий таъсири билан кенг, боғлиқ ҳолда текширишнинг кучайишида яққол кўзга ташланди. Навбатдаги муҳим хусусият — бу даврга келиб ўзбек танқидчилигининг янги босқичга кўтарилиши асосан ёш кучлар фаол интилиши туфайли бўлгандир. Таъбир жонз бўлса, Улуғ Ватан урушидан кейин адабиёт майдонида янги тўлқин бўлиб кириб келган янги кучлар (тарихан қараганда учинчи авлод) бу давр адабий танқидчилигида ҳукмронлик мавқени забт этди. Қисқаси, учинчи авлод зиммасига тушган бадний «огирлик» марказлари жуда кўп бўлди ва уларни бажариш жараёнида бундай характерли қатор хусусиятлар таркиб топиб борди. Тўғри, учинчи авлодни ташкил этган кучларнинг ҳам ижодий фаолияти хилма-хил кечган, олиб борган илмий-тадқиқот характеридаги, танқидчилик борасидаги ишлари савияси ҳам турлича бўлган. «Огирлик маркази»ни кўтариб бориш — Ш. Рашидов, С. Азимов, С. Қосимов, А. Олимжонов, Т. Собиров қаторида Ҳафиз Абдусаматов зиммасига ҳам тушди. Учинчи авлод орасида то ҳозирга қадар адабиётшунослик ва танқидчиликда фаол ижод қилиб, ўз тенгдошларининг энг олдинги сафларида бораётганлардан бири — бу Ҳафиз Шоаҳмедович Абдусаматовдир.

Юқорида махсус таъкидлаганимдек, учинчи авлоднинг айрим вакиллари тез орада ўзларидан аввалги авлод вакиллари қаторидан муносиб ўрин олди. Ҳатто, иккинчи авлод вакилларининг кўпчилигидан ўтиб кетди. Бундай сиймолардан бири Ҳ. Абдусаматов эканлигига

шак-шубҳа йўқ. Демак, қуёшдек қораймас, олтиндек зангламас ҳақиқатлардан бири — муайян соҳага кимнинг қачон кириб келиши эмас, балки бу тарихий тараққиётга кимнинг қанчалик ҳисса қўшгани қимматли бўлган. Иккинчиси, ўзбек адабиётшунослигини ва унинг муайян бир катта босқичини улкан сиймоларнинг ишларисиз тўла тасаввур этиш мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Ахир, 50- йиллардан то ҳозирга қадар ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги эришган улкан ютуқларни М. Қўшжонов ва Ҳафиз Абдусаматовнинг ишларисиз тасаввур қилиб бўлмайди! Олимнинг камолот иқболи ҳам ана шунда!

У 1925 йили туғилди ва кейинчалик совет мактабларида ўқиб тарбияланди. Адабиётга эса болалигидан меҳр қўйди, қизиқди. Урта мактабни битиргач, Урта Осие Давлат университетининг филология факультетига кириб ўқиди. Таниқли олимлардан сабоқ олди. Ўзбек ва рус классиклари, совет адабиётининг атоқли намойندалари асарларини севиб ўқиди ва бадиий ижоднинг муҳим проблемаларига қизиқиш ортиб борди. Университетни 1946 йили муваффақиятли тамомлаб чиқди ва 1947 йили КПСС сафига ўтди. У 1948-1952 йиллар орасида Урта Осие Давлат университетининг аспирантурасида таҳсил олди. 1952 йили Москвада «Улуғ Ватан Уруши даври драматургияси» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзбек тадқиқотчиси бу ишида асосан К. Симонов, А. Корнейчук, Л. Леоновнинг драматик асарларини кенг таҳлил этди.

1952 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифатида фаол иш олиб борди. 1953-1955 йиллар мобайнида шу институт директорининг ўринбосари бўлиб ишлади. Кейинчалик эса институтдаги секторлардан бирига (1958-1960) раҳбарлик қилди.

1960—1963 йиллар орасида Ҳ. Абдусаматов Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитети пропа-



ганда ва агитация бўлимининг сектор мудирининг (1960—1962), фан ва маданият бўлими мудирининг ўринбосари (1962-1963) сифатида фаол хизмат қилди. У 1964—1966 йилларда Ўзбекистон ССР Маданият ми-нистрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

Ҳ. Абдусаматовнинг ижодий фаолиятида ўзбек совет адабиётининг атоқли вакиллари бўлган Абдулла Қаҳ-ҳор билан Комил Яшин ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг планда тадқиқ этиб бориш катта ўрин тутди. У ўзбек совет адабиётшунослигининг таркибий қисмлари бўлган қаҳҳоршунослик ва яшиншуносликларга асос солган йирик тадқиқотчилардан ҳисобланади. Айни чоқда ўзбек совет драматургияси соҳасида етук танқидчилардан бири. У ўзбек драматургиясида илк бор конфликт проб-лемасини ва бутун ўзбек совет адабиётида сатира маса-лаларини кенг илмий планда тадқиқ қилган йирик олим-дир. Шуларнинг ўзиёқ олимнинг ижодий ишлари хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Узоқ ижодий изланишлар натижасида тадқиқотчи-нинг «Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет дра-матургиясида конфликт масаласига доир» (1954) номли биринчи йирик асари вужудга келди ва босилиб чиқди. Бу муайян даврда яратилган илмий-назарий характер-даги жиддий ишлардан бири ҳисобланади. Унда муал-лиф А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», К. Яшиннинг «Гене-рал Раҳимов», Н. Сафаровнинг «Шарқ тонги», Уйғун-нинг « Навбаҳор», Туйғуннинг «Муҳаббат» асарларини совет адабиётшунослигида эришилган ютуқлар асосида анча кенг таҳлил қилди. Тадқиқотчи А. Қаҳҳор ва Уй-ғуннинг қатор драматик асарларида эришилган ютуқ-ларни бу давр ўзбек адабиётида қўлга киритилаётган муҳим воқеалар ва муваффақиятлар билан боғлади. Ўзбек драматурглари социалистик воқеликни ва замо-намиз қаҳрамонлари образларини яратишда қардош адабиётлар, биринчи навбатда, рус совет ва классик адабиётининг энг яхши асарлари таъсирини сезаётган-

ликларини, атоқли рус ёзувчиларининг маҳоратидан ўрганаётганликларини характерли мисолларда кўрсатади. Тадқиқотчи конфликт фақат драматургия жанридагина эмас, айна вақтда, бутун адабиёт ривождаги ғоят муҳим ўрин тутишини асарлар таҳлили орқали махсус таъкидлади. Юксак ғоявий-бадиий асарлар яратишнинг зарур ва табиий шартларидан бири сифатида бу проблемани ўзбек драматургияси мисолида кенг ёрилади.

1957 йили «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида» номли асари босилиб чиқди. Бу даврда Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақида яхлит тасаввур берувчи алоҳида китоблар майдонга келган эди. Атоқли ёзувчи А. Қаҳҳор ҳақидаги китоби ҳам шундай китоблардан бири бўлди. Бу йилларда Ҳ. Ёқубов Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳ. Абдусаматов эса А. Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида фаол иш олиб бордилар. Олимнинг «Атоқли ўзбек совет ёзувчиси» («Ўзбекистон маданияти», 7 сентябрь, 1957), «Моҳир новеллист» («Шарқ юлдузи», 1957, № 9), «Абдулла Қаҳҳорнинг танланган асарлари ҳақида» («Қизил Ўзбекистон», 1 февраль 1958), «Сароб» романининг иккинчи нашри («Шарқ юлдузи», 1958, № 4), «Сўз санъаткори» («Тошкент ҳақиқати», 11 октябрь, 1957 йил) номли қатор мақолалари босилиб чиқди. Ҳ. Абдусаматовнинг бу борадаги муттасил ижодий изланишларининг самараси сифатида 1960 йили «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк» номли йирик монографияси чоп этилди.

Ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бири бўлган А. Қаҳҳорнинг сермазмун ва серқирра ижоди, унинг умумсовет адабиётининг тараққиёти тарихида, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимиз тарихидаги ўрни тадқиқотчи томонидан кенг ва ишончли кўрсатиб берилди. 1950-1960 йиллардагина эмас, айна чоғда, 1960-1970 йилларда ҳам Ҳ. Абдусаматов ижодий фаолиятида атоқли ўзбек совет ёзувчиси ва драматурги

А. Қаҳҳор асарларини ҳар хил аспектда текшириш марказий ўринлардан бирини ташкил қилди.

Ҳ. Абдусаматов ижодий фаолиятида марказий ўрин олган йирик санъаткорлардан яна бири — бу атоқли драматург Комил Яшиндир. 1964 йили олимнинг М. Самадов билан ҳамкорликда «Яшин» номли йирик монографияси босилиб чиқди. Комил Яшин драматургияси билан қизиқиш унда 50-йилларнинг бошларидаёқ бошланган эди. «Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир» номли биринчи китобида атоқли драматургнинг бир қанча асарлари муайян проблема нуқтаи назаридан анча кенг таҳлил қилинган эди. Шундан кейинги даврда Комил Яшин яратган барча асарлар ҳақида унинг тақриз ва мақолалари мунтазам равишда босилиб борди. Бу ўринда Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» асари ҳақида» («Тошкент ҳақиқати», 19 ноябрь, 1957), «Равшан» достони асосида вужудга келган «Равшан ва Зулҳумор» («Қизил Ўзбекистон», 21 июнь 1957), «Холисхон»нинг саҳна варианты ҳақида «Коллективнинг ижодий ютуғи» («Совет Ўзбекистони маданияти», 25 июль, 1956) номли тақриزلарини эслашнинг ўзи кифоя. Қисқаси, 50-йиллардан бери атоқли драматург К. Яшин ҳаёти ва ижоди ҳақида олиб бораётган ишларини 60-йилларнинг бошларида янада фаоллаштирди. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (1962) номли китобнинг Яшин ҳақидаги боби ҳам, «Яшиннинг ижодий йўли» (шу номли мақолалар тўплами, Т., 1963) деган мақоланинг ҳам муаллифи Ҳ. Абдусаматов билан М. Самадовдир. Булардан ташқари рус тилида «Звезда Востока» журналининг бир неча сонларида (1962, № 2, 7, 11) туркум мақолалари босилиб чиқди.

Тинимсиз ижодий изланишлар ва чинакам фидойилик билан қилинган ишлар натижаси сифатида 1964 йили бу атоқли санъаткор Яшиннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи бор катта монография вужудга келди.

Таъбир жоиз бўлса, яшиншуносликнинг вужудга келиши ва бу соҳада эришган ютуқларнинг янги босқичи сифатида йирик монографиянинг яратилиши — бу, айни чоқда, ўзбек адабиётшунослигининг ҳам жиддий муваффақияти бўлди. Менинг фикримча, яшиншуносликнинг вужудга келиши ҳам, бу борада эришилган ҳар бир улкан ютуқ ҳам, биринчи навбатда бутун ўзбек совет драматургиясини текширишдаги катта муваффақиятлар сирасига, қолаверса, бутун ўзбек адабиётшунослигида муҳим воқеалар сирасига мансуб бўлади. Чунки, ўзбек совет адабиётини Яшинсиз тўла тасаввур қилиб бўлмас экан, демакки, унинг ижодини текшириш соҳасида эришилган улкан ютуқсиз ўзбек адабиётшунослигини ҳам тўла ва ёрқин тасаввур қилиш қийин. Ҳ. Абдусаматов билан М. Самадовларнинг Комил Яшин ҳақидаги иши 1967 йили Москвада босилиб чиққан «История узбекской советской литературы» номли йирик китобдан ҳам муносиб ўрин олди.

Ҳ. Абдусаматов танқидчи сифатида ўзбек совет адабиётининг атоқли ва таниқли намоёндалари ҳаёти ва ижодини, яратган асарларини муттасил кузатиб борди ва натижада унинг Ҳамид Олимжон ҳақида «Атоқли ўзбек совет шоири» («Тошкент ҳақиқати», 3 июль 1954), «Уйғун — драматург» («Совет Ўзбекистони маданияти», 9 май 1956), Назир Сафаров тўғрисида «Ижодий муваффақиятлар сари» («Шарқ юлдузи», 1956, № 12), Одил Ёқубов асари хусусида «Юрак ёнмоғи керак» («Қизил Ўзбекистон», 23 декабрь, 1958), Баҳром Раҳмоновга бағишланган «Таниқли драматург» (1962), «Ғафур Ғулوم сатирасида характер проблемаси» («Шарқ юлдузи», 1967, № 12) ва бошқа кўпгина мақолалари босилиб чиқди.

Ҳ. Абдусаматовнинг бутун ижодий фаолиятида ўзбек совет драматургиясини, тараққиёт йўлларини, муҳим проблемаларини текшириш бош масала бўлиб келяпти. Унинг биринчи йирик китоби ҳам худди шу масалага

бағишланган эди. Шундан кейин бу соҳадаги ижодий ишларини фаол давом эттириб борди. А. Қаҳҳор ва К. Яшин ижоди ҳақидаги ишларида ҳам, Уйғун ва Н. Сафаров тўғрисида ёзган мақолаларида ҳам бу масалага принципиал аҳамият бериб келди. Булардан ташқари, унинг «Бой ила хизматчи» пьесаси 500 марта қўйилди» («Шарқ юлдузи», 1956, № 2), «Драматик жон ҳақида» («Совет мактаби», 1962, № 9), «Драматургияда ҳаётни ҳақиқий акс эттириш масаласига доир» («Тошкент ҳақиқати», 6 июль 1956), «Муваффақиятсиз чиққан асар» («Қизил Ўзбекистон», 31 март, 1956), рус тилида «Узбекская советская драматургия» (М., 1958) номли қатор мақолаларида ҳам драматургиянинг у ёки бу масаласи кўтарилди. Худди шу тарзда олим драматургиянинг жиддий назарий масалалари билан фаол қизиқиб борди. Қисқаси, Ҳафиз Абдусаматов ўзбек совет драматургиясининг йирик тадқиқотчиларидан бири сифатида республика миқёсидагина эмас, айни чоғда, иттифоқ миқёсида ҳам танилди ва таниқли олимларимиздан бирига айланди.

У икки томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» (1961—1962), уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1968—1972) номли йирик китобларнинг юзага келишида авторлардан бири сифатида иштирок этди. У биринчи китобининг «Урушдан сўнгги тинч қурилиш йилларида ўзбек адабиёти (1945—1957)» номли бобнинг муаллифларидан биридир. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»даги «XX съезддан кейинги давр ўзбек адабиёти» номли бобнинг «Кириш» қисми Ҳ. Абдусаматов қаламига мансуб.

Олим ўзининг бутун ижодий фаолиятида ўзбек совет адабиёти ва унинг атоқли вакиллари ижодини текширганда ҳам, ўзбек драматургиясининг йирик тадқиқотчиси сифатида намоён бўлганда ҳам сатира проблемасига жиддий аҳамият бериб келди. Ўзбек совет адабиёти материаллари асосида бу проблемани махсус текшириш ва илмий ишлар олиб боришга эса асосан 50-йилларнинг

иккинчи ярмида жиддий киришди. Натижада унинг 1960 йилдан бошлаб ўзбек ва рус тилларида илмий тадқиқот характеридаги қатор мақолалари эълон қилинди. Бу ўринда 1960 йили «Шарқ юлдузи»даги «Ўзбек совет сатирасининг баъзи бир проблемаларига доир (№ 3—4), 1961 йили эса «Звезда Востока»да босилган «О некоторых вопросах узбекской советской сатиры» (№ 5) номли мақолаларини эслашнинг ўзи кифоя. 1960 йили тадқиқотчининг «Ўзбек совет сатирасининг баъзи масалалари» номли китоби чоп этилди. Бу ўзбек совет адабиётида сатира проблемасига бағишланган йирик китоблардан биринчиси бўлди. Тадқиқотчи Ҳамза, С. Айний, А. Қодирӣ, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорнинг сатирик асарларини кенг планда тадқиқ қилади. Эллик йиллик ўзбек совет адабиётидаги сатирик асарларни текширар экан, Ҳ. Абдусаматов қатор марказий масалаларга, яъни сатирада типиклик, сатирик образ яратиш, кулги—сатира қуроли сифатида, сатирада ижобийлик каби қатор масалаларга махсус эътибор берди. Бу жиҳатдан муаллифнинг «Ўзбек совет сатираси масалалари» (1968) номли йирик китоби характерли. 1968 йили Ҳ. Абдусаматов «Ўзбек совет адабиётида сатира» мавзуида докторлик диссертациясини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимларининг бирлашган илмий Советида муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу ишга академик В. Зоҳидов, профессорлардан Ғ. Қаримов, Л. Қаюмов, Ҳ. Ёқубов ва бошқа атоқли олимлар юксак баҳо бердилар. Филология фанлари доктори Ҳ. Абдусаматов ҳамон ўз тенгдошларининг олдинги сафида бормоқда. У фаол ва жасорат билан ижод қилмоқда. Бу ўринда кўплаб фактлардан фақат иккитасини эслатиб ўтмоқчиман. Улардан бири — Уйғуннинг «Парвоз», иккинчиси — Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмасининг саҳнада қўйилишига боғлиқ. Айрим кишилар «Парвоз» ва унинг театр саҳнасида қўйилишига жиддий қаршилик кўрсатдилар. Шундай

қалтис бир вазиятда Ҳ. Абдусаматов асарни зўр шижоат билан ҳимоя қилиб чиқди ва томошабинга кўрсатиш зарур бўлган асарлигини исбот этди.

Маълумки, ўз даврида машҳур бўлган Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима» драмаси Туроб Тўла томонидан саҳнага янгидан олиб чиқилган эди. Бу ўринда илмий ва бадий ижоднинг фаний асоси бўлган тарихийлик принципига амал қилинмайди. Тарихийлик принципига зид равишда иш тутиш ва бу асарни «Ўта замонавий қилишга» интилишдан иборат сохта тенденцияга биринчи бўлиб Ҳ. Абдусаматов кескин қарши чиқди. Ҳар икки асар юзасидан ҳам унинг фикри ҳал қилувчи бўлди. Шуларнинг ўзидек Ҳ. Абдусаматов ижодий фаолиятининг характерли хусусиятини — чинакам жасорат, юксак ғоявийлик ва коммунистик партиявийлик руҳи билан суғорилганини рўйирост намоён қилди. Илмий ижодда буни камолот иқболи дейишади.

1974 йили олимнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» номли китоби босилиб чиқди. Совет адабиётшунослигида, шу жумладан, ўзбек адабиётшунослигида традиция ва новаторлик проблемасига, уларнинг ўзаро муносабати, ички алоқаларига бағишланган тадқиқот характеридаги ишлар анчагина. Традиция ва новаторлик сингари жиддий ижодий проблема ҳақидаги ишларнинг тобора кўпайиб бориши эса табиий, қонуний бир ҳол. Чунки, традиция ва новаторлик бадий ижодда ҳам, адабиётшуносликда ҳам абадий, яъни ҳамisha мангу ва навқирон масалалар сирасига мансуб. Шу боисдан ҳам бу проблемаларни замон талаби билан атрофлича кенг ва чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш совет адабиётшунослигининг ғоят актуал, муҳим вазифаларидан бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ҳ. Абдусаматовнинг бу китоби традиция ва новаторликнинг ўзаро ички алоқасини кенг планда ўрганиш, тадқиқ этиш нуқтаи назаридан ҳам, айни вақтда, бу проблемани янада конкрет ўрганиши, яъни улкан икки

ижодкор — Ҳамза ва Яшин асарлари мисолида таҳлил қилиши жиҳатидан ҳам айрича аҳамиятга молик.

Муаллиф бу китобда асосан улкан санъаткор Комил Яшин ижоди мисолида Ҳамза анъаналарининг барҳаётлиги, жилоланиши, камол топиши масалаларини атроф-лича кенг ва чуқур текширишга ҳаракат қилган.

Китобнинг биринчи қисмида Ҳамза традициясининг Яшин томонидан новаторлик билан давом эттирилгани ва ривожлантирилганлиги хилма-хил фактлар, ғоят характерли мисоллар, қатор асарларини қиёсий таҳлил қилишлар асосида ишонарли ва илмий тарзда ёритилган. Тўғри, 20- йилларнинг ўрталарида адабиёт майдонига кириб келган ёш ижодкор Комил Яшин учун биринчи устоз Ҳамза бўлган. Муаллиф содиқ шогирднинг ўз устози асарлари билан жуда эрта танишгани, илғор ғояларидан илҳомланиб борганлиги, улар ўртасидаги бир-бирларига бўлган самимий муносабатлар ҳақида эҳтирос билан тўлқинланиб ҳикоя қилади ва қизиқарли фактларни келтиради. Ҳамзанинг «Узилган чечаклар»и билан Яшиннинг «Ичкари чечаклари» шеърларидаги ғоявий ҳамоҳангликка алоҳида урғу берилади. Яшиннинг «Саранг» (кейинги номи «Тенг-тенги билан») номи биринчи драматик асари Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси» таъсирида ёзилгани, «Қуёш» инсценировкаси «Жаҳон сармойасининг охири кунлари» таъсирида пайдо бўлганлиги мисоллар, таҳлиллар асосида очиб берилди. К. Яшин ўзининг «Тор-мор» пьесасини ёзишда «Ҳамза асарларидан ғоятда илҳомландим» деган эди. Ҳ. Абдусаматов «Тор-мор» билан «Лошмон фожиаси»ни солиштириш орқали Яшиннинг қандай даражада илҳомланганини, таъсирланганлигини аниқлашга ҳаракат қилади, муҳим хулосалар чиқаради.

Ҳамза хотин-қизлар озодлиги мавзусини ҳам кенг кўламда ёритган улкан санъаткор эди. Ҳамзадан бошланган бу традицияни изчил новаторлик билан давом эттирган ўзбек совет ёзувчилари ва драматурглари ора-



сида К. Яшин алоҳида ажралиб туради. Яшин хотин-қизлар озодлиги учун олиб борилган курашда Ҳамзага энг яқин издош ва сафдош бўлиб, у ўз устози каби бу масалани чуқур ва ҳар томонлама, бутун мураккаблигини кўтариб чиқди. Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини ишонarli исботлаш учун Ҳамзанинг «Хотин-қизлар» овози билан Яшиннинг «Қўшни хотинга» каби шеърларини, «Бўрон»даги Жўра билан Норгул монологларини, «Тор-мор»даги Арслон ва Дилбар, «Гулсара»даги Қодиржон ва Гулсара, «Нурхон»даги Ҳайдар ва Нурхон, «Офтобхон»даги Темиржон ва Офтобхон каби қатор образлар талқинига айримча эътибор беради. Айни вақтда, тадқиқотчи К. Яшиннинг ўзбек драматургиясини янги мавзу ва янги инсоний типлар, характерлар билан бойитганлигини катта меҳр ва кучли самимият билан кўрсатади. Традициянинг ҳамиша замон талаби билан янгиланишини атрофлича кенг ва чуқур таҳлил қилиш (К. Яшиннинг асарлари мисолида) китобнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Ҳамза ва Яшинда ҳамоҳанг мавзулардан бўлган хотин-қизларнинг паранжи ташлашлари, бу борадаги курашлар ҳақида фикр юритар экан, автор Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига», «Озод хотин-қизлар қўшиғи» ва Яшиннинг «Очил, қизча!», «Қўшни хотинга» шеърларини таҳлил қилади, улардаги яқинликни кўрсатади. Бу ҳол драматик асарлар таҳлили орқали ҳам кўрсатиб борилади.

Ҳ. Абдусаматов ўз китобида Ҳамза ўзбек санъатининг ёруғ, сўнмас юлдузи Турсунони Ҳалима (Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима» пьесасида), Қумри (Чўлпоннинг «Ёрқиной»), Ширин (А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин») ҳамда Мария Антоновна (Н. Гоголнинг «Ревизор»), Турондот (К. Гоццининг «Маликаи Турондот») ролларида кўрганлиги фактини келтиради ва бу ўринда ҳам К. Яшин берган маълумотларга суянади. Шу боисдан ҳам Ҳамза Турсуноё хотираси ҳақидаги шеърини,

К. Яшин сўзи билан ифода этганда кучли дард, чуқур алам билан ёзган. Худди шу тарзда К. Яшиннинг Нурхон образини яратишга туртки бўлган қатор ҳаётий манбалар келтирилади. Турсуной ва Нурхон тимсолида ўзбек хотин-қизларининг янги ҳаётга интилишини акс эттиришдаги икки улкан санъаткорлар ижодининг муштарак ва фарқли томонлари кўрсатилади.

Ҳамза традицияларини ижодий ўзлаштириш замонавийлик ва новаторлик билан, адабиёт ривожининг янги-янги хусусиятлари, тенденциялари, ижодий методнинг янада кенгайиб ва чуқурлашиб бориши билан туташиб, узвий боғланиб кетади. Бу ҳол «Тор-мор», «Номус ва муҳаббат», «Офтобхон» асарлари мисолида кўрсатилади ва К. Яшинни новатор драматург сифатида характерлашда намоён бўлади. Муаллиф тўғри таъкидлагандек, Ҳамза билан К. Яшин драматургиясида ижобий қаҳрамонлар образининг яратиш принципларида муайян яқинлик, муштаракликлар мавжуд. Тадқиқотчи масаланинг ана шу томонига алоҳида эътибор беради ва иккала санъаткор яратган қатор образларни қиёслаш асосида ўз фикр-мулоҳазаларини исботлашга фаол интилади.

Китобнинг биринчи қисмида «Доҳий образи — ижод чўққиси» номли боб ҳам худди шу принцип асосида таркиб топган ва ўз устозига содиқ бўлган К. Яшиннинг ўзбек адабиётида, шу жумладан ўзбек совет драматургиясида Ленин образини яратишда юксак чўққига кўтарилгани хилма-хил мисоллар ва таҳлиллар асосида ёрқин кўрсатилган. Бу ўринда ҳам тадқиқотчи «Буюклар буюги»ни саҳнага олиб чиқишдаги қатор қийинчилик ва мураккабликлар хусусида ишонарли тарзда фикр-мулоҳазалар баён қилади ва рус ҳамда ўзбек санъаткорларининг бу борадаги ижодий изланишларига назар ташлайди, ниҳоят атоқли драматургнинг «Йўлчи юлдузи»да Ленин образини яратишдаги ижодий принциплари кенг очилади. Айни вақтда, олим Яшиннинг «Инқилоб тонги» асари хусусида фикр юритар экан, бу

песа бой ижодий тажриба соҳиби бўлган атоқли драматургнинг улуг дохий ҳақида ўйлаб юрган трилогиясининг иккинчи қисми сифатида вужудга келганига махсус эътибор беради. Дарҳақиқат, «Йўлчи юлдуз» сингари «Инқилоб тонги» асарида ҳам дохий Лениннинг Туркистон меҳнаткашларига чексиз ғамхўрлиги, ғоят оғир вазиятда инқилоб чавандозларига раҳнамолиги драманинг имкониятлари асосида, ўзига хос хилма-хил воситалари орқали ёрқин намоён бўлади.

«Традиция ва новаторлик проблемаси» китобининг «Ўтмиш ва салбий тип ифодаси», «Опера санъатини яратиш йўлида» номли бобчаларида ҳам Ҳамза анъаналарининг Қ. Яшин ижодида камол топиши масаласига янада кенг эътибор берилади. «Лошмон фожиаси» билан «Бўрон», «Сайлов олдида» билан «Ҳамза», «Бой ила хизматчи» билан «Йўлчи юлдуз» ва бошқа қатор асарлардаги салбий типлар ва тарихий ўтмишни акс эттиришда Ҳамза бошлаб берган ижодий йўлни Яшиннинг қандай давом эттиргани ва оригиналликка, новаторликка эришгани хусусида қизиқарли фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Китобнинг «Устод шоғирд талқинида» номли иккинчи қисми «Ўзбек совет ёзувчилари ичида Ҳамзадан энг кўп таълим олган, ўрганган ким? — деб сўрашса, мен биринчи навбатда, Яшиннинг номини тилга олардим. Агарда мендан Ҳамза асарларини тиклашда ва уни оммалаштиришда энг кўп хизмат қилган ким? — деб сўрашса, фахр билан яна Яшин дердим... Шоғирд устозининг новаторлик соҳасидаги традицияларининг ҳомийси ва ривожлантирувчиси бўлибгина қолмай, айти чоғда, Ҳамза фаолияти ва меросининг жўшқин тарғиботчиси ҳамдир. Адабиётчилар ичида ҳали ҳеч ким Яшиндай халқ орасига Ҳамзани кенг олиб кирмаган, ижодининг турли қирраларини, жанговар ҳаётининг ранг-баранг томонларини очиб кўрсатмаган. Шоғирд ўзининг танқидчилик ва бадий ижодида энг олдин устозининг йирик

арбоб, улкан ёзувчи, моҳир санъаткор эканлигини намойиш қилди» деган жўшқин публицистик мулоҳазалар билан бошланади. 1939 йилдаёқ Яшин Ҳамзани «Ўзбек халқининг улуғ адиби» дея «илмий-ижодий мардликнинг намунаси»ни кўрсатган. Бу қисмининг «Ҳамза образи» номли бобчасида К. Яшиннинг «Нафрат» (устозининг фожиали ўлими муносабати билан ёзилган) шеъри, А. Умарий билан ҳамкорликда яратган «Ҳамза» драматини, шоир ҳақидаги сценарий ва фильм таҳлил қилинади ва инқилоб куйчиси Ҳамза образини яратишда эришилган ютуқларга алоҳида эътибор берилади. Китобнинг «Устод пьесаларини тиклаш масаласи» номли бобда эса Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирларидан бир лавҳа» («Холисхон»), «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» асарларини Яшин қандай қилиб тиклагани, бу борада қандай ишлар қилганлиги анча кенг ва батафсил ёритилган. Бу «Традиция ва новаторлик проблемаси» номли китобнинг энг қизиқарли ва жуда синчковлик билан битилган боблари сирасига мансуб. Тадқиқотчи бу ўринда ҳам хилма-хил тарихий фактларга, манбаларга, айни вақтда, улкан санъаткор Комил Яшиннинг олиб борган ишларига, айтган фикрларига, у билан қилган суҳбатларга таянган ҳолда иш кўради ва бу соҳада ҳам Яшиннинг беқиёс даражада катта жиддий ишлар қилганлигини кўрсатади. Китоб муаллифи СССР халқ артисти, машҳур кинорежиссёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Ерматовнинг «Комил Яшиннинг Ҳамза ижодини рўёбга чиқаришдаги улуғ хизматларини биламиз. Шу жасоратнинг ўзиёқ бир ижодкор умрини олади» деган сўзларини келтиргач, шундай ёзади: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам Яшин ўз умрида фақат Ҳамза драматургиясини «тирилтириш» ва ижодини тарғиб қилувчи мақола ва нутқлари билан чекланганда ҳам, адабиётимиз ва санъатимиз тарихида номи абадий қолган бўларди».

Таниқли адабиётшунос олим Ҳ. Абдусаматовнинг

«Традиция ва новаторлик проблемаси» асари ўзбек совет адабиётшунослигида Ҳамза анъаналарини Яшин ижодида жилоланиши, камол топишини кенг кўламда ёритиб берувчи жиддий ва муҳим тадқиқотдир.

1976 йили олимнинг «Эстетика ва ҳаёт» номли китоби чоп этилди. Тадқиқотчи бу асарида машҳур драматург Қомил Яшиннинг адабий-танқидий, эстетик қарашларини атрофлича кенг текширади ва санъаткорнинг илмий тафаккурни ривожлантиришда беқиёс катта хизматларини кўрсатиб беради. Қ. Яшиннинг 20-йилларнинг охирларида ва 30-йилларнинг бошларидаги мураккаб бир шароитда адабий танқидчи, санъатшунос, адабиётшунос сифатида шаклланиб боргани, адабий жараёнда фаол бўлган жуда кўп ва бой материаллар, хилма-хил асарларини таҳлил қилиш асосида тадқиқ этилади. Социалистик реализмнинг гоъвий-эстетик принциплари учун кураш олиб боргани ҳам, адабиёт тарихчиси сифатидаги илмий-ижодий фаолияти ҳам изчил ёритилади.


1978 йили олимнинг «Ҳаёт, адабиёт, театр» номли китоби чоп этилди. Мазкур китоб муаллифнинг турли йилларда ёзган мақола, адабий ўйлари ва тақризларидан таркиб топган.

1975 йили Республикамиз адабий жамоатчилиги бу заҳматкаш олимнинг 50 ёшлик юбилейини нишонлади. Худди шу йили у «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвонга сазовор бўлди. «Традиция ва новаторлик проблемаси» ва «Эстетика ва ҳаёт» асарлари учун 1977 йили Ҳ. Абдусаматовга Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди.

Ҳ. Абдусаматов Ўзбекистон Ёзувчилар союзи президиумининг аъзоси ва драма секторининг раиси сифатида фаол. Айни вақтда, у Ўзбекистон ССР Театр жамияти президиумининг, СССР «Советский писатель» нашриёти правленийсининг, СССР адабиёт энциклопедияси редколлегиясининг аъзосидир.

Бу заҳматкаш олимнинг раҳбарлигида кўплаб илмий ходимлар етишиб чиқди. У Турсуной Ҳамидова, Н. Раҳимов, М. Расулий, У. Шокиров, Х. Эгамов, Г. Муҳамедова каби адабиётшуносларнинг докторлик ва кандидатлик ишларига раҳбарлик ва оппонентлик қилди. Менинг докторлик ишимга ҳам оппонент бўлган. Мен устознинг ёшларга жуда меҳрибон, вақтини аямасдан фаол ёрдам беришини жуда эрта ҳис қилганман. Айрим ёш адабиётшунослар тажрибасизлиги туфайли ёки бошқа хил сабаблар билан баъзан оғир бир вазиятга тушиб қолади. Олим бундай пайтларда фаол ёрдам беради ва илмнинг катта йўлига жасорат билан олиб чиқади. Устоз ана шундай саховатли, мурувватли Инсон. Ижодий фаолиятининг айна пишиқчилик пайтида устоз жуда катта режалар билан яшамоқда. Ҳамиша илмий ишлар билан банд.

Илмий ижодда парвозлар, юксак чўққилар сари доимо давом этади. Чўққилардан чўққиларга!



**ГЕОРГИЙ ВЛАДИМИРОВ**

Ўзбекистон адабиётшунослари ва танқидчиларининг миллий состави жуда хилма-хил. Ўзбек олимлари билан бир сафда рус ва қардош халқ вакиллари ҳам миллий адабиётларнинг ривожланиши учун фаол ҳаракат қилиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улардан бири — адабиётшунос олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Георгий Петрович Владимировдир. Ўзбек совет адабиётининг бошқа қардош халқлар адабиётлари билан яқинлашуви кучайиб боришида, адабиётшунослик фани равнақида бу олимнинг жиддий ҳиссаси бор. У 1914 йили Сизрань (ҳозирги Қуйбишев области) уездининг Канадий қишлоғида, зиёли оиласида дунёга келди. Еш Георгий отаси изидан бориб, педагог бўлишга аҳд қилади. Урта мактабни тугатгач, 1935 йили Тошкент Давлат Педагогика институтига ўқишга киради. Уни 1939 йили муваффақиятли тугатгач, мазкур олий ўқув

юртида рус адабиёти кафедраси қошидаги аспирантурада таҳсил кўради. Ижодий изланувчанлиги ва фикрий доирасининг кенглиги билан у тезда эътибор қозонади. Сўнгра унинг педагоглик фаолияти бошланди. У педагоглик фаолиятини илмий-ижодий ишлари билан қўшиб олиб боришга фаол интилади. Серғайрат Георгийнинг ижодий изланишлари беҳудага кетмади, тез орада у «Дмитрий Фурмановнинг тарихий романи» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини ёқлашга (1943) муваффақ бўлди. Еш тадқиқотчи биринчи навбатда ёзувчининг «Чапаев» романи ва унда акс этган даврнинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича кенг таҳлил қилади. Рус совет адабиётининг сара асарларидан бири бўлган бу роман адиб ижодида тутган тарихий ўрнини белгилашга ҳаракат қилади ва Фурманов эришган ютуқларни кўрсатади. Еш олим диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгандан кейин ҳам адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотини изчил давом эттиради. Натижада унинг 1953 йили «Фурмановнинг ижодий йўли» номли китоби босилиб чиқди. Тўғри, атоқли рус ёзувчиси Д. А. Фурманов ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга у педагоглик маҳоратини ҳам тинмай ошириб, унинг сирларини эгаллашга фаол интилди. Шу боисдан ҳам 1945 йилдан бошлаб Урта Осиё Давлат университети рус адабиёти кафедрасининг мудирлиги бўлиб сайланди. Ниҳоят у совет адабиётининг бошланғич даврини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва қатор ижодий ишлар олиб бориш натижасида Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти илмий советида «Йигирманчи йиллар бошларида совет бадий прозаси ва Фурманов ижоди» деган темадаги докторлик диссертациясини (1955) ҳимоя қилди. Инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаги совет адабиётидаги турли оқимлар ва мураккаб шароитдаги Фурмановнинг фаолияти ва яратган асарларини, унинг адабий-танқидий мақолаларини кенг таҳлил қилиш билан Г. П. Владимиров совет ада-



биётшунослигига ижодий ҳисса қўшишга муяссар бўлди.

1956 йили унинг «Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида социалистик реализм учун кураш тарихидан» номли китоби чоп этилди. Уша пайтларда бу асар ҳар томонлама принципиал аҳамиятга молик эди. Чунки, кўпмиллатли совет адабиётида, шу жумладан, рус совет адабиёти материаллари асосида социалистик реализм проблемалари етарли ишланмаган эди.

Георгий Петрович адабий танқидчи сифатида Улуғ Ватан уруши йилларидаёқ матбуот саҳифаларида қатнаша бошлади. Унинг мақолалари газета-журналларда, илмий тўпламларда тез-тез босилиб турди. Эллигинчи йилларнинг ўрталарига келиб унинг танқидчилик ва тадқиқотчилик фаолияти янада кенгайди. 1940-1955 йилларда Г. П. Владимировнинг илмий фаолияти марказини Д. Фурманов ҳақида ишлари ташкил қилган бўлса, энди унинг марказини янада бир улкан санъаткор — Сергей Бородин бадий салоҳияти эгаллади. Бу борада олимнинг кўплаб мақолалари босилиб чиқди. 1959 йили «Ҳаёт ҳақиқати» номли йирик монографияда таниқли адиб Сергей Бородиннинг ҳаёти ва ижоди кенг миқёсда ёритиб берилди ва адиб асарлари кенг планда таҳлил қилинди. Ёзувчи ижодининг бош йўналиши, асарлари сюжетининг таркиб топиши, қаҳрамонларининг хилма-хиллиги ва ёрқинлиги кенг планда тадқиқ этилди.

Айни вақтда, Георгий Петрович ўзбек ва рус адабий алоқалари, ўзбек совет адабиётининг атоқли вакиллари ижоди ҳақида қатор мақолалари билан майдонга чиқди. Унинг юқори малакали мутахассислар етиштиришдаги ва совет адабиётини ривожлантириш, тарғиб қилишдаги катта хизматлари учун партия ва ҳукуматимиз 1960 йили бу олимга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонини берди. 1961 йили эса Георгий Петрович «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. 1963—1965 йилларда Г. П. Владимиров

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. 1968 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар «Звезда Востока» журнаliga бош муҳаррир бўлиб келяпти. У 1945 йилдан то ҳозирга қадар ТошДУ рус адабиёти кафедрасида узлуксиз мудирлик қилиб келяпти ва айни вақтда ўн йилга яқин филология факультетига декан бўлди. Сўнгра, у кафедрага раҳбарлик қилишни Ёзувчилар союзига котиблик қилиш ва журналга муҳаррир бўлиш билан қўшиб олиб борди. Георгий Петровичнинг ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги хизматлари ҳар тарафламадир. У бир томондан ўзбек ёзувчилари асарларининг Бутуниттифоқ совет китобхоналарига «Звезда Востока» журнали орқали кенг танилишига кўмаклашди. Иккинчи томондан, ўзбек адабиётининг пешқадам тарғиботчиси ва ташвиқотчиси дир.

Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари адабиётшунослари ва танқидчилари орасида Г. П. Владимиров ўзбек ёзувчилари ижодини ва асарларини фаол тарғиб этиши, айни вақтда атрофлича кенг таҳлил этиши билан шуҳрат топиб борди. Бу жиҳатдан унинг «Дўстлик байроғи» (1964) номли асари жиддий аҳамиятга эга бўлди. Йирик монографияда муаллиф ўзбек ёзувчиларининг асарларини кенг таҳлил қилади. Турли адабиётларнинг ўзаро алоқаси, ҳамкорлиги ва бир-бирларига таъсир қилиши кўпқиррали масала бўлиб келган. Олим ўз асарида ўзаро алоқанинг ва таъсирнинг ижодий характери ва қонуниятлари ҳақида кенг миқёсда фикр юритади. Айни чоқда, адабий ҳаракат, уларнинг ўзаро алоқаси ва ижодий таъсир этиши замон шитоби сингари энига ҳам, бўйига ҳам кенгайиб боришини ишонарли тарзда кўрсатади.

Халқлар дўстлигини қудратли дарёга қиёс қилиш мумкин. Унда ҳар хил халқ ва элатлар бирлашади. Яқинлашиш, таъсир қилиш шитоби кучайиб боради. Адабиётларда ҳам худди шундай. Бир-бирлари билан алоқаси кучайиб борган сари ижодий таъсирланиш ва

энг яхши намуналардан ибрат олиш ва таъсирланиш тобора кучайиб боради.

Г. П. Владимиров ўз китобларида миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирларига таъсири ҳамда ўзбек совет ёзувчилари — Ҳамза, Ойбек, Фафур Фулом, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон, Ш. Рашидов, К. Яшин, Уйғун, Зулфия, П. Қодиров, О. Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳ. Фулом ва бошқа кўпгина адиб ва шоирларимизнинг асарларини таҳлил қилар экан, биринчи навбатда, рус адабиётининг қудратли таъсирини ва қардошларча дўстлик асосларини кўрсатади. 1972 йили олимнинг «Буюк бирлик» китоби чоп этилди. Унинг бу китоби Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотиға (1973) сазовор бўлди. Георгий Петрович бу йирик асарига миллий адабиётларнинг тез суръатлар билан ривожланишида адабий алоқалар, буюк бирлик ва дўстлик қонуниятлари бениҳоя катта роль ўйнаётганиға айрича аҳамият беради.

Тўғри, ўтмиш адабиётларида ҳам адабий алоқалар бўлган. Лекин тарихан қисқа муддатда — олтмиш йил ичида кечган адабий алоқа, ҳамкорлик, ўзаро таъсир, буюк бирлик — шу асосда ҳар бир миллий адабиётнинг мисли кўринмаган даражада тез камол топиши, бу таъбир жоиз бўлса, XX аср бадий тараққиётидаги чинакам адабий мўъжизадир. Шу боисдан ҳам Г. П. Владимиров ўз китобларида бу масалаларға принципиал аҳамият бериб келади ва унинг олмос қирраларини баъзан конкрет таҳлил қилади.

Бутун башарият бадий тафаккури тараққиётиға А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, А. М. Горький, В. В. Маяковский, М. А. Шолохов, К. Федин, А. Толстой сингари генийларни берган рус адабиёти барча миллий адабиёт вакиллари каби ўзбек адабиёти намоёндалари учун ҳам ижодий мактаб бўлганини кенг кўламда тадқиқ этишда Г. П. Владимиров бу мураккаб жараённинг бошқа томонларини ҳам эътибор-

дан соқит қилмайди. Улардан бири — ҳар бир улкан санъаткорнинг ўзига хослиги, ижодининг индивидуаллиги масаласидир. Санъаткор ижодининг индивидуаллигини қудратли оқар дарёга қиёс қилиш мумкин. Дарёлар жуда кўп ирмоқлардан таркиб топгани сингари, санъаткор ижодий индивидуаллиги ҳам қатор омиллар асосида камол топади. Адабий таъсир эса уларнинг бири, холос. Улуғ танқидчи В. Г. Белинский бу ҳақда шундай деган эди: «Буюк шоирнинг бошқа шоирларга бўлган таъсири бу шоир поэзиясининг бошқа шоирлар поэзиясида акс этишидан иборат эмас, балки бошқа шоирларнинг ўз қувватини ишга солишдан иборатдир. Офтоб нури ҳам худди шундай — ер юзига тушганда, у ерга ўзидан қувват қўшмайди, балки ернинг ўзида бор қувватини ишга солади». Топиб айтилган доно гап! Георгий Петрович ўз ишларида масаланинг ана шу нозик жиҳатларига фавқулодда жиддий эътибор бериб боради. Биргина мисол. Олимнинг ўзбек ёзувчилари орасида жуда кўп тадқиқ қилган адибларидан бири — Шароф Рашидовдир. Таъбир жоиз бўлса, бу борада ҳозирга қадар Ўзбекистон адабиётшунослари орасида у билан «мусобақа» қиладиганлари кам. Чунки, Г. П. Владимировнинг ўнлаб мақолалари, қатор йирик ишларида Ш. Рашидовнинг ижодий йўли, ўзига хос индивидуал томонлари, турли жанрдаги асарлари кенг планда таҳлил қилинди. Шунинг учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, Георгий Петрович бу борада йирик тадқиқотчи бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу ишида тадқиқотчи ижодининг бутун жилолари ёрқин кўринди. Бу жилолар санъаткор ижодининг бош пафосини тўғри белгилашда, асарларининг ғоявий йўналиш ва бадий шаклини кучли ҳис қилишда, буларни публицистик жўшқинлик билан талқин этишда, ёзувчи шахсий лабораториясини ўрганишга интилишида, унинг оригиналлигини, замонавийлигини, новаторлигини, ўзига хослигини кўрсата билишида, ниҳоят, тили ва услубини текширишида рўйирист намоён бўлади.

Г. П. Владимиров илмий ижодида Ўзбекистондаги рус адаблари ва шоирларининг асарларини кенг планда тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. Сергей Бородин, М. Шевердин, А. Иванов, А. Удалов, Борис Пармузин ижоди атрофлича кенг тадқиқ этилади. Яна бир муҳим масала. Ўзбекистон мавзусининг қардош халқлар адабиётида, биринчи навбатда, рус адабиётида қанча кенг ва чуқур ишланиб боришини Г. Владимиров изчил ўрганиб, кенг миқёсда тадқиқ этиб келяпти. Олим тўғри таъкидлаганидек, рус адабиётида Шарқ, шу жумладан, Урта Осиё ва Туркистон мавзуси узоқ йиллардан бери ишланиб келинади. Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида бу масала янада принципиал аҳамият касб эта борди. Буюк Октябрь инқилобидан кейин бу борада қудратли кучли тўлқин вужудга келди. Бу борада фикр юритган тадқиқотчи Д. Фурмановнинг «Исён» ва П. Лукницкийнинг «Нисо» романларини таҳлил қилади. Худди шу тарзда олим Н. Тихонов, В. Луговской, Л. Леонов, В. С. Иванов, В. Гусев, Ю. Арбат, Иван Ле, Н. Никитин, Н. Бирюков, П. Павленко ва бошқа жуда кўп ижодкорларнинг асарларини таҳлил қилиш асосида зарур умумлашмалар қилади. 1975—1976 йиллари Г. Владимировнинг икки жилддан иборат «Танланган асарлари» чоп этилди. Бу жилдларнинг асосий ядросини Ш. Рашидов ижодига бағишланган мақолалари ташкил қилади. Танқидчи бу адиб асарларида тасвирланган меҳнаткаш халқ интилишини кўрсатади. Асарлари ғоявий йўналишини бадиий компонентлар ва образлар системасини текшириш орқали очади. Замонавийлик ва партиявийлик Ш. Рашидов ижодининг характерли аломати бўлиб, унинг новаторлигини таъмин этганлигини очиқ кўрсатиб беради.

Тадқиқот объекти бундай принципиал масалаларни конкрет ҳал этиш учун катта имкон беради. Шу боисдан олим ўзбек совет адаблари Н. Сафаров, Ҳамид Ғулום, А. Мухтор, Одил Ёқубов, П. Қодиров, И. Раҳим, Р. Фай-

зий асарларини таҳлил этиш ва баҳолашда Бутунитти-фоқ совет адабиётида эришаётган ютуқларга суянади, кези келганда қиёслаш йўлидан фойдаланади. Айни вақтда икки жилддан иборат танланган асарларида Г. Владимировнинг миллий адабиётларнинг яқинлашуви ва бир-бирига таъсир этиб боришига оид мақолалари ҳам кенг ўрин олган. Муаллиф кўп миллатли совет адабиётининг коммунистик партиявийлик ва қардошларча дўстлик байроғи остида камол топаётганлигини хилма-хил асарларни таҳлил қилиш орқали кўрсатишга муяссар бўлган. Шулар билан бирга, автор С. Бородин ва Шомил Алядин ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолаларини ҳам танланган асарларига киритади. Худди шу тарзда олимнинг танланган асарлари унинг миллий адабиётларнинг яқинлашуви, ўзаро таъсири, ўзбек адиблари ҳақидаги, ниҳоят, Ўзбекистонда ижод қилаётган бошқа миллат вакиллари тўғрисидаги мақолаларидан таркиб топган.

Адабиётшунос олим ҳозирга қадар уч юздан ортиқ мақолалари, қатор монографиялари, икки жилддан иборат танланган асарлари (Комил Яшиннинг сўзбошиси билан) босилиб чиқди. Олтмиш беш баҳорни кўрган Г. Владимиров ҳамон навқирон йигитлардек ўзини бардам сезади. Кўп миллатли совет адабиётининг актуал проблемаларини ёритиш ва таниқли, машҳур ўзбек санъаткорлари маҳорати сирларини тадқиқ этиш иштиёқи билан ёнади, минг-минглаб китобхонларнинг эстетик тафаккурини бойитишга янада баракали ҳисса қўшиш учун фаол ҳаракат қилади.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Георгий Петрович Владимировга педагогик ва илмий-ижодий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.



**VOХИД ZOХИДОВ**

Бу ўринда гап республикамиз тўнғич файласуфи ва адабиётшунос олим Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов ҳақида боряпти. Улкан адабиётшунос олим, публицист, жамоат арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги — Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов 1914 йилда (25 ноябрда) Тошкентда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Воҳид отасидан жуда ёш етим қолди. У акасининг қўлида тарбияланди ва сўнгра совет мактабларида таҳсил кўрди. 1930 йили Тошкентдаги рабфакни битиргач, кўпгина ёшлар қатори у ҳам Боку шаҳрида ўқиш учун жўнатилди. В. И. Ленин номидаги Озарбайжон Олий педагогика институтига кириб ўқиди. Адабиёт ва фалсафани зўр иштиёқ ва мароқ билан мутолаа қилди. У Шарқ адабиётини, фалсафа тарихи, марксизм-ленинизмнинг методологик асослари — диалектик ва тарихий материализмни пухта ўрганишга фаол киришди. Бу унинг

илмий-ижодий фаолиятида ҳам, педагоглик фаолиятида ҳам очиқ кўзга ташланди. У 1933-1935 йилларда ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида фалсафа тарихидан лекциялар ўқиди.

У 1935-1937 йиллар мобайнида Москвадаги Тарих-фалсафа-адабиёт институти аспирантурасида таҳсил кўрди. «Мирза Фатали Охундовнинг дунёқарашини» номи мавзудаги кандидатлик диссертацияси устида тинимсиз ишлади. Озарбайжон халқининг буюк классиги Мирза Фатали Охундов мероси, ижоди ва дунёқарашини маркча-ленинча методология асосида ёритишга интилган В. Зоҳидовнинг муттасил ижодий изланишлари тез орада ўзининг самарасини бера бошлади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари, улуғ шоир ва санъаткорлари ижодида дунёқарашнинг таъсири ва ўрнини белгилашга зўр маъроқ билан қизиқиш ва уринишнинг биринчи натижаси ўлароқ В. Зоҳидов ўз диссертациясини 1938 йилда олимларнинг илмий Советида муваффақият билан ёқлади. Ўзининг беқиёс улкан тадқиқотчилик қудратини намойиш қилди. Машҳур олимлар йигирма тўрт яшар ёш тадқиқотчининг бу ишига юқори баҳо бердилар.

Воҳид Зоҳидов 1938 йилдан бошлаб кенг кўламда педагоглик фаолиятини кучайтириб юборди, бир неча олий ўқув юртларида фалсафа тарихи, эстетика, адабиёт тарихи фанларидан лекциялар ўқиди. Шу билан бирга у ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ҳам намойиш этди. У Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Халқ хўжалиги Кенгаши ҳузуридаги Санъат ишлари бош Бошқармасининг бошлиғи лавозимларида, Тил-адабиёт ва тарих институти-нинг директори вазифаларида ишлади. Воҳид Зоҳидов фаолиятида катта ташкилий ва жамоатчилик ишлари билан илмий-ижодий ишлар қўшилиб, улар бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда давом этди. Республика газета ва журналларида унинг қатор мақолалари кетма-кет босилиб турди.



1943 йили институт уни Москвага, яъни СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг докторантурасига ўқишга юборди. 1943—1946 йиллар мобайнида В. Зоҳидов буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш билан махсус шуғулланди. Бу борада Москвадаги машҳур олимлар билан яқиндан алоқада бўлди ва совет шарқшуносларининг маслаҳатларини олди.

Еш олим гоят мураккаб проблемани — Навоийнинг фалсафий, бадиий-эстетик қарашларини атрофлича кенг планда ишлади. 1946 йили Бутуниттифоқ Фанлар академиясининг фалсафа институти илмий совети «Алишер Навоийнинг фалсафий дунёқараши» илмий иши учун унга фалсафа фанлари доктори деган юксак илмий даражани берди. Шарқ маданияти, адабиётининг буюк классиклари — Мирза Фатали Охундов дунёқараши, Алишер Навоий дунёқараши хусусидаги илмий асарлар худди шу тарзда биринчи бор вужудга келди ва илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Олим ўзи илмий ишлари билан ўзбек ва озарбайжон халқлари маданияти ва фалсафаси тарихини кенг планда ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшди. Бу ўринда характерли фактлардан яна бирини эслатиш зарурияти бордек туюлади.

Маълумки, 1947 йили Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафаси тарихига оид» асари юзасидан мамлакат миқёсида кенг мунозара уюштирилди. В. Зоҳидов ҳам бунга фаол иштирок этди. Шу муносабат билан олим биринчилардан бўлиб ўз мақоласида Ўрта Осиё халқлари фалсафаси тарихини кенг кўламда ва илмий асосда ўрганиш зарурлигини кўтариб чиқди. Сиёсий ва илмий аҳамиятга молик бундай улкан масалани катта жасорат билан кўтариб чиқиш ва ўртага ташлаш билан кифояланиб қолмасдан, бу масаланинг методологик асосини ишлашга ҳам муносиб ҳисса қўшди. «Ўзбекистон

халқлари маданияти тарихини марксча-ленинча ёритиш учун» номли иши бунга мисол бўла олади.

1947 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг навбатдаги йиғилишида Воҳид Зоҳидов шу академиянинг мухбир-аъзоси қилиб сайланди.

1947-1948 йиллар мобайнида Воҳид Зоҳидов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик котиби вазифасида ишлади.

1949-1953 йиллар давомида Шарқшунослик институтининг директори, институтдаги фалсафа бўлимининг бошлиғи, кейинчалик (1953-1957 йиллар) Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори ва ректор ўринбосари бўлиб хизмат қилди.

1956-1964 йиллар орасида Воҳид Зоҳидов ўзбек адабиёти тарихини кенг кўламда ўрганиш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда жасорат билан меҳнат қилди. Худди шу йилларда у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Октябргача бўлган ўзбек адабиёти тарихи секторини бошқарди ва айни вақтда ЎзССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг академик котиби сифатида фаол иш олиб борди.

В. Зоҳидов кўп жилдли «Ўзбек адабиёти» тарихини яратиш учун жонбозлик кўрсатди. 1959 йилдан бошлаб мазкур китоб олим таҳрири остида чоп этила бориши республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Шу муносабат билан ўзбек адабиётининг кўпгина намуналари илк бор илмий таомилга кириб келди ва қатор илмий-тадқиқот ишлар қилинди.

Олим «Ўзбек адабиёти» тарихига ёзган сўзбошида бундай кўп жилдли китоб биринчи бор чиқаётгани, Навоийнинг асарлари етарли ўрганилмай келинаётгани ва ниҳоят бу борада чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурлигини махсус қайд этади.

Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган илмий-ижодий ишларнинг якуни сифатида олимнинг «Ўзбек ада-

биёти тарихидан» (1961) ва «Алишер Навоийнинг ғоя ва образлари олами» (1961) асарлари вужудга келди. Бу китоблар Воҳид Зоҳидовнинг назариячилик ва беқиёс улкан тадқиқотчилик қудратини, истеъдодини яна ҳам ёрқинроқ намойиш қилди. «Ўзбек адабиёти тарихидан» илмий-тадқиқот ишининг «Ўзбек классик адабиёти тарихининг асосий масалалари» номли илк бобида энг аввало ўзбек классик адабиёти тарихининг энг асосий масалаларини аниқлашга, уларни тўғри ва мукамал ёритишга фавқулодда жиддий эътибор беради. Сўнгра классик меросимизнинг ажойиб дурдоналарини теран таҳлил этади. Буни китобнинг Навоийнинг «Лисонуттайёр» асари, «Заҳриддин Муҳаммад Бобир», «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор», «Огаҳий», «XVIII аср охири ва XX аср аввалидаги адабий муҳитимизга бир назар», «Гулҳаний», «Фурқат» номли боблари ҳам тасдиқ этади.

«Алишер Навоийнинг ғоя ва образлари олами» йирик монографиясида шоир ижоди ва дунёқарашининг ўзаро жипс алоқаси атрофлича кўрсатилди. Навоий фаолиятининг олий нуқтаси — гуманистик қарашлари бадий ижодининг ҳам ядросини ташкил этиши кучли бир самимият билан очилади. Шарқ фалсафаси тарихидаги энг улкан сиймолардан бўлган Алишер Навоий дунёқарашини ўзидан олдинги ва ўз давридаги барча ижтимоий ва адабий-эстетик қарашлар билан чуқур алоқадор эди. У ўзигача бўлган адабий-эстетик, гуманистик қарашлардан маънавий озиқланиб, уларни янада юқори ва янги босқичга кўтаришга муяссар бўлган. Тадқиқ объекти сифатида танланган проблемани кенг планда атрофлича чуқур текшириш Воҳид Зоҳидов ишларига хос умумий хусусиятлардан биридир.

В. Зоҳидов республикамызда ижодий фаолияти кўп қиррали йирик олимлардан биридир. Таниқли файласуф. Ўзбек классик адабиётининг йирик тадқиқотчиси. Оташин публицист. Ўзбек совет адабиёти ва рус адабиёти, қардош халқлар адабиётининг моҳир ташвиқотчиси.

Олим ўзбек адабиёти тарихини ва унинг улкан намоёндалари ижодини ўрганишнинг гоят муҳим илмий принципларини ишлаб чиқишга беқиёс катта ҳисса қўшди. Алишер Навоий, Бобир, Пошшоҳўжа, Ҳозиқ, Ғозий, Нодира, Увайсий, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Огаҳий, Гулханий, Фурқат, Навоий ва Ҳусайн Байқаро муносабатлари ва бошқа ўнлаб нафосат ижодкорлари ҳақидаги ишлари бу фикрни очиқ-ойдин тасдиқлайди ҳамда олимнинг қудратли тадқиқотчилик истеъдодини тўла тасаввур этишга имкон беради. Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Имоиддин Насимий, М. Ф. Охундов, Фузулий, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз, Носир Хисрав, Абу Райҳон Беруний каби Шарқнинг буюк олимлари ва мутафаккир санъаткорлари ижоди ҳақидаги илмий-тадқиқот ишларида ҳам Воҳид Зоҳидов теран фикр-мулоҳазалар билдиради ва уларнинг бой мероси ҳақида тўлқинланиб, кучли эҳтирос билан ҳикоя қилади.

Воҳид Зоҳидов аллома олимлар сирасига мансуб. У Шарқ классик адабиётининг кенг кўламдаги тадқиқотчиси, билимдони ва айни вақтда, рус адабиётининг улкан тарихи ҳақида ҳам ажойиб ишлар яратган тенгсиз истеъдод соҳиби, чунки илмий-ижодий фаолиятида улуг халқнинг улуг адабиётини тадқиқ этиш, тарғиб қилиш кенг ўрин тутди. Бу ўринда олимнинг «Донолар давраси» (1973) китобини эслашнинг ўзи kifоя. Бу китобнинг биринчи боби «Улуг халқнинг улуг адабиёти» деб аталади. «Инқилобий халқчиллик бонийси» номли иккинчи бобида Александр Николаевич Радишев, «Умумбашарий шеърят шукуҳи» номли бобида эса А. С. Пушкин ижодининг қудрати ҳақида кенг фикр юритади. Олимнинг «Ҳаётбахш абадият тароналари» (1975) китобига В. Г. Белинский, М. Ю. Лермонтов, А. Н. Островский, Л. Толстой, В. Маяковский, Демьян Бедный ижоди ҳақида эҳтирос билан ёзган мақолалари кирган. Айни вақтда олим «Донолар давраси» китобининг «Улкан «осий» Қўбузчи» ва «Оқинлар оқини» номли бобларида украин

бадиний маданияти тарихида улкан бир даврни ташкил этган Т. Г. Шевченко, қозоқ адабиёти тарихида мумтоз сиймо Абай ижоди хусусида кучли самимият билан ҳикоя қилади. Забардаст олим ижодий фаолиятида ўзбек совет адабиёти ва унинг атоқли вакиллари ижодини тадқиқ этиш ҳам салмоқли ўрин тутди. Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Сарвар Азимов ижоди ҳақида қатор рисола ва мақолалар ёзди. Ҳамза ва Ҳамид Олимжон ҳақидаги мақолалари «Донолар давраси», Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Раҳмат Файзий, Сарвар Азимов, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов ижоди ва асарлари ҳақида баҳс қилувчи мақолалари «Ҳаётбахш бадиният тароналари» китобидан анча кенг ўрин олган. Бу соҳада олим ҳозир ҳам фаол ижод қиляпти.

Адабиётшунос ва танқидчилик борасидаги улкан хизматлари учун 1973 йили Воҳид Зоҳидов Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Олимнинг «Яшасин ақл, йўқолсин зулмат!» (1961), «Инсон ва замон садоси» (1961), «Даврим додруғи» (1965), «Шарқни шарафлаб» (1973) номли публицистик асарлари ўзбек совет публицистикасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг публицистик асарларида кенг қўламда теран мушоҳада қилиш фавқуллодда кучли. Менинг назаримда, оташин публицист Воҳид Зоҳидов файласуф, донишманд Воҳид Зоҳидовнинг давомига ўхшаб кўринади. Шу боисдан ҳам у фактлар асосида чуқур ва кенг мушоҳада юритади, уларни аниқ позицияда ифодалайди, чуқур партиявий ва ғоявийлик фактлар талқини ва таҳлили асосида намоён бўлади. Булар публицистик асарнинг сиёсий ўткирлигини ва актуаллигини ичдан нурлантириш учун муҳим аҳамиятга молик.

Воҳид Зоҳидов хорижий мамлакатларга сафарга бор-


ди, Европа, Осиё ва Африканинг жуда кўп жойларида бўлди. У Америка Қўшма Штатларида, Францияда, Ғарбий Германияда, Италияда, Жазоир, Испания, Швеция, Бельгия, Туркия, Греция, Миср, Мали, Судан, Афғонистон, Сомали ва бошқа мамлакатларда кўрган-кечирганларини образли ва ифодали бўёқларда ҳикоя қилади ва халқ турмуш тарзи ҳақида характерли мисоллар келтиради.

Таниқли ташкилотчи ва жамоат арбоби сифатида В. Зоҳидов санъат ишлари бош Бошқармасининг бошлиғи лавозимида, ЎзССР Фанлар академияси Тил-адабиёт ва тарих институти, Шарқшунослик институти директори вазифаларида, «Ўзбекистон маданияти» газетаси муҳаррири, Ўзбекистон ССР Маданият министри бўлиб ишлади. У Африка мамлакатлари билан Дўстлик совет ассоциациясининг Ўзбекистон бўлими раиси, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқалар Совет комитети, Жаҳон Танқидчилар Ассоциацияси, «Советский писатель» Бутуниттифоқ нашриёти правлениеси ва бир қанча газета ва журнал редколлегиялари ва қатор илмий советларнинг аъзоси. Адабиётшунослик соҳасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда ҳам В. Зоҳидовнинг хизматлари катта бўлди. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан кандидатлари ва докторлари етишиб чиқди. Республикада илм-фанни равнақ топтиришдаги ва малакали мутахассислар тайёрлашдаги катта хизматлари учун В. Зоҳидов 1964 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди. Унинг илмий раҳбарлиги ва таҳрири остида 50 дан ортиқ йирик асарлар чоп этилди. У А. Навоийнинг ўзбек ва рус тилида кўп жилдлик асарлари босилиб чиқишида фаол иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1966 йил февраль ойи охирида ўтказилган навбатдаги сайловда Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов шу Академиянинг академиги қилиб сайланди. У икки марта «Меҳнат Қизил Бай-

роқ» (1959, 1971) ордени ва бир неча медаллар, ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди. 1969 йили Монголия Халқ республикаси Улуғ Халқ Хурали Президиумининг «Дўстлик медали» билан тақдирланди. Кўп йиллардан бери то ҳозирга қадар В. Зоҳидов Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институтининг директори вазифасида фаол ишлаб келмоқда. Ўзбек совет адабиётшунослигининг фан сифатида шаклланиши ва камол топишида, унинг Бутуниттифоқ миқёсида ҳамда хорижий мамлакатларда шуҳрат топишида бу алломанинг хизматлари беқиёс катта.

Буюк шуҳрат ёр бўлсин, заҳматкаш устоз. Ҳорманг!



**САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ**

Ўзбекистон адабиётшунослари орасида энг навқирон ва заҳматкаш олимлардан бири Салоҳиддин Мамажоновдир. Бу ўринда энг навқирон дейишимнинг маълум сабаблари бор. Ўзбек совет адабиётшуносларининг биринчи авлоди, одатда ўзларини кашшофлар деб атаганлар. Иккинчи авлод эса ўзларини жанговор комсомол деб ҳисоблаганлар. Кейинги авлод аввалгиси билан изма-из борган ва бошлаган ишни изчил давом эттирган, ҳал бўлмаган қатор жумбоқларни зийраклик, зукколик билан ечишга интилган. Бундай пайтда ўзбек адабиётшунослигини катта довонлардан ошириб, уни янги типдаги чинакам фан сифатида танитган иккинчи авлод, Ҳамид Олимжон ибораси билан ифода этганда «комсомоллар сафи» бир томондан — И. Султонов, Ҳ. Еқубов, В. Абдуллаев, Ҳ. Зарипов, Ҳ. Сулаймонов, Ғ. Қаримов, П. Шамсиев каби қатор филолог олимлар, иккинчи то-



мондан, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Қомил Яшин, Шайхзода, Уйғун каби санъаткор олимлар билан тўлишган катта кучлар интилиши кўз олдимизга келади. Бу авлодга яна янги бир, тарихан қараганда учинчи авлод келиб қўшилади ва улар қудратли куч касб этади.

Тўғри, ҳар бир адабиётнинг, шу жумладан, адабиётшуносликнинг ҳам янги кучлар билан бойиб, тўлишиб бориши табиий бир ҳол. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзбек адабиётшуносларининг уч авлоди мавжуд ва эътироф этилган экан, тўртинчи, бешинчи авлоди ва ундан кейинги авлодлари бўлиши ҳам табиий ва қонуний бир ҳол.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги, менинг назаримда, эллагинчи йиллардан кейин ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Бу иккинчи ва учинчи авлоднинг фаол ижод қилиши билан бирга унинг сафига навбатдаги янги авлод кириб келиши туфайли бўлди. Худди шу давр ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида айниқса Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов ва бошқалар бу майдонда ёруғ юлдуз янглик пайдо бўлди. Янги овоз ва янгроқ соз билан шуҳрат топди. Санъаткорларнинг ва адабиётшуносларимизнинг кекса гвардияси ҳам, генераллари ҳам уларни нодир талант ва истеъдод сифатида эътироф этдилар. Тўғри, бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги фақат бу икки нодир истеъдоддангина иборат эмас. Бу авлоднинг сафи жуда кенг ва хилма-хил.

Навбатдаги, бешинчи авлодга, менинг назаримда, олтмишинчи йилларнинг бошлариданоқ республикада танилган, адабиётшунослик ва танқидчиликда эътироф қилиниб, шуҳрат топа бошлаганлар мансуб. Мабодо бу авлоднинг рўйхати тузиладиган бўлса, биринчилар қаторида Салоҳиддин Мамажоновнинг номи тилга олинишига шак-шубҳа йўқ. Тўғри, у эллагинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб матбуотда қатор мақолалари билан майдонга чиққан эди. Аммо ижодий мусобақада

учинчи ва тўртинчи авлодга мансуб адабиётшуносларнинг кўпчилигидан ўтиб кетди. Чинакам заҳматкашлиги туфайли Салоҳиддин Мамажонов ана шунга муяссар бўлди. Мен муайян тарихийлик принципи нуқтаи назаридан уни бешинчи авлод сафига мансуб деб биламан. Шу бондан мазкур китобда гап бораётган олимлар орасида уни энг навқирони деган эдим. Шу туфайли ҳам бу хилда «муқаддима» қилиш зарурияти туғилди. Қолаверса, энг навқирон олимнинг бундан кейин ҳам шундай заҳматкаш бўлиб қолишига шахсан менинг ўзимда ҳам қандайдир бир ички ишонч бор. Эришган ютуқлари асосида олимнинг келажакига ҳам назар ташламаслик мумкин эмас.

Салоҳиддин 1931 йил, 15 декабрда Андижон область, Қўрғонтепа райони, Қўрғонтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Дастлабки маълумотни шу қишлоқдаги ўрта мактабда олди. Орадан кўп ўтмай Салоҳиддинлар оиласи Фарғона областининг Киров районига кўчиб келади.

Салоҳиддиннинг отаси Мамажон ака табиатан жуда вазмин, ҳар бир нарсани чуқур мулоҳаза қилувчи шоирсухан киши эди.

Эски илмдан хабари бўлган Мамажон ота классик санъаткорлардан Навоий, Бедил, Хазиний каби шоирларнинг ғазалларини бемалол ўқир ва уларни ўзича таҳлил қила оларди. Онаси ҳам фарзандларига жуда меҳрибон бўлган. Олим шундай эслайди: «Ота-онам шу қадар ювош эдики, бизга бирор марта қаттиқ гапирмаган, буйруқ ҳам бермаган, насиҳат ҳам қилмаган, ўзларининг ҳаёти, муомаласи билан бизларга доимо намуна бўлган».

Урта мактабни муваффақиятли тугатгач, Салоҳиддин 1948 йили Фарғона Давлат пединститутининг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқийди. У ўқишдан ташқари ижод билан ҳам шуғуллана бошлайди. Республика газети ва журналларига турли мавзудаги материаллари билан қатнашиб туради. 1952 йили институтни имтиёзли

диплом билан тамомлайди. Шундан сўнг Киров районида ўқитувчи ва район маориф бўлимида инспектор бўлиб ишлади. Орадан кўп ўтмай катта умидлар билан Тошкентга келди. Мақсад, аспирантурага кириб ўқиш эди. У имтиҳонларни муваффақиятли топширди.

Шу тарзда 1954 йили у аспирант бўлди. Академик шоир Ғафур Ғулом илмий раҳбарлигида Салоҳиддин Мамажонов «30-йиллар ўзбек поэзиясида меҳнат темаси»да иш олиб борди. 1957 йилдан институтда кичик илмий ходим бўлиб иш бошлади.

1954-1957 йиллари қилинган ижодий меҳнат ва тинимсиз узоқ ижодий изланишлар беҳуда кетмади. У 1958 йили кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбек совет поэзияси 30-йилларда заҳматкаш халқ меҳнатини поэтиклаштиришда улкан ютуқларга эришганини ёш тадқиқотчи қатор асарларни таҳлил қилиш орқали атрофлича исбот этди.

Ёш олим эллигинчи йилларнинг охиридан адабий жа раёнда фаол иштирок эта бошлади. У ўзининг тақриз, турли-туман характердаги мақолалари ва илмий-тадқиқот ишлари билан республика газета ва журналларида муттасил чиқиб турди. Сўнгра кетма-кет китоблари босилиб чиқди. Масалан, 1962 йили унинг «Коммунизм ва адабиёт», 1963 йили «Шоир ва замонавийлик», 1964 йили «Адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги», 1965 йили «Уйғун», 1966 йили «Ғафур Ғулом прозаси» номли асарлари чоп этилди.

Салоҳиддин Мамажонов илмий фаолиятининг энг катта қисмини академик шоир Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзган ўнлаб мақолалари ва монография характеридаги бир қанча китоблари ташкил қилади. У ўзининг бу ишлари билан шоир ижодининг энг йирик тадқиқотчиси бўлиб вояга етди.

Тўғри, С. Мамажонов ишларига қадар Ғафур Ғулом ижоди ҳақида юзлаб мақолалар, адабий-танқидий очерк ва монографиялар босилган. Бу борада биргина атоқли

олим Ҳомил Ёқубовнинг қатор ишларини эслашнинг ўзи кифоя. Адабиётшунос ва танқидчиларимизнинг жуда катта қисми Ҳ. Ёқубов қўл урган ва текширган масалалардан кейин бу борада салмоқли, ҳаммага маъқул бўладиган иш қилиш амримаҳол, дейишади. Бунда катта маъно бор, албатта. Лекин нима кўп — адабиётнинг проблемалари кўп. Фафур Гулом ижодини ўрганиш ва кенг тадқиқ этишга киришар экан, С. Мамажонов йўналишнинг ана шу бош нуқталаридан келиб чиқиб иш кўришга интилди. Бу борадаги ижодий-илмий изланишлар натижаси сифатида С. Мамажоновнинг «Шоир ва замонавийлик» монографияси вужудга келди ва босилиб чиқди. Фафур Гулом чинакам замонавий шоир эди. Тадқиқотчи шоирнинг замон билан доимо ҳамнафас бўлишга интилганини, замон билан бирга улғайиб камол топиб борганлигини асарлари таҳлили орқали кўрсатиб берди.

Шоир поэзиясининг сиёсий ўткирлиги ва партиявийлиги ҳам, актуаллиги ва ҳозиржавоблиги ҳам, миллийлиги ва интернационаллиги ҳам, ҳаққонийлиги ва новаторлиги ҳам чинакам замонавийлигига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Айни шу тарзда тадқиқотчи шоир ижодини социалистик реализмнинг принципиал проблемалари асосида текширади ва кенг умумлашма хулосалар чиқаради. Шунинг учун ҳам китобнинг биринчи боби «Шоир ва замона» деб аталади ва тадқиқотчи бу проблемани кейинги бобларда ҳам ҳар хил аспектда талқин этади. Масалан, китобнинг «Илҳом уфқи» номли иккинчи бобида замонавий ҳаётдаги улкан ўзгаришларга шоирнинг пешвоз чиқishi билан асарларнинг тематик доираси борган сари беқиёс даражада кенгайиб ва чуқурлашганлигини атрофлича текширади. Китобнинг «Ҳозиржавоблик ва бадийлик» номли учинчи боби ҳам биринчи бобда автор қўйган ва йўналишини белгиланган масаланинг кенгайтирилган давоми. Тўғри, шоир поэзияси янги-янги мавзу билан бойиб борди, шу асосда тематик кенглик вужудга келди. Чинакам ҳозиржавоблик

юксак гоъвийлик ва бадийликнинг бирикмасидан таркиб топади. Буни тадқиқотчи шоирнинг қатор асарлари, айниқса, «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан» каби машҳур шеърлари таҳлили асосида ишонарли исбот қилган.

Монографиянинг тўртинчи боби «Тарихийлик ва замонавийлик»да ҳам автор кузатишлари қизиқиш уйғотади. Тўғри, тарихийлик фақат тарихий ўтмишни акс эттиришдангина иборат эмас. Тарихийлик умуман реалистик бадий ижоднинг илмий асоси бўлиб келган. Оنگли тарихийлик эса социалистик реализмнинг асосий ва муқаддас принципи ҳисобланади. Замонавий воқеликни акс эттириш ҳам чинакам ижодда онгли тарихийлик принципи асосида амалга ошади.

С. Мамажонов китобнинг охири бобида принципаил илмий-назарий проблемалардан бирини—миллийлик ва интернационаллик масаласини шоир поэзияси асосида текширади. Бир вақтлар улуғ танқидчи Белинский ёзган эди: «Улуғ шоир учун юқори даражада миллий бўлишдан бошқа катта шараф йўқ, чунки бусиз у улуғ бўла олмайди». Унинг сўзларини бир оз ўзгартириб, қўшимча қилиб, шундай дейиш мумкин: бизнинг кўп миллатли совет адабиётимизда улуғ санъаткор учун юқори даражада миллий ва интернационал бўлишдан бошқа катта шараф йўқ, чунки ҳар иккисини бутун вужуди билан муҳассама этмасдан туриб, у улуғ бўла олмайди. Қисқаси, ўзбек адабиётшунослигида Ғафур Ғулом поэзияси комплекс проблемалар асосида, монографик характердаги илмий-тадқиқ заманида биринчи бор атрофлича кенг текширилди. Бундай ишга талаб кучли эди. Уни С. Мамажонов бажарди. Олимнинг «Ғафур Ғулом прозаси» номли китоби ҳам шундай талаб асосида вужудга келди. Унинг бу асари Ғафур Ғуломнинг прозаик асарларини атрофлича кенг ва ҳар хил аспектда тадқиқ этиш билан қимматли.

Ғафур Ғулом ижодининг йирик тадқиқотчиси Ҳомил

Ёқубов ўз китобида бунга махсус эътибор берган ва адибнинг прозасини биринчи бор кенг таҳлил қилган эди. С. Мамажонов эса бу масалани янада кенгроқ ўрганиш зарур деб ҳисоблади ва адиб прозасини жанрларга бўлиб текширишга интилди. Бунинг натижаси сифатида «Ғафур Ғуллом прозаси» номли асари вужудга келди. Китобнинг композицияси ҳам ана шу принцип асосига, яъни адибнинг прозасини жанрларга бўлиб текшириш асосига қурилган. Китобнинг аввалги уч бобида унинг фельетон, очерк ва публицистик асарлари алоҳида-алоҳида текширилади ва таҳлил қилинади. Тадқиқотчининг махсус таъкидлашича, «Ғ. Ғулломнинг актив журналистик фаолияти уни фельетончилик, публицистика ва очеркчиликдан ҳикоянависликка олиб келди». Худди шу тарзда автор асарнинг тўртинчи бобида адибнинг ҳикояларини ҳар хил аспектда текширади. Тадқиқотчи Ғафур Ғулмонни моҳир фельетончи, очеркчи, муаррих ҳамда жарчи эканлигини қатор асарларни конкрет таҳлил қилиш орқали кўрсатади ҳамда маҳоратини, бу жанрларнинг бойиши учун қўшган ҳиссасини ёритади. Адиб ҳикояларини сатирик, юмористик ва лиро-драматик турларга бўлар экан, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни илмий-назарий жиҳатдан асослашга интилади. Монографиянинг кейинги бобларида эса Ғафур Ғулломнинг қатор повестлари асосан сюжет ва характер, сюжет ва композиция, нутқ турлари ва хусусиятлари каби масалалар нуқтаи назаридан текширилган ва атрофлича таҳлил қилинган. Худди шу тарзда С. Мамажонов биринчилардан бўлиб, Ғ. Ғулломнинг вақтли матбуотда босилган асарларини атрофлича жиддий ўрганиб чиқади ва унинг фельетон, очерк, публицистик асарлариши кенг планда текширади, илмий муомалага олиб киради. Иккинчидан, Ғ. Ғулломнинг қатор очерк ва фельетонларидан кейин ҳикоя жанрида самарали ижод қилганлигини, бу борада аввалги асарларини (очерк ва айниқса фельетонларини) қандай қилиб ҳикояга айлантиришга уринганлигини

махсус текширади. Учинчидан, китобнинг аввалги боблари сингари, кейинги боблари ҳам адиб ҳикоялари ва повестлари биринчи мартаба кенг планда махсус текширилиши ва улар муайян проблемалар асосида атрофлича таҳлил қилиниши билан характерлидир. Қисқаси, атоқли шоир ва адиб Ғафур Ғулом ижоди ҳақида кўп йиллардан бери олиб борган илмий-тадқиқот ишлари асосида Салоҳиддин Мамажонов 1968 йили «Ғафур Ғулом маҳорати» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади. У бу борадаги текшириш ишларини янада давом эттирди. 1972 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Услуб жилолари» китоби босилиб чиқди. Олим бу асаридан асосан Ғафур Ғуломнинг поэтик меросини текширган. Бир-бирларига боғлиқ бўлган учта масалага махсус эътибор берган. Улардан бири — шоир ва унинг устозлари тўғрисида, иккинчиси — шоирнинг ўзига хос услуби, ниҳоят, учинчиси — Ғафур Ғулом ижодининг, асарларининг бошқа қалам соҳибларига бўлган таъсири масаласидир. Ниҳоят, бу китобда Ғ. Ғуломнинг илмий мероси—адабий-танқидий мақолалари атрофлича, шоир поэтик ижодига боғлиқ ҳолда текширилади. Худди шу тарзда серқиррали ижод соҳиби Ғафур Ғулом ҳақида С. Мамажоновнинг илмий-тадқиқот характердаги учта монографияси вужудга келди. Улкан санъаткор Ғафур Ғулом ижоди ҳақида битилган ва уч китобдан иборат бу ишлар адабиётшунослигимиздаги ўзига хос трилогиядир. С. Мамажоновнинг адабий-танқидий, илмий-ижодий фаолияти фақат Ғ. Ғулом ижоди хусусидаги учта монографиядан иборат эмас. У қизиқиш доираси, тадқиқот объекти анча кенг олимлар жумласига мансуб. Олимнинг тадқиқот объекти — бутун ўзбек совет адабиётидир. Айни вақтда, бу адабиёт тараққиётининг қонуниятлари ва уни ташкил қилган ўзак проблемалар билан муттасил шуғулланиб келяпти. Бу фикрни муаллифнинг «Адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги» номли асари ҳам тасдиқ этади. Босилиб чиққан ўндан

ортиқ китоблари ва икки юздан ортиқ мақолаларида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзадан бошлаб то ҳозирги навқирон авлод вакили — нодир истеъдод Абдулла Орипов ижодига қимматли, эътиборли, эъзозли фикр-мулоҳазалар юритилади.

Салоҳиддин Мамажонов заҳматкаш, сермаҳсул ва ҳозиржавоб адабиётшунос, ўзбек совет адабиётининг йирик вакиллари Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор мақолалар битди ҳамда китоблар яратди. Унинг «Уйғун» (1965), «Ғайратий» (1974) номли рисоалари босилиб чиқди. Ҳамид Олимжон ҳақидаги «Шоир дунёси» китоби рус (1972) ва ўзбек (1974) тилларида чоп этилди. Муаллиф бу асарига ҳасос шоиримиз Ҳ. Олимжоннинг босиб ўтган бутун ижодий йўли, унинг илк тўплами «Кўклам» (1929)га кирган шеърларидан тортиб, қатор баллада ва поэмаларини, драматик асари «Муқанна»ни даврма-давр, поғонамапоғона текшириб боради. Бу борада шоир ижодида социалистик реализм методининг қарор топиши масаласига алоҳида эътибор беради, санъаткор ижодининг қудратли манбаларини белгилайди. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, ана шу масалаларнинг барчасини ёритишда С. Мамажонов ўзигача бу шоир ижодини текширган тадқиқотчиларнинг назар-эътиборидан четда қолган қирраларни очиб беради. Муаллиф атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг адабий-танқидий фаолиятига айрича аҳамият беради, ўз поэтик ижоди билан жипс боғлиқ ҳолда тадқиқ қилади. Бу ҳол Ҳамид Олимжоннинг ёрқин сиймосини янада ёрқин тасаввур этишга имкон беради.

С. Мамажонов кундалик адабий жараёнга фаол қатнашиб туришга интиланган танқидчилардан бири. У матбуотда муттасил чиқиб туради, адабий мунозараларга фаол қатнашади. «Шеърят баҳсида» (1970) китоби фикримизнинг далилидир.

«Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» (1975) китоби С. Мамажонунинг ўзбек совет адабиёти тарихи



оламига кўп йиллардан бери саёҳати, бошқача таъбир билан ифода қилганда, бир неча бор фаол разведка қилиш асосида вужудга келди. Фафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон ҳақидаги китоблари, Уйғун билан Ғайратий ижоди ҳақидаги рисоалари, Миртемир билан Зулфия тўғрисидаги мақолалари бу фикримизни тасдиқлайди. Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Рус тилида Москвада чоп этилган олти жилдли «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи» ва тўрт китобдан иборат «Ўзбек совет адабиёти тарихи» муаллифларидан бири сифатида бу борада ҳам етарли тажрибага эга эди.

Тадқиқотчининг бошқа китоблари қаторида «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» китоби ҳам адабий жамоатчиликда ижобий баҳоланди. Бу асар ҳақидаги тақризларнинг бирида ҳақли равишда таъкидланганидек, «Бу китоб Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиёти ҳақида ҳозирга қадар яратилган асарлар орасида нисбатан тўла ва кенг тасаввур берувчи йирик тадқиқотдир». Шу боисдан таниқли танқидчи ва адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов «Шоир дунёси» ва «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» китоблари учун 1976 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Болалар адабиёти ҳақида кўп йиллардан бери олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларининг муайян якуни сифатида авторнинг «Эзгу ният йўлида» (1978) китоби чоп этилди. Болалар адабиёти вакилларининг адабий портретларини яратди.

Юқорида махсус таъкидлаганимдек, Салоҳиддин Мамажоновнинг ижодий фаолиятида ўзбек совет поэзиясини атрофлича кенг тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. «Ранглар ва оҳанглар» (1978) китоби ҳам бу фикрни яна бир бор тасдиқ этади. Муаллиф бу асарида ҳозирги ўзбек поэзиясида эришилаётган ютуқларни батафсил кўрсатади. 1979 йили унинг «Лирик олам, эпик кўлам» номли йирик монографияси чоп этил-

ди. Бу асарда тадқиқотчи йирик санъаткорлар — Ҳамид Олимжон ва Шароф Рашидовнинг поэтик-эпик оламини кенг планда очиб беради.

Юқорида келтирилган фактлар Салоҳиддин Мамажоновнинг сермаҳсул адабиётшунос ва танқидчиларимиздан эканлигини очиқ-ойдин кўрсатади.

Заҳматкаш олимнинг раҳбарлигида ҳозирга қадар ўн тўрт киши илмий даражага эга бўлди.

Илмий ижоддек сермашаққат ва шарафли йўлда Салоҳиддин Мамажоновга янада омад ва зафар тилаймиз!



**ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ**

Буюк мутафаккир Алишер Навоий машҳур асари «Хамса»ни тугатиб, ўзини гўзал бир чаман ичида тасаввур этади. Бу хаёлий бир эпизод «Хамса»нинг охириги достони «Садди Искандарий» хотимасида рамзий маъно касб этади. У чаман ичра ғурур ва табассум билан кезиб юради. Шу пайт бадиий ижоднинг султонлари намоён бўла бошлайди ва поэзия бўстониغا Хисрав Деҳлавий Алишер Навоийни таклиф этади. Бу бўстонда саф тортган Низомий, Хисрав Деҳлавий, Жомий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз каби қатор поэзия султонлари Алишер Навоий келиши билан ўрнидан турадилар ва эҳтиром билан давранинг тўрига таклиф этадилар. Навоийнинг бир қўлидан Хисрав Деҳлавий, иккинчи қўлидан Жомий тутиб, зўр эҳтиром билан уни Низомий ёнига ўтқазадилар. Улуғ Навоий «Хамса»ни, яъни унинг охириги досто-

нини ана шундай яқунлайди ва ўзини гўзал поэзия бў-  
тонида деб ҳис қилади.

Олимнинг оташнафас Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида трилогиясини (уч китобини) ва «Замондошлар» номли асарини ўқиб чиққач, менинг хаёлимга ана шу рамзий эпизод келаверди. Ўзбек совет адабиётшунослигининг ўттиз йилдан кўпроқ тараққиётида (1917-1950) Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кўп мақолалар ёзилди, қатор асарлар босилиб чиқди. То эллагинчи йилларга қадар ўзбек совет адабиётининг атоқли вакиллари орасида энг кўп ўрганилгани, ҳаёти ва ижоди анча кенг ёритилгани ҳам Ҳамза бўлди. Ўзбек совет адабиётининг қатор атоқли вакиллари ҳаёти ва ижоди хусусида ёзилиши зарур бўлган илмий ишларнинг биринчиси ҳам Ҳамза ҳақида эди. Ҳамза ҳаёти ҳақида бўлганидек бирин-кетин ўзбек совет адабиётининг бошқа намоёндалари ҳаёти ва ижоди хусусида илмий ишлар, диссертациялар пайдо бўла бошлади. Демак, ўзбек совет адабиётшунослигининг (ўзбек совет адабиёти вакиллари ҳаёти ва ижодини яхлит ўрганиш соҳасидаги) 50- йилларгача биринчи йирик ютуғи — менинг фикримча ҳамзашунослик бўлди. Бир неча бор юбилейининг нишонланиши ҳам бу фикрни тасдиқ этади. Кейинги ўн йилликда (1950-1960) ҳам бу ютуқни мустаҳкамлаш янада кучайиб борди. Бу табиий ҳол эди. Буларни махсус таъкидлашимнинг боиси бор. Улардан бири — 50- йилларнинг охирига келиб (айниқса, партиянинг тарихий XX съезидан кейин) қатор масалаларни, худди шу жумладан, Ҳамза ҳаёти ва ижодини кенг планда атрофлича чуқур ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш, эришилган ютуқларни янги босқичга кўтариш зарурияти вужудга келди. Иккинчиси — бу борада қилинган ишларнинг хилма-хиллиги, айни пайтда, етишмаган нуқталарни синчковлик билан топиш, уларни тўлдириш, бойитиш, яхлит ҳолга келтиришдан иборат.

Менинг назаримда, Ҳамза типидagi ижодкорлар ҳа-

қида самарали илмий-текшириш ишлари олиб бориш учун фақат тарихий фактларни билишнинг (улар қанчалик муҳим аҳамиятга молик бўлса-да) ўзигина кифоя қилмайди. Айни вақтда марксча-ленинча илмий-методологик асосларни чуқур эгаллаш ҳам тақозо қилинади. Фавқулодда муҳим бўлган яна бир момент. Бу — илмий ишга катта жасорат билан киришишдир. Айниқса, ҳамзашунослик ана шундай жасоратни, адабий «жанг» қилишни тақозо қилар эди. Лазиз Қаюмов бу соҳага ана шундай кириб келди ва бор овози билан ҳамзашунослик дея ҳайқирди. Кетма-кет ўнлаб мақолалари, китоблари юзага кела бошлади. Натижада Ҳамза бўй-басти билан намоён бўлди. 1960-1980 йиллар орасидаги ўзбек адабиётшунослигининг улкан ютуқларидан бири — ҳамзашуносликнинг юқори босқичга кўтарилиши бўлди. Буни Лазиз Қаюмовнинг ишларисиз тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.

«Замондошлар» китоби муаллифнинг ўзбек совет адабиёти катта-кичик вакилларининг катта даврасидаги эъзозли ўрнини тайин этди...

Лазиз Қаюмов ўзбек адабиёти ва маданиятининг ўчоқларидан бири бўлган Қўқон шаҳрида 1930 йилнинг 23 апрелида дунёга келди. Отаси, ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов ўглининг ёшлигидан сабот билан қийинчиликларни бартараф қилиш ва маърифат меваларидан баҳраманд бўлишида биринчи мураббийлик вазифасини ўтади. Ёш Лазиз шаҳдам қадамлар билан билим зинаполаридан кўтарилиб, маданият чўққисига яқинлаша борди. У ўзининг болалик ва ўқувчилик (1937-1947) чоғларини она шаҳридаги 3-ўрта мактаб кучоғида ўтказди. У ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, Урта Осие Давлат университетига ўқишга киришга интилади. Қўқонни адабиёт ватани, дейишади. Бу гапда катта маъно бор. Худди ана шу анъана Лазизнинг адабиётга бўлган қизиқиш туйғусини янада кучайтишига, барвақт уйғонишига бир туртки бўлди, холос. Бу туйғу уни

университетнинг филология факультетида таҳсил кўриш-га етаклади.

Студентлик чоғида (1947-1952) Лазиз қотмадан келган, навқирон йигит бўлиб, унинг юрагида ёшлик, янгиликка интилиш қони жўш уриб, уни кўпроқ билим олишга ундар эди.

Мевалик дарахтнинг шохи қанчалик кўп бўлса, у шунчалик ҳосилни кўп беради, дейишади. Инсон қанча кўп билимга эга бўлса, у ўз жамиятига шунча кўп фойда етказди. Жамиятнинг ўсиши ва халқ фаровонлигининг ошиши кўп жиҳатдан шу жамият аъзоларининг онг ва тафаккурлари кучига ҳам боғлиқдир. Шунини яхши англаган кишиларгина ўзининг инсонлик умридан унумли фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам улар ёшлиги, ўтган умри учун ҳеч қачон ачинмайдилар. Аксинча, уни қувонч ва ғурур билан ёд этадилар.

1952 йили Лазиз ҳаётида бирданига иккита қувончли воқеа юз берди. Улардан бири — студентлик даврига муваффақиятли яқун ясаб, ўзи ўқиган факультетнинг аспирантурасига қадам қўйгани бўлди. Иккинчиси — худди шу йили у КПСС аъзолигига қабул қилинди.

Сермашаққат илмий-ижодий изланишлар бошланди. Тез орада иқтидорли тадқиқотчи ўз ишини олимлар муҳокамасига қўйди. Ниҳоят 1956 йилда «Урушдан сўнгги давр ўзбек романларида типиклик проблемаси» деган темадаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шу тарзда ёш олим биринчи довоңдан ошиб ўтди. Зафар қучди. Айни чоқда у жамоат ишларида ҳам фаол эди. 1953-1954 йиллари университет комсомол комитетининг секретари, сўнгра, икки йил факультет партбюросининг секретари, икки йил университет партия комитетининг аъзоси сифатида жамоат ишларига фаол қатнашди. 1957-1958 йиллари Лазиз Қаюмов катта ўқитувчи сифатида минглаб студентларга лекциялар ўқиди. 1959 йили доцент унвонига сазовор бўлди. Мароқли лекциялари ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун у 1961

йилда «Меҳнатда ўрнатганлиги учун» медали билан тақдирланди. Домланинг борган сари обрўси ошарди, фаолияти янада кенгроқ қулоч ёйди. Бир вақт ичида у университетда ҳам, чет тиллар институтида ҳам (1959-1961) доцент бўлиб ишлади. 1961-1963 йиллари факультет декани бўлди. Янги авлоднинг камол топиши учун астойдил меҳнат қилди. Сўнгра ТошДУ СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудирини ва айни вақтда 1962 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар «Ўзбекистон маданияти» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаб келяпти. Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Лазиз Қаюмов илмий-ижодий фаолиятида Ҳамза ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда тадқиқ этиш биринчи планга чиқади, марказий ўрин тутди. Унинг «Инқилоб куйчиси» (1962), «Инқилоб ва ижод» (1965) каби асарлари чоп этилди. 1964 йили эса «Октябрь куйчиси» рисоласи босилиб чиқди, 1970 йили «Инқилобий драма» асари китобхонларга тақдим этилди. Уларда янги материаллар асосида Ҳамза биографияси, фаолияти ёритилади ҳамда унинг прозаик, поэтик, драматик ижоди ва сиёсий фаолияти тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритилади. Бу ишлар энг аввало совет матбуотининг қатор тармоқлари бўлган «Тил ва адабиёт масалалари», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» журналларида, «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистон маданияти», «Правда Востока», «Уқитувчилар газетаси» ва «Ёш ленинчи» каби газеталарнинг қатор сонларида эълон қилинди. Тадқиқотчи ўз ишларида асосан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг биографияси, ижоди ва фаолиятининг шаклланиб боришини Ўрта Осиё муҳитида юз берган воқеалар билан чамбарчас боғлаб, уларни яхлит ҳолда китобхонга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Уларда Ҳамза тўғрисида кенг маълумот оламан. Ҳамзанинг бобоси, отаси тўғрисида, Ҳамзанинг дунёга келиши, унинг қобилияти, қандай қилиб отасининг руҳонийга айланиши, Ҳамза эса аксинча, янгиликка пешвоз чиқиши, илғор фикрлари билан ўз отасига қарши тури-

ши, улар ўртасидаги зиддиятларнинг ўсиб бориши — булар тўғрисида жуда кўп фактик маълумотлар келтирилади. Ҳамзанинг эски мактабдан кетиши, рус маданиятига яқинлашуви ва бунинг натижасида «мусулмон»ларнинг назаридан қолиши, чет элларда сарсон бўлиши ва ҳамма ерда ҳам бир-бирига қарама-қарши бўлган икки синф намояндаларига дуч келиши батафсил ёритилади. Бўлажак шоирнинг дунёқараши ўсиб боради, у ҳаёт муаммоларига жавоб ахтаради. Ҳамза жавоб сифатида кенг халқ оммасини, айниқса, эзилаётган меҳнаткашларни саводли, маданиятли қилиш деб тушунади ва бу йўлда ўзи астойдил меҳнат қила бошлайди. Аммо бизга маълумки, ҳокимиятни қўлга олмасдан туриб, бу вазифани мақсадга мувофиқ ва самарали амалга ошириш мумкин эмас эди. Ана шунинг учун ҳам Ҳамзанинг барча прогрессив ҳаракатлари ҳукмрон синфлар қаршилигига дуч келади, айни вақтда, унинг илғор ғоялари меҳнаткашлар дунёсига учқундек етиб боради холос. Ҳаётнинг олға қараб боришида, албатта, шахсларнинг актив таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Ҳамзанинг ҳаёт йўлига Лазиз Қаюмов илғор совет кишиси, совет адабиётшунос олимнинг кўзи билан қараб, у тўғрида кўп фактик материалларни келтиради. «Инқилоб ва ижод» асарида муаллиф Ҳамзанинг ижодий фаолияти билан сиёсий фаолиятидаги бирликни, унинг социалистик реализм методи асосида ижод қилувчи ёзувчи даражасига кўтарилишини кенг ёритади. Ҳамза тўғрисида ёзган ишларининг ҳаммаси Лазиз Қаюмовни 1963 йилда «Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва поэтик ижоди» деган темада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлашга олиб келди. Худди шу тарзда иккинчи доvon ҳам ошиб ўтилди, ўттиз ёшларида филология фанлари доктори деган юксак илмий даражага эга бўлди.

«Шоира Зулфия» (1965) монографиясида муаллиф бу заҳматкаш шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, ўзига хос поэтик оламини кенг ўқувчилар оммасига та-



ништиради. Зулфия ижодининг юксак поғоналарига кўтарилишидаги бурилиш нуқталарни таҳлил қилади ва шоиранинг адабиётимизда тутган ўрнини кўрсатиб беради. «Замондошлар» (1972), «Қардошлар» (1973), «Аср ва наср» (1975) ва бошқа китоблари Лазиз Қаюмовни қамрови кенг олим ва универсал адабиётшунослардан бири сифатида характерлайди. Масалан, «Замондошлар» китобида ўзбек совет адабиётининг 27 вакили ҳақида лутф қилади.

Бу китобнинг қатор хусусиятларидан айримларини махсус таъкидлаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки, бу типдаги асар ўзбек совет адабиётшунослигида деярли йўқ. Ўттизга яқин ижодкорлар ҳақида (турли даврларда ижод қилган ва индивидуал услуби хилма-хил бўлган, ҳар хил жанрларда қалам тебратган) бир йўла мулоҳаза юритишнинг ўзига хос қатор мураккабликлари мавжуд. Кенг кўламда мушоҳада юритиш, ўзбек совет ва классик адабиёт тарихига кенг назар ташлаш, адабий жараёни атрофлича синчковлик билан кузатиш, ҳар бир ижодкорга хос етакчи хусусиятларни кўра олиш, баҳолаш эса, катта билим, донолик талаб қилади. Биринчидан, муаллиф ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос етакчи хусусиятларини белгилашга интилади ва шу асосдан келиб чиқиб, фикр-мулоҳаза юритади. Илмий муомалада мавжуд бўлган асосий фикрлар шу тарзда янада мустаҳкамланади ва тўлдирилади. Иккинчидан, фикрий қувватнинг кенглиги ва чуқурлиги ҳар бир ижодкорнинг умум адабиётимизга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини тўғри белгилашга имкон берган. Учинчидан, муаллиф ўзининг жонли хотираларига таянган ҳолда иш кўради. Маълумки, ўзбек совет адабиётшунослигида санъаткорлар ва улар яратган асарларнинг туғилиши жараёни, пишиб етилиш тарихи ҳақидаги хотираларини ёзиш кенг йўсинда одат тусига кирмаган эди. Назаримда ана шу ҳаётини усулдан мақсадга мувофиқ кенг фойдаланиш эса, китобхоннинг ижодкор ва унинг асарлари

ҳақидаги тасаввурини бойитади. Бадий ижод аҳли билан жуда яқиндан мулоқотда бўлиш бундай усулдан мақсадга мувофиқ фойдаланишга имкон беради. «Замондошлар» китоби шу жиҳатдан ҳам жиддий аҳамиятга молик. 1973 йилда профессор Лазиз Қаюмов «Замондошлар» ва «Ҳамза» асарлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди. Тадқиқотчининг «Ҳамза» асари «Ёш гвардия» нашриётида илк бор ташкил бўлган «Ажойиб кишилар» сериясида биринчи бўлиб чоп этилди. Муаллиф бу ўринда аввалги асарларидагидек, биринчидан, Ҳамза архивидаги материалларга кенг мурожаат қилади. Тарих тилга киради. Иккинчидан, Қомил Яшин, Мария Кузнецова, Миршоҳид Мироқилов, Тожизода эсдаликларидан парчалар келтирилади ва шу орқали шоирнинг жонли сиймосини, шахсиятини гавдалантиришга муяссар бўлади.

Л. Қаюмов «Қардошлар» асарида ўзбек адабиётининг интернационал алоқаларини кенг планда тадқиқ этади. «Аср ва наср»да эса адабиёт назариясининг баъзи масалаларига алоҳида эътибор беради ва ўзбек совет насрининг тараққиёт йўлларини кузатади. Адабий-танқидий мақолаларидан таркиб топган бу китобида муаллиф ўзининг аввалги ишларидаги назарий кузатувларини муайян даражада кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Бу ҳол китобнинг ўзбек насри тараққиёти тадқиқ этилган қисмига ҳам тўла тааллуқли.

Ҳамза ижодининг қудратли манбаларини текширганда, тадқиқотчи шоирнинг буюк маданий бойликлар заминида камол топаётганига алоҳида эътибор берган эди. Бу ҳол «Навойи ва Ҳамза», «Фурқат ва Ҳамза» каби қатор мақолаларида кўрилган эди. Шундан кейин ҳам Лазиз Қаюмов ўзбек адабиёти тарихи ва унинг вакиллари ижодига бир неча бор мурожаат қилди. Бу ўринда унинг ўзбек шоираси Анбар Отин ҳақидаги ишларини эслашнинг ўзи кифоя. Бу шоиранинг адабиёт тарихида шарафли ўрнини тиклашда жиддий хизмат қилди. Олимнинг

сўзбошиси билан Анбар Отиннинг танланган асарлари нашр этилди.

Лазиз Қаюмовнинг ижодий фаолиятида адабиёт назариясига оид ишлари ҳам салмоқли ўрин тутди. Бу жиҳатдан унинг «Бадий ижодда ленинча таълимот» (1971) ва «Аср ва наср» (1975) китоблари характерли.

Ҳозирги замонавий адабий жараён, ўзбек совет адабиётининг улкан ва навқирон вакиллари ижодини кузатиб бориш эса адабиётшунос ижодий фаолиятининг марказини ташкил этади. Бу борада унинг йигирмадан ортиқ китоблари чоп этилди. У адабиётшунос ва мунаққид сифатида Бутуниттифоқ миқёсида кенг танилди. Чунки, мақолалари «Литературная газета», «Дружба народов», «Вопросы литературы» ва «Литературное обозрение» журналларида тез-тез босилиб туради. Айни чоқда, Лазиз Қаюмов чет элларга қилган сафарларида кўп миллатли совет адабиётининг, шу жумладан, ўзбек адабиётининг оташин тарғиботчиси сифатида фаол хизмат қиляпти. У Америка Қўшма Штатларида, Шри Ланка, Австрия, Ливан, Ироқ, Болгария, Польша, Югославия, Венгрия, Германия Демократик Республикасида бўлган пайтларида шундай фаоллик кўрсатди.

Лазиз Қаюмовнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти кўп қирралидир. Забардаст олим—адабиётшунос ва ўткир танқидчи, истеъдодли публицист ва жамоат арбоби. У киносценарист сифатида ҳам танилди. Унинг сценарийлари асосида «Барҳаёт Ҳамза», «Ғафур Ғулом», «Гул сайли», «Ҳамза театри», «Инқилоб куйчиси» каби илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар суратга олинди, томошабинларга манзур бўлди. Булардан ташқари, у «Меридианлардаги учрашувлар» ва «Қалдирғоч» каби асарларнинг муаллифи.

Осиё ва Африка Бирдамлик комитети Ўзбекистон бўлими раисининг ўринбосари, Ўзбекистон «Билим» жамияти тил ва адабиёт секциясининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Президиуми ва СССР Ёзувчилар союзи

правленияси ҳамда Халқаро адабий танқидчилар уюшмаси (МАЛК)нинг аъзоси, Ўзбекистон Езувчилар союзи танқидчилик секцияси раиси сифатида Лазиз Қаюмов кенг кўламда жамоат ишларини олиб бормоқда.

Истеъдодли олим ва танқидчи ўзининг эзгу нияти йўлида ҳормай-толмай фаол меҳнат қилмоқда. У жуда навқирон. Ҳозир олимнинг ижодий фаолияти гуллаган, айна ҳосилга кирган пайт. Ҳозиргача қилган ишлари ва эришган ютуқлари унинг юксак парвозини намоён қилади. Парвознинг давоми бор. Олдинда янги уфқлар. Уфқлардан уфқларга.



Адабий танқидчи мутафаккирдан ақллироқ, санъаткорларга нисбатан талант-лироқ бўлиши керак.

*Л. Толстой.*

### **МАТЕКУБ ҚУШЖОНОВ**

«Шундай кишилар борки,— деб ёзганди улуғ танқидчи В. Г. Белинский,— улардаги заковатда ижодий ташаббускорлик бор. Улар ҳамма нарсага қандайдир бошқача, янгича қарайдилар... ҳамма нарсада бошқа ҳеч ким кўра олмайдиган томонларни кўради ва ҳамма илгари шунини пайқаманган эканмиз, деб таажжубланади...»

Бундай ноёб талантлар, нозик ва теран фикрли истеъдодлар адабиёт майдонида камдан-кам пайдо бўлади. Ёрқин истеъдодлар ўзига хос услуби, текшириш усули ва таҳлил қилиш санъати билан бир-биридан фарқланиб туради. Бадий ижоддек мураккаб жараёнда баъзан ёрқин бир асаридан кейин орқага чекиниш ҳоллари, баъзан юқори поғонага кўтарилиш ҳоллари учраб туради. Баъзиларида эса йилдан-йилга, асардан-асарга маҳорати ошаверади, ҳар бир янги асари билан маълум даражада кашфиёт яратиб, талантининг яна бир янги қиррасини

кўрсатади. А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор маҳорати ҳақида ғоят жиддий тадқиқотлар муаллифи, филология фанлари доктори, нозик ва теран фикрловчи Матёқуб Қўшжонов ана шундай олимлардан биридир.

У Туркменистон ССРнинг Тошовуз районидаги Жалланг қишлоғида (1918 йил, 5 май) оддий чўпон оиласида дунёга келди. Шундай муҳитни бошимдан кечирганим учун ҳам биламанки, бу хилдаги оилалар адабий таъқидни, ҳатто адабиётшуносликни хаёлларига ҳам келтирмайдилар, лекин китобларга муқаддас бир нарса, деб қарайдилар. Уларни ёзган кишиларни пайғамбар деб атайдилар. Лекин бундай китоблар ўзлари сингари оддий кишилардан чиққан талантлар томонидан вужудга келиши ҳақида жиддий бош қотириб ўтирмайдилар.

Энг муҳими — янги турмуш тўлқини ана шундай биқик ва ўзига хос мағрур кишилар муҳитига ҳам кириб борди ва асрлар мобайнида шаклланиб, бир мақомга тушиб қолган бундай муҳитда жиддий ўзгариш қилди. Янги ҳаёт тўлқинининг бундай муҳитни бутунлай қамраб олишида, ундаги кишилар интилишида алоҳидалик кўзга яққол ташланади. Турмуш йўлининг оддийлиги тўфайли янги ҳаёт тўлқинига, қалбини мафтун этган нарсаларга садоқат билан табиий қараш кўз илғамас даражада сеҳрли, жозибали бўлади. Буни узоқ қишлоқларда чўпон болаларига мактабларда дарс берган моҳир педагогина чуқур ҳис қилиши мумкин. Илмга ташналиккина эмас, китобларда ёзилган нарсаларни муқаддас деб билиш, уларни бутун қалби билан ўзлаштиришга қандайдир мусаффо туйғу, содда, табиий бир йўсинда интилиш. Ёш Матёқуб шундай ҳолатларни бошидан кечирди. Яйловга боришда одатда белбоғига нон тугиб олишди. Энди эса китоб-дафтарни ҳам қўлтиқлаб юриш одат бўлиб қолди.

Одатда содда оила муҳитида вояга етган кишиларда инсоний меҳр табиий ва айниқса кучли бўлади, дейишди. Уқишга меҳр қўйиш ҳам шу хилда кечади. Шу боис-

дан бўлса керак, тўлиқсиз ўрта маълумот олган ўн беш ёшли бола ўз қишлоғидан 600 километр узоқда жойлашган Чоржўйдаги ўқитувчилар тайёрлаш техникуми сари йўл олади. Билим юртини тамомлагач, 1942 йилгача Тошовуз областидаги ўрта мактабларнинг бирида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1942—1945 йиллар мобайнида у «Ленинград», «Волхов», «1-Прибалтик» фронтларида қатнашди. Жанглардаги жасорати учун «Иккинчи даражали Ватан уруши ордени» ва қатор медаллар билан мукофотланди. 1943 йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Коммунист жангчи урушдан кейин Тошовуз ўқитувчилар институтида чала қолган ўқишини охирига етказди. Сўнгра 1946 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига кирди. Университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, 1950-1953 йиллар мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида инструктор лавозимида ишлади. Айни вақтда, филология факультетида студентларга лекциялар ўқиди. 1953 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясига кириб ўқиши учун тавсия қилди. Ўқиш давомида у ўз қобилияти ва фикрлаш доирасининг кенглиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турарди.

М. Қўшжонов КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясини битириб қайтгач, 1957-1960 йилларда Тошкент Давлат университети филология факультетининг ўзбек адабиёти кафедрасида педагог бўлиб ишлади. 1960 йили А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига катта илмий ходим бўлиб ишга ўтди у ҳозир у институт директори, олимлар карвонбошисидир. М. Қўшжоновнинг адабий танқидчилик ва адабиётшунослик фаолияти Ижтимоий Фанлар академиясида таҳсил олаётган пайтларида бошланди. 1956 йили «Ўзбекистон маданияти» (4 апрель) газетасида

«Бир танқидий-биографик очерк ҳақида» номли биринчи тақризи эълон қилинди.

Давр талаби, адабий танқидчи бўлишдек қийин соҳанинг масъулиятини чуқур ҳис этган ёш олимнинг бу тақризи унинг келгуси истиқболидан дарак берди. Адабиётшунос Н. Владимированинг Зафар Диёр ҳаёти ва ижодига бағишланган танқидий-биографик очерки муносабати билан матбуотда босилган илк тақризидаёқ китоб авторининг ўзбек адабиётшунослигида аллақачон шаблонга айланиб қолган йўлдан борганлигини рўйири кўрсатди. Яъни ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиғиш ва шу асосда уларнинг ғоявий-тематик йўналишини баён қилиш, бадий асарларни эса фақат тематик планда текшириш билан чекланганини — бу хилдаги ишлар адабиётшунослигимиздаги ачинарли аҳволни яхшилаш олмаслигини ачиниш билан қайд этди ва ўзбек адабий танқидчилигининг сира кечиктирмай ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларини ўртага ташлади: «Ҳозирги кунда жамоатчилик шоир ёки ёзувчиларимиз ижодининг ўзига хос томонини, асарларнинг бадийлик даражасини очиқ берувчи, уларни бадий жиҳатдан чинакам таҳлил қилувчи илмий асарларга муҳтож, улар санъаткорларимизнинг характерлар яратишдаги, сюжет ҳамда композицияни қуришдаги принципларини, асарларда олинган конфликтларни ечиш йўллари, ниҳоят бу йўлда қўллаган бадий ифода воситаларини, асарларнинг бадий тил воситаларини кўрсатиб берувчи тўлақонли танқидий-биографик очерклар яратишини кутмоқда». Бу тақризнинг босилганига йигирма йилдан ошди. Ҳозирги савия анча баланд. Лекин ўша пайтларда М. Қўшжонов қўйган юқори талабларга жавоб бериш анча мушкул эди. Тўғри, бирор ижодкор ёки унинг бирор асарларини чинакам ғоявий-эстетик планда таҳлил қилиш учун юксак, етарли савия ҳам керак. Бу ўринда унинг яна бир мақоласини эслатиб ўтмоқчиман. Худди шу йили — 1956 йилда М. Қўшжоновнинг ёзувчи А. Мух-



торнинг «Опа-сингиллар» романига («Шарқ юлдузи», № 5) бағишланган мақоласи босилиб чиқди. Бу мақола-ни курсдошларим билан икки-уч марта ўқиб чиққанамни ҳали-ҳали эслайман. Чунки, бу мақола ўша пайтларда газета-журналларда босилган мақолалардан кўп жиҳатдан фарқ қиларди...

Биз филолог студентлар шу йиллари жаҳон адабиёти-нинг дурдоналарини, айниқса, рус адабиётининг класси-ги ҳисобланган асарларни синчиклаб мутолаа қилар эдик. Чунки, устоз ўқитувчиларга бу адабиётлардан имтиҳон топширишимиз зарур эди. Олти ой ичида сак-сонга яқин йирик асарларни ўқиб, қисқача конспект қи-либ чиққанамни ҳали-ҳали эслайман. У пайтларда имти-ҳондан «уч» баҳо олган студентларга стипендия берил-масди. Бизлар эса бусиз яшашимиз қийин эди. Қолавер-са, ёшлар орасида рус классик адабиётига қизиқиш жуда кучли эди. Шу туфайли бўлса керак, ўша пайтда «Опа-сингиллар» романи биз ёшларга анча жўн кўрин-ганди. Ёзувчи иштирокида студентлар орасида бу роман хусусида бўлган қизгин мунозарани ҳамон эслайман. Жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари билан таниш бўлган студентлар бу романга шундай юксак талаблар билан ёндашиб, танқидни ҳийла бўрттириб юборишди. Ҳатто ёзувчининг таажжублангани билиниб турарди. Мажлис раисининг ёзувчи таланти, романнинг фазилат-лари хусусидаги гаплари ҳам деярли қор қилмади... М. Қўшжоновнинг бу романга бағишланган мақоласида асарнинг ўзбек адабиётида ва унинг муайян бир даври-да тутган ўрни асосан тўғри белгиланган эди. Рус совет адабиётида бу хилдаги асарларнинг жуда эрта вужудга келгани, эндиликда эса ўзбек адабиётида ҳам яратилаёт-гани — шу нуқтада ёзувчи эришган ютуқлар анча ба-тафсил кўрсатилганди. Мақоланинг бизга манзур бўлган моментларидан бири ҳам ана шунда эди. У баландпар-воз гаплардан, сийқаси чиқиб кетган сўзлардан, бўтқа мулоҳазалардан холи эди. Иккинчидан, асарнинг ютуғи

ҳам, камчиликлари ҳам ичдан — асар таҳлили орқали кўрсатилгани учун манзур бўлди. Бир сўз билан айтганда, роман ғоявий-эстетик планда таҳлил қилинган эди. Ғоявий-тематик планда ёзилган, лекин бунинг ҳам юқори намунаси бўлмаган жуда кўп мақолалар бизга «ҳазм» бўла бермас, эътиборимизни тортмасди. Шундай бир пайтда М. Қўшжоновнинг мақолаларига қизиқиш кучайиб борди. Чунки, уларни ўқиб баҳслашардик, энг муҳими — мақолаларида айtilган фикр-мулоҳазаларнинг таҳлил орқали далилланишига, фикрларнинг мантиқий кучига, санъат асарларининг гўзаллик оламини чуқур ҳис қилишига тан берар эдик. Мақолалари худди шу жиҳатлари билан бизда унга меҳр уйғотди. Адабиётнинг чинакам ихлосмандлари орасида бу олим билан учрашиш, шахсан суҳбатлашиш истаги кучайиб борди. Домла бизда махсус курсдан лекциялар ўқиди. У одатдаги лекцияларга сира ўхшамасди. Уни шартли равишда лекция-суҳбат дейиш мумкин. Биргина мисол. Сюжет ёки композиция. Аввал сюжет хусусида таниқли адабиёт назариячиларининг фикрини келтирарди. Бу бизга таниш эди. Кейинчалик эса, атоқли санъаткорларнинг бадиий асар сюжети ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларини келтирарди. Бу бизга янгилик эди. Шундан кейин ўзининг мустақил қарашларини айтар эди. Бу бизга бутунлай янгилик бўларди. Худди шу тарзда ўзбек адибларининг прозаик асарлари илмий муомалага олиб кириларди. Қимнинг фикрларига кўпроқ ишониш масаласи бевосита бизнинг ўзимизга ҳавола қилинарди. Ҳар икки момент, яъни ўзбек совет адибларининг асарлари бу проблемалар бўйича янгича текширилиши ва илмий муомалага шу тарзда олиб кирилиши, ниҳоят, буларнинг қанчалик тўғрилиги бизнинг ҳукмимизга ҳавола қилиниши, булар, биз учун кутилмаган бир ҳодиса эди. Худди шу тарзда бизни қизиқтириб, фаоллаштириб, илмий фикрлаш оламига олиб кирарди. Бунинг мен шартли равишда лекция-суҳбат деб атадим. Бунинг мазмунига

мувофиқ номини, балки, бошқалар айтар. Шундан сўнг олим кетма-кет «Эстетик дидни ўстириш тўғрисида баъзи мулоҳазалар» («Қизил Ўзбекистон», 2 октябрь 1958), «Эстетик дидни ўстиришга эътибор бериш лозим» («Шарқ юлдузи», 1958 йил, № 9) сарлавҳали мақолаларини ёзди. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари ҳақидаги, «Бадний асар композицияси ҳақидаги мулоҳазалар» («Ўзбекистон маданияти», 12, 16, 19 март, 1958), сюжет ва конфликт, характер ҳақидаги қатор мақолалари, ниҳоят «Ҳаёт ва маҳорат» (1962) номли йирик асарлари худди шу тарзда, студентларга ўқилган лекциялар сифатида вужудга келди.

Атоқли олим И. Султонов 1957 йилдаёқ кўпгина адабиётшуносларни М. Қўшжоновдан ўрнак олишга даъват этган эди. Тадқиқотчи «Ойбек романларида характерларни тасвирлаш маҳорати» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини 1957 йили рус тилида ёзиб тугатган эди. У китоб бўлиб 1959 йили босилиб чиқди. Бу тема бўйича «Ойбек романларида сюжет ва характер» («Шарқ юлдузи», 1957 йил, № 12), «Қутлуғ қон» романининг сюжет ва композицияси» («Ўзбекистон маданияти», 16 март, 1957), «Ҳаётий конфликт ва характер яратиш» («Қизил Ўзбекистон», 16 ноябрь, 1957 йил), «Социалистик реализм мазмун ва форма жиҳатидан энг юксак метод» («Ўзбекистон маданияти», 27 август, 1958), «Ойбекнинг «Навой» романида Алишер Навоий характери ҳақида», («Идеи и образы художественной литературы», М., 1958 йил), «Ойбек романларида конфликт ва характер» («Ўзбек адабиёти масалалари», Т., 1959) номли қатор илмий ишлари босилиб чиқди.

1957—1959 йиллар орасида М. Қўшжоновнинг Одил Ёқубовнинг асари ҳақида «Дадил қадам» («Шарқ юлдузи», 1957 йил, № 4), «Қаҳрамон пахтакорлар ҳақида очерклар» («Ўзбекистон маданияти», 25 декабрь, 1957), «Ўзбек адабиётининг янги муваффақиятлари тўғрисида баъзи фикрлар» («Еш ленинчи», 27 сентябрь, 1958), «Ижод-

чиларнинг дўстона учрашуви» («Ўзбекистон маданияти», 8 октябрь, 1958 йил), «Нур қидирувчилар ҳақида қисса» («Ўқитувчилар газетаси», 30 сентябрь, 1958 йил), «Поэтик ғоя ва ҳаётни тўғри ўрганиш» («Тошкент ҳақиқати», 19 октябрь, 1958 йил) каби қатор мақола ва тақризлари эълон қилинди. «Вақти келиб, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихий яратилганда КПСС XX съезидан кейинги давр учун махсус боб ажратилиши шубҳасиз» — дейди Озод Шарафиддинов билан Умарали Норматов<sup>1</sup>.

Тўғри, биз КПСС Марказий Комитетининг тарихий XX съезидан кейинги кўп миллатли совет адабиётининг, шу жумладан, ўзбек адабиётининг ҳам ўз тарихий тараққиётида янги босқичга кўтарилгани ҳақида кўп гапирамиз, бу ҳақда катта ишлар қилинди. Лекин адабиётшунослигимиз ва адабий танқидчилигимизнинг янги босқичи, пайдо бўлган янги-янги тенденциялар ҳақида яхлит тасаввур берадиган бирор жиддий иш ҳамон юзага келгани йўқ. Мен бу ўринда фақат бир нарсани, яъни маҳорат масаласига эътибор беришнинг аввалги йилларга нисбатан фавқулодда кучайганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу энг аввало танқидчиликда, махсус термин билан айтадиган бўлсак, бадий ҳодисаларга ғоявий-эстетик планда ёндашишдан иборат қудратли тенденция эди. Ҳаётбахш бу тенденция (узоқ йиллар мобайнида шаклланиб, бир мақомга тушиб қолган ва вульгар социологик қарашлар исканжасидан қутилиши қийин бўлиб келган) адабий муҳитга янги ва мусаффо тўлқин олиб кирди. Тўғри, бу тенденция гўё пичоқ билан ёғни кесгандек ёки хакирдан қилни суғиргандек осонгина амалга ошгани йўқ. Янги-янги йўналишлар, кучли тўқнашувлар, фикрий олишувлар орқали амалга ошиши ҳам мумкин, айни пайтда, янги чўққига ҳар тарафлама наму-

---

<sup>1</sup> Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов. «Сермаҳсул ижод саҳифалари». «Гулистон», № 7, 1971 йил.

нали асарлар яратиш орқали эришиш ҳам мумкин. Бизда асосан кейинги йўлга амал қилиш билан эришиш кучлироқ кўринди. Бу тўлқин авваллари баъзи бир кишиларни анча довдиратиб қўйди, лекин адабиёт майдонига интилаётган янги кучларни руҳлантириб, бадий асарларнинг ғоявий жиҳатигина эмас, айтилиши вақтда, бадий жиҳатлари хусусида ҳам жиддий мулоҳаза юритишга даъват этди. Бу тўлқинни олиб кирган конкрет шахсларнинг номларини тилга оладиган бўлсак, биринчилар қаторида Матёқуб Қўшжонов номи туради. Шу сўзнинг асил ва кенг маъносида у маҳоратли танқидчи сифатида тез шуҳрат топди. Шу туфайли унинг биринчи китобига ёзилган адабиётшуносларнинг тақризи «Ёзувчи маҳорати ҳақида илмий асар» деб аталди. Ўзбек адабиётшуносларидан Б. Имомов билан Б. Ғуломов «Ўзбекистон маданияти» (20 июнь, 1959 йил) газетасида босилган бу тақризда ёзадилар: «Ўзбек совет адабиёти фанида санъаткорларимиз ижодий фаолияти ҳақида ёзилган танқидий-биографик очерклар, тарихий-адабий обзорлар, ғоявий-тематик жиҳатдан анализ қиладиган мақолалар яқин вақтларгача асосий ўринни эгаллаб келди.

Ёзувчиларнинг характер яратиш маҳоратини кўрсатиш, композиция, сюжет, конфликт, бадий тасвир воситаларининг ўзига хос томонларини назарий планда ёритиб бериш орқали санъаткорларимиз ижодий лабораторияси сирларини очиб бериш соҳасида адабиётшунос ва танқидчиларимиз дастлабки қадамларни ташладилар.

Кейинги бир-икки йил ичида эса умуман адабиётимизнинг бир қанча назарий масалаларини, хусусан бадий маҳорат масалаларини илмий асосда ишлаб чиқиш борасида жонланиш сезилмоқда». Уларнинг фикрича, бу жонланиш биринчи навбатда М. Қўшжонов номи билан боғлиқ.

1959 йили Ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвада бўлган декадасига тақдим этилган бу асар таниқли

олимлар томонидан ўзбек совет адабиётшунослигининг ютуғи сифатида баҳоланди. Бу ўринда З. Кедрина ва Г. Ломидзе айтган фикрларни эслашнинг ўзи кифоя. Худди шу йилнинг бошида М. Қўшжонов бу китоби асосида ҚПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясида диссертация ёқлади ва илмий Совет истеъдодли ўзбек адабиётшуносига филология фанлари кандидати деган илмий даражани берди. Қисқаси, тадқиқотчининг улкан санъаткор Ойбек маҳорати ҳақидаги биринчи йирик илмий асари республикамизда адабий-танқидий фикрни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди ва бу монография ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги ўзининг тарихий тараққиётида янги босқичга кўтарилаётганини рўйирост намойиш қилди.

М. Қўшжоновнинг 1959-1962 йиллар орасида ўзбек ва рус тилида босилиб чиққан ўнлаб мақолалари уни адабиётимизнинг чинакам жонкуяри даражасига кўтарди. Унга Ойбек ва А. Қаҳҳор, И. Султон каби улкан санъаткорлар тан беришди. Олимнинг «Аттанг» номли мақоласи республикада катта шов-шувга сабаб бўлди. Таъбир жоиз бўлса, бу йилларда чинакам ўзбек адабий танқиди М. Қўшжонов сиймосида жиддий салоҳият касб этди. Бу фикрни унинг «Ҳаёт ва маҳорат» (1962) номли китоби ҳам тўла-тўқис тасдиқлайди. Танқидчи ўзбек адибларининг бадий маҳорати тўғрисида, санъат асарларида улкан темаларни ёрқин, мукаммал форма билан ифода-лаш зарурлиги хусусида атрофлича кенг ва чуқур фикр юритди. Айни вақтда олим бўш, ҳатто ўртамиёна асарларни эстетик планда таҳлил қилиш орқали кескин, лекин ишонарли танқид қилди. Худди шу хусусият унинг «Жизнь, характер, мастерство» (1963) номли китобида ҳам ёрқин кўринади. «Звезда Востока» журналида босилган ўнлаб мақолалари ва юқорида зикр этилган икки китоби ҳамда Л. Бать билан ҳамкорликда ёзилган «Айбек» (М., «Советский писатель», 1966, тўлдирилган қайта нашри, 1976) номли монографияси унинг-номийи

Бутуниттифоқ миқёсида кенг танитди. Юқори савияда ёзилган бу асарлар китобхонларга манзур бўлди. Г. Ломидзе каби машҳур олимнинг олтмишинчи йилларнинг бошларидаёқ ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари орасида М. Қўшжонов ишларига махсус эътибор бериши ҳам бежиз эмас эди.

Тарихан қараганда, М. Қўшжонов ўзбек адабиётшунослари ва танқидчиларининг учинчи авлодига мансубдир. Даставвал, у бу авлоднинг кенжа вакилларидан бири сифатида адабиёт майдониغا кириб келди. Лекин қисқа муддатда қилган ишлари, самарали ижодий изла-нишлари уни бу авлоднинг олдинги сафига олиб чиқди. Яна бир изоҳ. М. Қўшжоновнинг ўзбек адабиётшуносли-ги ва танқидчилигида ёруғ юлдуз янглиғ пайдо бўлгани ва унга янги тўлқин олиб киришга шитоб билан интил-гани, ниҳоят, бу даврни унинг ишларисиз тўла тасаввур қилиш мумкин эмаслиги туфайли, мен уни учинчи авлод-га мансуб деб ҳисобладим.

Бу ўринда шуни ҳам махсус таъкидлаш керакки, М. Қўшжоновнинг қилган ва қилаётган ишларида уни ўзбек адабиётшунослари ва танқидчиларининг биринчи ва иккинчи авлоди билан боғлайдиган муҳим томонлар мавжуд.

Маълумки, ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир даври ўз қаҳрамонларини майдонга чиқаради. Давр ўз қаҳра-монлари қисматида бўлади. Бадий тараққиёт ҳам, ада-бий танқиднинг ривожланиш босқичлари ҳам ана шун-дай — улар ҳам ўз қаҳрамонларини майдонга келтиради. Ривожланишнинг ҳар бир босқичи асосан ана шу кучлар зиммасига тушади. Бундай «оғирлик»ни масъулиятли ҳис қилганлардан бири М. Қўшжонов бўлди.

Тўғри, бу даврдаги адабий танқидчилик аввалги даврлардаги тарихий тараққиётнинг яна бир янги чўққиси бўлди. Бу чўққини эса М. Қўшжоновнинг адабий-танқидчилик фаолиятисиз тўла тасаввур қи-лиш мумкин эмас. Демак уни аввалги биринчи ва

иккинчи авлодлар билан боғлайдиган бош нуқта-лардан бири ана шунда! Энг характерли хусу-сиятлардан бири шундаки, бу чўққига М. Қўшжонов ўзидан аввалги адабий танқидчиларни бутунлай инкор этиш йўли билан эмас, балки уларнинг энг кучли томон-ларини ривожлантириш ва энг муҳими — ўзига хос янги, оригинал йўл билан кўтарилди. Мен адабий танқидни, унинг намояндаларини ўйлаганимда, хаёлимга беихтиёр ўзбек миллий ўйини — дорбоз ва унинг ижрочиси келади. Ниҳоят мураккаб машқда ижрочи ҳамманинг кўз ўнгиди жуда юқорида тортилган биргина арқон устида тик юришда ўз мувозанатини сақлаш, маҳоратини кўрсатиш учун лангарини тутати. Тўғри, тута олмаса ўз мувоза-натини йўқотади. Моҳир дорбоз бунга яхши билади. Мо-ҳир танқидчи ҳам баъзан худди шундай. Ҳамманинг эътиборида турганини яхши билади. М. Қўшжонов бил-лан бирга бир қанча кишилар адабиёт майдонида тан-қидчи сифатида отилиб чиқдилар. Лекин кўплари ўз мувозанатини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қуролини тўғри тута олиш санъатини муносиб даражада намоёиш қила олмадилар. Қоқилиб кетишлар, думбалоқ ошиб тушишлар рўй берди. М. Қўшжонов эса моҳир танқид-чилик санъатини намоёиш қилди. Бунинг «сирлари»дан бири, менинг назаримда, адабий ҳодисаларга (унинг ким томонидан яратилганидан қатъий назар) шу сўзнинг асил маъносида холисона муносабатда бўлиши, ижод-даги чинакам партиявийлиги ва адабиётнинг истиқболи учун ҳақиқий жонқуярлиги, фидойилигидир.

М. Қўшжонов асарлари ва мақолаларини ичдан нур-лантириб турган нодир хусусиятлар фақат ёшлар ва ўз тенгқурларигагина эмас, айни вақтда, кекса адабиётшу-нос танқидчилар ва машҳур санъаткорларга ҳам бирдай манзур бўлди. Ўзининг нодир таланти ва қалби мусаффо инсонлиги билан барча катта ва кичик ижод аҳллари орасида алоҳида обрў топди. У ҳеч бир қоқилмасдан то-бора ўз маҳоратини ошириб, ҳамманинг эътибори ва



ҳурматини қозониб борди. Бу ҳол унинг А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор сингари атоқли адиблар ҳақида ёзган ишларида кўринди. Янада тўғрироғи, бу санъаткорлар маҳорати «сирлари»ни ҳеч қандай шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган даражада кенг ва чуқур кўрсатиб берди. Ойбек ижоди ҳақида М. Қўшжоновга қадар ҳам юзлаб мақолалар, бир неча монографиялар, ўнлаб диссертациялар ёзилган эди. Айниқса, атоқли адабиётшунос Ҳ. Еқубовнинг ишларидан кейин бу борада ҳаммага манзур бўладиган фундаментал иш қилиш ниҳоятда қийин, амримаҳол эди. Бунинг учун фақат талантнинг ўзигина кифоя қилмасди. Жуда катта билим, кенг диапазон ва чинакам эрудиция талаб этиларди. 1965 йили «Ойбек маҳорати» монографиясининг вужудга келиши ойбекшуносликни янада юқори босқичга олиб чиқди. Ойбекшуносликнинг янги босқичга кўтарилиши — бу, айни вақтда, умуман ўзбек адабиётшунослигининг янги босқичини рўйирост кўрсатар эди. Ун йилдан кўпроқ тинимсиз изланишлар (шу жумладан, бир неча йил Москванинг жаҳонга машҳур олимлари даврасида бўлиш, марксча-ленинча эстетик қарашларни, рус классик танқидчиларини синчиклаб ўрганишлар) ва жасоратга тўлиб ижод қилишлар шундай фундаментал ишнинг юзага келишини таъминлади.

Суҳбатларнинг бирида М. Қўшжонов номи тилга олиниши биланоқ Ойбек домланинг тўлқинланиб «Яхши! Хива-Хива!» дегани ҳамон ёдимда. А. Қаҳҳорнинг эса бу «Ойбекнинг хизматига яраша китоб бўлибди», дегани ҳамон эсимда. Мен шахсан А. Қаҳҳорнинг адабиётшунослар ишларига бу қадар тан бериб гапирганини камдан-кам эшитганман.

М. Қўшжонов томонидан биринчи бор очилган илмий кашфиёт — бу бадий ижодда инсон характерини яратиш проблемаси бўлди. Характернинг умуман бадий ижодда, хусусан прозаик ва драматик асарларда тутган ўрни биринчи бор кенг йўсинда илмий кўрсатилди ва

энг муҳими — бадийят мезони сифатида атрофлича чуқур таҳлил орқали исбот этилди. Шунга мувофиқ бадий компонентлар тадқиқ этилди. Характерга боғлиқ ҳолда конфликт, сюжет, композиция проблемалари ўзбек адабиётшунослигида биринчи бор атрофлича чуқур ва кенг планда текширилди. Ойбек ижодининг дастлаб М. Қўшжонов очган бу муҳим хусусиятлари ана шу масалаларда кўринди. Ойбек поэзиясининг эпиклик хусусиятини дастлаб илмий йўсинда тадқиқ қилди. Қисқаси, социалистик реализмнинг мазмун ва шакл жиҳатидан ҳам юксак методлигини Ойбекнинг классик асарларини кенг ва чуқур таҳлил қилиш орқали ишонарли исбот этди. Демак, ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми бўлган ойбекшуносликни энди маҳоратшунос олим М. Қўшжоновсиз тўла тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Унинг улкан хизматларидан бири ана шунда!

Мен бу адабиётшуноснинг ижодий лабораторияси билан шахсан таниш бўлганим учун кунлардан бирида «энди навбат А. Қаҳҳор маҳорати ҳақида китоб ёзиш» бўлса керак деб сўрадим. Чунки, «Синчалак» повести таҳлил қилинган мақоласиданоқ бу адиб маҳорати ҳақида китоб ёзишини билардим. Менинг саволимга «А. Қодирий ҳақидаги ишимни ўзбек тилида тайёрлаяпман. Шундан сўнг навбат А. Қаҳҳорга», деб жавоб берди. Мен ўқиб юрган пайтларимдаёқ «Ўтган кунлар» романи ҳақида рус тилида (юз бетдан кўпроқ) ёзилган ишини кўрган эдим. М. Қўшжонов муҳим ишларининг баъзиларини энг аввало рус тилида эълон қилиш учун интиларди. Буни мен аввалдан билардим. 1963 йили рус тилида босилиб чиққан «Жизнь, характер, мастерство» номли китобида А. Қодирийнинг бу романи таҳлилига бағишланган жуда катта мақоласи анча қисқатирилган шаклда берилди. Китобнинг А. Қодирий романи таҳлилига бағишланган бобида тадқиқотчи А. Алиевнинг мазкур ёзувчи ижодий методини аниқламасдан қилган илмий ишидан таажжубланган эди. Худди шу йили «Ўзбек со-

вет адабиёти тарихи очерки» номли коллектив ишнинг муҳокамасида М. Қўшжонов А. Алиевни танқид қилар экан, ўз фикрини аниқ баён этди. Муҳокама ҳақида босилган материалда бунга алоҳида эътибор берилди: «М. Қўшжоновнинг фикрича, А. Қодирийнинг ижодий методи — танқидий реализм методидир. Шу сабабли унинг асарларига социалистик реализм методи нуқтаи назаридан эмас, балки танқидий реализм талаблари билан қарамоқ лозим»<sup>1</sup>. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида бу ёзувчи методи ҳақида биринчи марта шундай аниқ ва қатъий фикр айтилди. Шу ўринда бу фикрга кичик изоҳ бериш зарурияти бор. Маълумки, биринчидан, танқидий реализм методи билан 20- йиллардаги унинг кўриниши орасидаги муайян фарқларни, ундаги жиддий ўзгаришларни унутмаслик керак. Иккинчидан, А. Қодирий танқидий реализмдан аста-секин бевосита янги воқелик — замонавийлик таъсири ва ижодий изланишлари билан социалистик реализм позициясига келганини тан олмаслик мумкин эмас. Учинчидан, социалистик реализмга нисбатан классик (танқидий) реализм принциплари устун бўлган қатор асарлари билан ҳам ўзбек адабиётида янги методнинг шаклланиши ва камолоти учун буюк ҳиссасини кўрмаслик, тушуниб етмаслик кечирилмайдиган ҳол. Буларни шу ўринда махсус таъкидлашимнинг асосий боиси — ҳозирги пайтда ҳам А. Қодирий методи хусусида бир-бирларига бутунлай зид, ҳатто айрим вульгар социологик қарашлар очиқ-ойдин баён этилаётганидир. Қатор фактлардан фақат бирини эслатиш билан чекланаман. 20- йилларда бутун ўзбек адабиётида реализм учун кескин кураш бўлгани тарихий факт. Шу курашнинг марказида А. Қодирий турди. Энг муҳими — реализмнинг энг етук асарларини, классик романларини яратди. Қатор миллий адабиётларда бу йил-

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1963, № 2, 75- бет.

ларда реализм учун кескин кураш олиб бориш ҳам, унинг классик намуналарини яратиш ҳам — бу биринчи навбатда социалистик адабиёт учун бўлган мураккаб курашнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. А. Қодирий ана шундай ўзига хос улкан адиблардан ҳисобланади.

Кези келганда мен М. Қўшжоновнинг ижодига хос қатор характерли хусусиятлардан камиди иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улардан бири — адабий танқидчилик фаолиятини бирор йирик санъаткор маҳорати ҳақида йирик асар ёзиш билан қўшиб олиб бориш бўлса, иккинчиси — бу борадаги ишларини энг аввало рус тилида бостириб чиқаришидир. Адабий танқид энг аввало замонавий бадиий жараён билан шуғулланиб келган. Унга ўзининг реал муносабатини билдириши билан фаол ва жозибали бўлган. М. Қўшжонов ҳам худди шу йўл билан борди. У вақти-вақти билан А. Қодирий ва Ойбек типигаги улкан санъаткорлар ижодига мурожаат қилиб борди. Уларнинг маҳоратини, катта санъатини атрофлича кенг ва чуқур таҳлил қилиш орқали замонавий бадиий жараёнга самарали таъсир этиш йўлини излади, топди. Албатта, топилган энг тўғри йўл ҳам силлиққина амалга ошган эмас. Чунки баъзи бир таниқли кишилар ҳам А. Қодирий ижодига шубҳа билан қарар эди. Бу борадаги вазиятнинг мураккаблиги А. Қодирий санъатини намойиш қилишни, улкан адиблигини кўрсатишни анча оғирлаштирди. Шунинг учун энг аввало у кўп ишларини рус тилида ёзди ва чиқарди.

Ўзбек адабиётшунослари орасида М. Қўшжонов биринчи бўлиб А. Қодирийнинг улкан адиб эканлигини «Ўтган кунлар» романини юксак дид билан таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берди. «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1966) номли китоби билан «Ўтган кунлар» романи қайта яратилди. А. Қодирий ҳаётлик пайтидаёқ ўзига муносиб ҳайкал қўйган йирик адиблар сирасига мансуб. М. Қўшжонов ўз китоби билан бу ҳай-

калнинг замири ниҳоятда мустаҳкамлигини ва сеҳрли оламнинг жасорат билан янгидан кашф этди. А. Қодирийнинг ҳаёти ва қаҳрамонлар характери тасвирлашдаги юксак маҳорати, бу борадаги унинг ўзига хос нодир хусусиятларини, образлар яратишдаги моҳирлиги, қўллаган усулларини биринчи бўлиб М. Қўшжонов кўра олди ва жуда назик ҳамда юксак дид билан чуқур таҳлил орқали кўрсатиб берди. Социалистик реализмни эгаллай олмади, шу туфайли у ёки бу етишмайди, деганга ўхшаш туссиз гаплар, ноилмий қарашлар, қолаверса, социалистик реализмга тайёр қонун-қондаларнинг фақат оддий йиғиндиси сифатида нотўғри ёндашишлар қанчалик камайиб борса, чинакам тарихийлик принципи қанчалик чуқур томир отса, А. Қодирийнинг улкан санъатини илмий тарзда кўрсатиш шунчалик кучаяди. Бу борада ҳам М. Қўшжоновнинг ишларидан ибрат олиш керак. 1968 йили М. Қўшжоновнинг «Маҳорат сирлари» номли китоби босилиб чиқди. Бу асарда А. Қаҳҳорнинг катта эпик асарлари кенг планда таҳлил қилинди. 1970 йили эса бу адиб ҳақида «Ҳаёт ва нафосат» номли китоби чоп этилди. Бу асарида олим адибнинг ҳикоянавислик санъати ва драматик асарларини чуқур таҳлил этди.

Санъаткор А. Қаҳҳорнинг нодир хусусиятларидан бири — замонавий ҳаётни психологик таҳлил қилишдир. Бу жиҳатдан у жуда зўр истеъдод соҳибидир. «Сароб» психологик роман эканлигини, «Синчалак»нинг психологик повестлигини биринчи бор илмий асослаб берган ҳам М. Қўшжонов бўлди. Улкан адиб А. Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашларини биринчи марта атрофлича текшириб, илмий муомалага жасорат билан олиб кирган ҳам М. Қўшжонов эди. Олимнинг энг катта илмий кашфиётларидан яна бири — А. Қаҳҳорни ўзбек совет адабиётининг асосчилари сифатида кўрсатиши, яъни ўзбек ҳикоянавислигининг чинакам асосчиси эканлигини тўла жасорат билан исбот қилишидир. Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан табиий равишда шундай хулоса-

лар келиб чиқади. Биринчидан, кейинги 20 йиллик ўзбек совет адабий танқидчилигини М. Қўшжоновсиз тўла тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг бу даврдаги камолоти биринчи навбатда ана шундай улкан санъаткорлар маҳоратини таҳлил қилишда мужассамлашди. У танқидчилик соҳасида олим, олимликда эса етук танқидчи. Ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисмлари бўлган қодирийшунослик, ойбекшунослик, қаҳҳоршунослик М. Қўшжонов сиймосида янги босқичга кўтарилди. Бу адиблар ҳақида энг зарур гапларни айта олди, кўплаб тадқиқотчилар эътибордан четда қолган ажойиб фазилатларини кашф этди. Бу ҳол биринчи навбатда «Мастерство изображения характеров в романах Айбека» (1959), «Ҳаёт ва маҳорат» (1962), «Жизнь, характер, мастерство» (1963), «Ойбек маҳорати» (1965), «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1966), «Айбек» (1966), «Маҳорат сирлари» (1968), «Ҳаёт ва нафосат» (1970) ва бошқа монография характердаги илмий тадқиқот ишларида ўз инъикосини топди. М. Қўшжонов ҳақида «Маҳоратшунос олим» сарлавҳаси билан газетада мақола босилиб чиқди. У биринчи бўлиб шундай ном олди. М. Қўшжонов танқидчи ва олим сифатида ҳамisha адолатли, холис ва принципиал йўл тутиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг барча мақола ва китоблари жамоатчилик ҳурматиغا сазовордир. Атоқли сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор ижодини қиёсий ўрганишга бағишланган М. Қўшжоновнинг йирик илмий иши 1971 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта илмий кенгашида олимлар жамоатчилиги томонидан совет адабиётшунослик фанининг ютуғи сифатида юксак баҳоланди. Унга филология фанлари доктори деган юксак илмий даражани бериш тўғрисида яқдиллик билан овоз берилди.

Ҳозир М. Қўшжонов ижодининг айни ёз палласи. У янги-янги ижодий режалар ва ўйлар билан яшайпти. 1969 йили Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат ҳақида-

ги адабий портретлари китоб бўлиб чоп этилди. Иззат Султон ҳақидаги адабий портрети «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1972) китобидан ўрин олди. 1972 йили рус тилида «Уроки мастерства», 1973 йили ўзбек тилида «Ижод сабоқлари» номли китоблари босилиб чиқди.

Олимнинг А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор ижодига бағишлаб ёзган қатор китоблари, Қ. Муҳаммадий, Қ. Ҳикмат, И. Султон ҳақидаги адабий портретларини, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Омон Мухтор каби ёшлар ҳақида ёзганларини ўқиганимизда, ёзувчиларнинг асарларини ўқигандай таъсирланамиз, бадий завқ оламиз. Бадий асарни ўқиш жараёнида туғилган ҳис-туйғуларимиз қайтадан уйғонади. Асар қаҳрамонларининг индивидуал қиёфаси, бой ички дунёси, орзу-ўйлари кўз ўнгимизда янада ёрқинроқ гавдаланади. Бештиёр олим таҳлил қилган бадий асарларнинг кўп жойларини қайта ўқиб чиққингиз келади.

Ўзбек совет болалари поэзиясининг камолотига салмоқли ҳисса қўшган ва ўзига хос мактаб яратган отахон шоир Қ. Муҳаммадий, ёрқин таланти билан болаларнинг севимли шоири бўлиб қолган Қудрат Ҳикматнинг адабий портретларини яратар экан, олим ўзига хос йўлдан борди. Икки шоир ижодида кўпчиликка номаълум бўлган маҳорат «сир» ларини кашф этди.

Олим санъаткорлар ижодини юксак ғоявийлик ва бадийлик, мазмун ва шаклнинг бирлиги, мақсаднинг аниқ ва изчиллиги, услубнинг гўзал ва ранг-баранг, тилнинг бой ва ифодали бўлишига эришиш каби адабиётнинг муқаддас, эстетик принциплари нуқтаи назаридан текширади ва ҳар бирининг ўзига хос санъати ва муштарак томонларини очиб беради.

1973 йили танқидчининг уч китоби босилиб чиқди. «Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор», «Ижод сабоқлари», «Шомил Аляддин» номли китоб ва рисолаларида бугунги куннинг актуал масалалари хусусида фикр юритилади.

Адабий танқидчилик замонавий адабий жараёни атрофлича кенг ва чуқур таҳлил этиши, унинг ички ривожланиш қонуниятларини улкан истиқбол нури билан кўрсатиши, айтилиш вақтда, ҳар бир ижодкорнинг ўз имкониятларини тўла даражада адабий ҳодисаларга «кўчириш»га кўмаклашиши, истеъдодларининг тўғри йўлдан боришини таъминлашда ҳамроҳ ва елкадош бўлиши лозим. Бу борада Матёқуб Қўшжоновнинг хизматлари бе-ниҳоя катта.

Айниқса, унинг кейинги йиллардаги ўзбек поэзияси хусусида билдирган оз ва соз фикр-мулоҳазалари, устоз адибларимизнинг сабоқ бўларлик тажрибаларини умумлаштирувчи мақолалари, қатор ўзбек ёзувчиларининг ҳаёти ва ижодий йўлини оригинал усулда текшириш мақсадида ёзилган адабий портретлари кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиб келяпти. Масалан, «Ижод сабоқлари»да муаллиф адабиётшунослигимизнинг қатор ақтуал масалалари — коммунистик партиявийлик ва ижодкор масъулияти, замонавийлик ва маҳорат, шахсият ва ижод, санъаткорнинг мураккаб ижодий жараёни каби қатор жиддий муаммолар юзасидан қатор муҳим фикр-мулоҳазаларини мароқли баён қилади.

Китобдан ўзбек совет адабиётининг турли муаммолари ҳамда адабиётшуноснинг айрим назарий қарашлари ўрин олган бўлса-да, бу мажмуа турли-туман характердаги мақолаларнинг йиғиндисига айланиб қолмаган. Чунки, муаллифнинг ҳамма мақолалари негизда улкан бир мақсад ётади. Бу адабиётимиз истиқболининг янада порлоқ бўлиши истагини бутун асар руҳига моҳирона сингдириб юборилганлигидир. «Ижод сабоқлари»нинг ўзига хос фазилатларидан бири ҳам ана шунда.

Муаллиф ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаларидан тортиб, эндигина катта адабиёт майдонига кириб келаётган ёш ижодкорнинг илк асаригача муносабат билдирганда ҳам унинг учун бош мезон битта, яъни — ҳаётийлик. Олим бирор асарни баҳолар экан, унда ҳаёт



ҳақиқати бадий характерлар талқинида қанчалик ва қандай акс этганига эътиборни жалб этиб, бу ҳақдаги ўз ҳукмини изчил мантиқ билан асослай олади. Тўпламдаги қатор мақолаларда Ойбек, Шукрулло, И. Шамшаров, П. Қодиров, Ш. Холмирзаев, Сайёр, С. Қароматов каби ижодкорлар асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳам ҳаёт ҳақиқати тарозисига солиниб баҳоланади.

Китобнинг айниқса, Ойбек, А. Қаҳҳор, И. Султонов, Ҳамид Фулом, Шукрулло, П. Қодиров, И. Шамшаров, А. Орипов ижодини, уларнинг ғоявий-эстетик принципларини текширишга бағишланган адабий портрет ва портрет типидagi мақолалари янги фикрларга бойлиги, ижод жараёнини текширишда мақсаднинг аниқлиги, ижодкорнинг етакчи томонларини аниқлашда масалани тўғри қўя билганлиги билан эътиборга лойиқдир.

«Сабоқ бўларли тажриба фақат катталарда эмас, балки ёшларда ҳам бўлиши мумкин. Баъзан илҳом ва масъулият билан яратилган ёш авторнинг илк асари ўз авлоди руҳий дунёсидан дарак беради, ўзи яшаётган замон ҳаёти кўзгуси даражасигача кўтарилади»,— деб ёзади адабиётшунос «Ижод сабоқлари»нинг кириш қисмида.

Мунаққид китобнинг «Ёшлар ва ёшлар ҳақида» қисмида ёшлар ижодини ана шу эзгу ният билан текширади ва улардан ўрناق бўларли қатор фазилатлар топа олади. Хусусан, «Ҳаёт ва ватан мадҳи» мақоласида ёш шоир А. Орипов ижодий индивидуаллигига хос нодир фазилатларни топади. Унинг шеърятдаги образлиликни, ўзига хосликни таҳлил қилади. Тадқиқотчининг Ш. Холмирзаев, О. Мухторов ижодига оид мақолалари ҳам холисона ёзилганлиги билан эътиборга лойиқ.

«Ижод сабоқлари» ёшларга ўрناق бўларли фазилатларга бой асар. Шулардан бири, шубҳасиз, танқидчи самимиятидир. М. Қўшжонов ғоявий-бадий юксак асарларни ҳам, ғўр, бадий бўш асарларни ҳам таҳлил этаётганда холис мулоҳаза юритади. Бу хусусият «Қадрлан-

маган муҳаббат», «Алдашга бола яхши-я» мақолаларида янада бўртиб туради. Қисқаси, бошқа асарлари каби «Ижод сабоқлари» ҳам худди бадий асар сингари иштиёқ билан ўқилади. Китобхонни фикрлашга ундайди. Унинг бадий асарлардан олган эстетик завқини янада оширади.

Жасоратли мунаққид ва адабиётшунос олимнинг «Маъно ва мезон» (1974), «Моҳият ва бадийят» (1977), рус тилидаги «Талант қирралари» (1975), «Ойбек» (1976), «Маҳорат масъулияти» (1977) номли китоблари ҳам ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг принципиал ютуқлари бўлиб қолди. Унинг икки китоби («Маъно ва мезон», «Талант қирралари») Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. 1978 йили олимга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон берилди. 1979 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг навбатдаги йиғилиши да М. Қўшжонов шу академиянинг мухбир-аъзолигига сайланди. Айни вақтда шу йили унинг «С. Айний ва ўзбек адабиётининг шаклланиши», «Қўриқ» сабоқлари» (рус ва ўзбек тилида), «Ҳаёт ва қаҳрамон» номли китоблари чоп этилди. Қисқаси, устознинг қамрови бениҳоя кенг, фикрлаш доираси ғоят теран, мантиқи жуда кучли. У фаол муносабатда бўлмаган ёки ёзмаган ўзбек совет адабиётида бирор атоқли, йирик санъаткор йўқ. Олим ғоявий-бадий юксак барча эпик асарлар ҳақида ёзган, уларни атрофлича таҳлил қилган. Устознинг бундай нодир хусусиятига, чинакам заҳматкашлигига барча бирдай тан беради.

Устоз ўз шогирдларига нисбатан ҳам жуда меҳрибон, вақтида жуда қаттиққўл. Бу ҳам устоз эстетик принципларининг собитлигини кўрсатади. Ҳатто, китоблари чиқиб, адабий жамоатчиликка танилган шогирдлари ҳам ишларини устозга кўрсатишга, яъни талабига жавоб берадими ёки йўқми, дея ҳайиқиб юришади.

«Адабий танқид ҳам ихтиро қилади, ихтиро қилинган

талантларни ардоқлайди» — М. Қўшжоновнинг шиорларидан бири мана шу. Танқидчи ўзининг бу принципига доим содиқ. У баъзи адабиётшуносларга ўхшаб шоғирдига «Оқ йўл» тилаб, кейинчалик эса унинг келажигига бефарқ қараб кетадиганлардан эмас. У бирор талантни кашф этдими, унинг ҳар бир асарини, адабиётдаги ҳар бир қадамини синчковлик билан кузатиб борадиган, унинг ютуқларидан қувониб, камчиликларидан ташвишланадиган, тўғри йўлга кириб олишига доимо кўмаклашадиган устозлардан.

Шоғирдларининг бадий ижод соҳасида ҳам, танқидчилик ва адабиётшунослик соҳасида ҳам мустақил ўрни бор. Бу олим ихтиросини ва ихтиро қилган талантларига катта масъулият билан муносабатда бўлиш нишонасидир. Оз бўлсину соз бўлсин — бу илмий кадрларни етиштиришда амал қиладиган эстетик принципнинг моҳиятини ташкил этади. Худди шу принцип олимга чинакам меҳнатсевар, ҳаётини ижодга бағишлаган талантларни етиштиришга имкон берапти. Улар домланинг ўз фарзандлари бўлиб қолган. Улар орасида таниқли шоир ҳам, прозаик ҳам, адабиётшунос ва танқидчилар ҳам бор. Булар олимнинг бахти. Ана шундай бахт ва саодат ҳаммага ҳам nasib этсин!



## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК

**МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ**

Мўътабар олима, хассос шоира, оташнафас публицист ва фаол жамоатчи, жўшқин ташвиқотчи, тарғиботчи. Ҳа, у гўзал қалб соҳибасидир. Мен бу чеҳраси ойдин, нуруний опани йигирма йилдан, университетда таҳсил кўраётган пайтларимдан бери яхши биламан.

Ушандан буён то ҳозирга қадар ниҳоятда самимий, камтарин, зукко опага бўлган меҳрим тобора ортиб боряпти. Олима ёшлар билан ўзининг содиқ ва суюкли фарзандларидек меҳрга тўлиб-тошиб гаплашади. Меҳри гўзал қалб соҳибаси — оналар менинг тасаввуримда худди шундай бўладилар. Мен бу онахонни шундай биламан ва доимо табаррук инсон сифатида ҳурмат қиламан.

У 1909 (20 апрелда) йили Тошкент областининг Пскент районидаги «Мўмин обод» маҳалласида дунёга келди. «Музайян» — бу безатилган, зийнатланган маънони ифода этади. Буни баҳор фаслидаги ҳаммаёқ безангани,

алоҳида ҳусн касб этгани, табиат зийнат топганига нисбат бериш ҳам мумкин. Яна аёл кишини оиланинг зебу зийнати ҳам дейишади. Ешлигиданоқ Музайяна «Чор китоб»ни, Навоий, Бедил, Фузулий асарларини мутолаа қила бошлади. Отаси Акмалхон ҳам «Осий» тахаллусида форс, араб, ўзбек тилларида шеърлар битган. Лекин у ўз қизининг янги усулдаги мактабларда ўқишига қаршилиқ қилади. Шунинг учун ҳам Музайянанинг янги типдаги зиёли олима бўлиб етишишида тоғаси Абдулла Алавий хизматлари катта бўлди. Абдулла Алавий эса тараққийпарвар, хурофот, бидъатларга қарши, маърифатпарвар, хассос шоир бўлган. У кўпгина Шарқ ва Европа тилларини яхши билган маданиятли киши эди. Шунинг учун ҳам у жиянининг ўқимишли ва олима бўлиши учун муттасил ғамхўрлик қилади. Музайяна сеvimли ёзувчилари, Абдулла Алавий ёрдами билан мамлакатда рўй бераётган янги воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўла борди. Шарқ классиклари асарларидан ташқари рус классикларини севиб ўқишда давом этди. Худди шу тарзда унинг фикрий доираси кенгайиб, онгги ўсиб, руҳий дунёси такомил топа борди. Нозик табиатли, тийран, зийрак қизда шоирлик таъби чечак ота бошлади.

Маълумки, 1927 йилларда бутун Ўрта Осиё халқлари ҳаётида паранжига кескин қарши ҳужум бошланган эди. Бу, айни вақтда, янгилик нурунининг зулматга қарши кескин ва зафарли ҳужуми бўлган. Ҳамзанинг:

Келди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил,  
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,  
Илму фан тиги бирла жаҳл бағрини қон қил.  
Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,  
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.  
Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақдир,  
Кел, бугун бу заҳмингга маърифатни дармон қил,—

деган машҳур мисралари, оташнафас жўшқин даъватлари жиддий аҳамият касб этди.

1927 йили Музайяна ҳаётида жасоратли йиллардан бири бўлиб қолди. У мутаассиб отасидан яшириниб Тошкентга қочиб келади. Мутаассиб ота ва қалби олов қиз. Бу катта ҳаёт оқимида бўлаётган жиддий ўзгариш ва ғоят мураккаб воқеаларнинг бир оила кишилари қисматида ифода этилиши сифатида тасаввур қилишга имкон беради. Еш қиз энди республикадаги номдор, фаол хотин-қизларнинг ёрдами билан Самарқандга ўқишга боради ва у бу азим шаҳарда таҳсил кўра бошлайди. Бу ерда Ойдин Собирова, Хосият Тиллахонова, Маҳбуба Раҳимова каби бир гуруҳ қаламкашлар ўқишар эди. Уларнинг сафига нозиктаб Музайяна ҳам келиб қўшилади. У 1930 йили педагогика билим юртини тамомлагач, педакамедия (ҳозирги САМДУ)га кириб ўқишини давом этказади. 1931 йили қатор поэтик асарлар муаллифи сифатида Ўзбекистон пролетар ёзувчилари уюшмасига аъзо қилиб қабул қилинади. Худди шу йили тоғаси Абдулла Алавийнинг вафот этиши, оилавий қийинчиликлар унга ўқишни давом этказишга имкон бермади. Кейинчалик, 1934-1938 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида сиртдан ўқиди. Мактабларда дарс бера бошлаган ёш муаллима фаоллиги, тиришқоқлиги натижасида «Аълочи ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Музайяна опа фольклоршунос олима сифатида анча эрта шуҳрат топди. Тоғаси Абдулла Алавий ёрдами билан бу сеҳрли оламга 1926 йилиёқ қизиқиб қолган эди. Шундан сўнг Самарқандда таҳсил кўрган йилларида ҳам, мактабларда ишлаб юрган йилларида ҳам ўзининг нозик қалбига мос бу халқ хазинасидан дурдоналар излашни давом эттирди.

1940 йилларнинг бошларида Музайяна Алавия бу сеҳрли соҳани илмий тадқиқ этишга жиддий киришиб кетди. Аввалига у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-

нинг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти-нинг фольклор секторида кичик ва кейинчалик эса катта илмий ходим сифатида фаолиятини давом эттирди. Халқ ижодий дурдоналари доимо олтин қўлларда, гўзал қалбларда жило топиб, ардоқланиб келинган. Бу соҳа ниҳоятда нозик бўлгани учун ҳамиша эҳтиёткорлик билан, фавқулодда қунт ва чидам билан фидоий ишлашни тақозо қилади. Зар қадрини заргар билади, дейди халқ. Халқнинг бебаҳо хазинаси, маънавий бойлигини йиғувчи, тўпловчи, аввало халқдаги ниҳоятда камтарликни ва заҳматкашликни, ундаги буюкликни ва донишмандликни, чинакам инсонийликни ўзида мужассам этиши керак. Бу соҳа биринчи навбатда халқчиллик билан мангу навқирон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Бу соҳада иш олиб борувчи асалари сингари бол, шарбат йиғади. Шу жараёнда унинг ўзида ҳам бутун қалби, руҳий олами бойиб боради, ҳатто унинг ҳаракатида ҳам, муомилаларида ҳам, суҳбатлари ва қарашларида, бутун қиёфасида доимо табассум, ажиб бир жозоба нурланиб туради. Мен Музайяна опани шундай тасаввур қиламан. У доимо, муттасил йиғувчи, тўпловчи сифатида фаол ҳаракатда, ҳаётининг маъносини ана шу сермашаққат ва жозибали ишда деб билади. Олима мамлакатимизнинг кўп жойларида бўлди, республика-мизни кўп кезиб чиқди. Халқ билан бевосита aloқа қилди, унинг турмуш йўсини билан яхши танишди, унинг севимли бахшилари, шоирлари, эртақчилари, қўшиқчилари билан мулоқатда бўлди.

Очигини айтганда, илмий ижодда бу қадар халқ руҳига кириб бориш камдан-кам кишиларга насиб бўлади. Салкам йигирма йиллик ижодий изланишлари, тинимсиз меҳнатлари, чинакам заҳмат билан қилган ишлари туфайли олима 1959 йили «Ўзбек халқ қўшиқлари» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу даврга қадар унинг 30 га яқин илмий ишлари босилиб чиққан эди.

Менинг назаримда, халқ оғзаки ижодини йиғиш, тўплаш қанчалик сермашаққат иш бўлса, уни нашрга тайёрлаш иши ҳам ундан кам эмас. Биргина асарнинг қанчадан қанча нусхаларини солиштириб чиқиш, муштарак ва фарқли томонларини синчковлик билан кузатиш, сон-саноксиз ишларни илмий йўсинда тартибга келтириш каби қатор мураккабликлар мавжуд.

«Кунларим» (1954), «Интизор» (1956), «Далли» (1963) дostonлари, бир неча «Ўзбек халқ қўшиқлари» тўпламларини тайёрлади ва нашр қилдирди. «Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик индустриалаш даври ўзбек халқ поэтик ижоди» (1955), «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1955), «Янги қўшиқлар» (1959) шулар жумласига киради.

Фозил Йўлдош ва Абдулла Нурали каби халқ шоирлари ва дostonчиларининг асарлари, жумладан, «Кунларим» номли мемуар типидаги асарлари ҳам бу олиманинг ҳамкорлигида, тинимсиз меҳнати туфайли вужудга келди.

Музайяна Алавия халқ қўшиқларининг энг йирик тадқиқотчиси сифатида шуҳрат топди. 1959 йили чоп этилган «Ўзбек халқ қўшиқлари» номли монография олиманинг йирик ишларидан бири бўлиб, унда халқ оғзаки ижодида қўшиқ жанрининг салмоқли ўрин олиши, бу жанрнинг тарихи биринчи бор ва атрофлича таҳлил этилди.

Тўғри, халқ қўшиқлари оғзаки поэтик ижодиётининг энг қадимий ва жуда кенг тарқалган турларидан бири бўлиб келган. Бу жанрнинг ёзма адабиёт тарихий тараққиётига замин бўлиши ва таъсир этиши ҳам узоқ йиллардан бери давом этиб келган. Олима ўз асарларида бу масалага тўғри ёндашади ва махсус эътибор беради. Булардан ташқари, у бу ишда халқ қўшиқларининг тематик доирасининг кенглиги ва хилма-хиллиги, гоёвий йўналиши, халқчил характери, бадий-поэтик хусусиятлари ҳамда Октябрь революциясидан кейин янги замон тала-



би билан бу жанрнинг ички механизмида бўлган жиддий ўзгаришларни тадқиқ этади. Ғоятда мураккаб бу проблемадар хусусида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилади.

Янги давр тақозоси ўлароқ бу жанр доирасида бўлган ўзгаришлар — янги бахтли замон, унинг синфий душманларига нисбатан қаҳр-ғазаб, ғалабаларимизнинг ташкилотчиси бўлган Коммунистик партияга меҳр-муҳаббат, доҳий Ленинни тўлиб-тошиб куйлаш марказий ўрин олади ва булар муҳим аҳамият касб этади. Ишнинг муҳим томонларидан яна бири, халқ қўшиқлари ва унинг ижрочилари масаласидир. Бу борада ҳам тадқиқотчининг нозик кузатишлари мутахассислар эътиборини жалб қилди.

1974 йили Музайяна опанинг йирик илмий иши — «Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» монографияси чоп этилди. Тадқиқотчи халқ қўшиқларининг таълимий, маърифий аҳамиятини атрофлича кенг исбот қилади, уларда халқнинг ҳаёти, психологияси, урф-одатлари, интилишлари акс этишини қатор фактик материаллар асосида илмий йўсинда кўрсатади. Халқ бадий хазинасининг дурдоналари устида нозик, тинимсиз ижодий изланишлар, уларни тўплаш ва нашр қилиб, яна халққа туҳфа этиш, тадқиқот ишлари олиб боришнинг натижаси сифатида вужудга келган бу илмий иш адабиётшунослигимизга қўшилган жиддий ҳисса бўлиб қолди. Бу олиманинг табаррук ёшидаги табаррук асаридир. Қўҳна поэтик тарихи бўлган маросим қўшиқлари, уларни ижро этиши усуллари, унинг ёзма адабиётнинг тарихий тараққиётидаги роли, айни вақтда, совет даврида бу жанрнинг йўналиши, характерида рўй берган жиддий ўзгаришлар, янги шароитда халқ турмуши йўсини тақозоси билан янги маросимларнинг таркиб топиши, уни ўтказиш жараёнида янгича принципларнинг тантана қила бориши кенг ва истиқбол планида ёритилди.

Музайяна Алавия шоира сифатида ҳам таниқли ва

эъозли. Унинг қатор поэтик асарлари чоп этилган. Булардан ташқари, олима ва шоиранинг «Севинчларим» (1959) шеърлар тўплами, «Одамийлик ҳақида» (1964), «Дил нидоси» (1967) «Камтарлик яхши фазилат» номлари билан бир қатор ахлоқ-одобга доир рисоалари босилган ва улар матбуотда ижобий баҳоланди.

Заҳматкаш олима ва хассос шоира, оташин публицист, маданиятимиз жонкуяри Музайяна Алавияга партия ва ҳукуратимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» (1968) фахрий унвонини берди, «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирланди. Музайяна Алавия деганда йирик олима, хассос шоира, Шарқ адабиётининг катта билимдони, фаннинг толмас заҳматкаши, халқ оғзаки ижодининг улкан тадқиқотчиси ва гўзал қалб соҳибаси кўз олдимизга келади.

У доимо шундай бўлиб қолажак.



**МАНСУР АФЗАЛОВ**

Ўзбек халқ оғзаки ижоди — бу меҳнаткаш халқ оммаси томонидан асрлар давомида яратилган, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган коллектив ижоддан иборатдир. Шу боисдан ҳам фольклор асарларининг ўзига хос қатор хусусиятлари мавжуд. Масалан, коллективлик — фольклор асарларида узоқ давом этган ижодий жараённинг маҳсулидир. Унинг сайқал топиб боришида ва мукамаллашишида коллективнинг ижодкорлик роли улкан аҳамият касб этади. Фольклор асарлари авлоддан-авлодга ўтиш жараёнида ижодий сайқал топиб боради.

Фольклор асарларининг бадиҳагўйлик йўли билан оғзаки яратилиши, оғиздан-оғизга кўчиб юриши ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Фольклор асарларининг кенг тарқалганлиги ва турли профессионал ижодчилар томонидан куйланиши натижасида уларнинг хилма-хил вариантлари вужудга келади.

Бундай вариантлилик ёзма адабиётдаги вариантлиликдан принципиал фарқ қилади.

Фольклор асарларида, одатда, дастлабки яратувчининг ўзи маълум бўлмайди. Буни анонимлик ҳам деб юритилади.

Ўзбек фольклористикасининг совет даврида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишида Ҳоди Зариф, Буюк Қаримов, М. Алавия каби таниқли олимлар қаторида Мансур Афзаловнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Бу камтарин олимнинг — илм фидойисининг босиб ўтган йўлига бир назар ташлайлик.

1910 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд-косиб оила-сида дунёга келган Мансур ака ёшлигида етим қолди. У болалар уйида тарбияланди. 1924 йили эса Навоий номидаги иккинчи босқич ўрта мактабга ўқишга киради. 1925 йилда бу мактаб Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумига айлантирилади. Бу ажойиб илм даргоҳида Ойбек, Ҳомил Ёқубов, Ҳамид Сулаймон, Теша Зоҳид, Миркарим Осим каби севиқли халқ фарзандлари таҳсил олар эдилар. Бу даргоҳда Мансур ака Юсуф Султон, Зокир Маъруфий, Сафо Зуфарий, Абдулла Султонов, Ғани Султонов, Одил Шокиров ва бошқа қатор ўртоқлари билан бирга таҳсил кўрди. У 1929 йили техникумни муваффақиятли тугатади ва Тошкент областининг Қуйи Чирчиқ районида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

М. Афзалов 1930-1932 йиллар орасида Тошкент пахтачилик техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб, педагоглик фаолиятини давом эттирди. 1932-1933 йилларда эса Ўзбекистон ССР Халқ Маориф Комиссариати қошидаги Маданий қурилиш илмий-текшириш институти аспирантурасининг тайёрлов курсида таҳсил олди ва 1934 йили Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига қабул қилинди. У 1936 йилда Москвада Иззат Султонов, Юсуф Султонов, Жуманиёз Шарипов, Холид Расулов, Шарифа Абдуллаевалар билан бирга академик Ю. М. Соколовдан, профессор Л. И. Тимофеев-

дан адабиёт назарияси бўйича қатор лекциялар тинглади. Мансур аканинг бундан кейинги ижодий ва илмий фаолияти Тил ва адабиёти институти билан боғлиқ кечди. Аввалига кичик ва кейинчалик эса бир неча йил мобайнида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Кўп йил фольклор секторига бошчилик қилди.

У 1940-1942 йилларда Совет Армияси сафида немис-фашистларига қарши жанг қилди ва оғир ярадор бўлиб, Тошкентга қайтиб келди. 1942-1944 йиллар мобайнида республика партия мактабида ўқитувчи, радио комитетида муҳаррир бўлиб ишлади. У 1943 йили Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирди.

Мансур Афзаловнинг ўзбек фольклорининг жонкуярларидан бири сифатидаги фаолияти асосан 30-йилларнинг бошларида бошланди. У 1935 йили Фарғонага борган экспедиция составида бўлиб, фольклорнинг айрим намуналарини ёзиб олиш билан шуғулланди ва қатор мақолалар ёзди.

Мансур Афзалов олий ўқув юртларида фольклор курсини ўтиш, уни махсус предмет сифатида ўқитилишини амалга ошириш, бу курс бўйича программа ва ўқув қўлланмаларини тузиш соҳасида фаол иш олиб борди. Узи эса 1939 йили Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университетида биринчи марта фольклор курсидан лекциялар ўқиди. 1942-1952 йиллар мобайнида В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетида фольклордан дарс берди, узоқ йиллар В. Г. Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида лекция ўқиди. Мансур Афзалов педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун тузилган «Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди программаси»нинг (1968) фаол авторларидан бири ҳисобланади. М. Афзалов республикамизда фольклорни тўпловчи чинакам заҳматкашлардан бири эди. Олим ўттиз йил давомида республикамизнинг турли район ва қишлоқларига уюштирилган экспедицияларда фаол иш-

тирок этиб, жуда кўп дostonлар, эртактлар, қўшиқ ва мақоллар ёзиб олди, бир қанча ижодчиларни аниқлади, кашф этди. Бу ўринда атоқли халқ ижодчиси Исломо шоир Назар ўғлини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. У бахши ва эртактчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тадқиқ этишга салмоқли ҳисса қўшди. Масалан, у Пўлкан шоир, Исломо Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод бахши, Мамад Райимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор китоб ва мақолаларини эълон қилди.

Мансур Афзалов илмий фаолиятида ўзбек халқ эртактларини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди. У ўзбек халқ эртактларини классификация қилишдек мураккаб вази-фани бажарди, уларнинг жанр хусусиятларини белгилаб чиқди ва уларга маълум бир тартиб берди. Бу ўринда айниқса, олимнинг «Ўзбек халқ эртактлари ҳақида» («Фан» нашриёти, Т, 1964 йил) номли монографиясини кўрсатиб ўтиш зарур. У умрининг сўнгги кунларига қадар бу борадаги илмий ишларини фаол давом эттирди.

Мансур Афзалов фольклор асарларини нашр этиришда фидойилик кўрсатган ва тиниб-тинчимас олим эди. «Орзигул», «Гулихиромон», «Муродхон», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Хушкелди», «Авазхон» каби дostonларни, «Ўзбек совет фольклори намуналари» (1938), «Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари» (1951) каби тўпламларни ва жуда кўп эртактларни нашр эттирди. Унинг фаол иштирокида ва раҳбарлигида бир томлик «Ўзбек халқ эртактлари» (1951, 1953), рус ва ўзбек тилларида икки томлик «Ўзбек халқ эртактлари» (1960—1963), ниҳоят кўп томлик «Ўзбек халқ ижоди» туркумидаги «Олтин олма», «Сув қизи», «Ойжамол», «Гулнор пари» каби қатор асарлар чоп этилди.


Мансур Афзалов фольклор бўйича уюштирилган республика, бутуниттифоқ кенгаши ва анжуманларда ўз маърузаси ва ахборотлари билан фаол иштирок этганлар.

дан бири эди. Бу ўринда қатор фактлардан иккитасини эслатиб ўтишни лозим кўрдим.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагач, Коммунистик партия уруш даври фольклорини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатди. 1947 йили СССР Фанлар академияси ўтказган совет фольклори проблемаларига бағишланган катта кенгашда М. Афзалов «Уруш даври ўзбек фольклори ҳақида» доклад қилди.

Иккинчи факт. 1954 йили Москвада СССР халқлари эпосини ўрганишга бағишланган илмий сессияда «Алпомиш» достони ҳақида ўз мулоҳазалари билан сўзга чиқди.

Мансур ака жуда дилкаш, камтарин, ёшларга ғамхўр инсон эди. «Камтарга камол» дейди донолар. Мансур Афзалов Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлиши ҳам бежиз эмас. Тенгдошлари ва шогирдлари уни доимо баркамол инсон ва фольклоршуносликнинг фидойиси сифатида хотирлайди.



**ҲОДИ ЗАРИФ**

Ҳоди Зариф деганда кўз ўнгимизда бой ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари гавдаланади. Дўстлари Ҳоди Зарифни кўпинча фольклор учун туғилган, дейишарди.

Бу гапда чуқур ҳақиқат бор. Ақлини танибдики, ёш Ҳодининг назари биринчи бор фольклорга тушди ва тинимсиз фольклор намуналарини излади, қирқ йилдан кўпроқ излади, топди, халқни баҳраманд қилди, бой жозибали халқимиз эпосини жаҳон оғзаки ижоди дурдоналари қаторига қўшди.

Ҳоди Зариф 1905 йил, 20 мартда Тошкентда, табиб оиласида дунёга келди. Олимнинг ота-онаси замонасининг маданиятли кишилари бўлишган. Илм қадрини яхши тушунган отаси Ҳодининг яхши билим олиши учун қўлидан келгунча ҳаракат қилди. Схоластика ҳукмрон бўлган эски мактаб — илмга чанқоқ Ҳодини унинг ота-онасини қаноатлантирмади. Илм денгизига интилиш



бўлажак олимни 1918 йили ўзбек билим юртига олиб келди.

1920 йиллар. Ёш совет давлати ўз бошидан оғир дақиқаларни кечирмоқда эди. Бу йиллар ёш Ҳодига оғир мусибатлар келтирди. Отаси Тиллахўжа ўғли Умархўжа ҳаётдан кўз юмди.

Оила бошига тушган оғир жудолик энди Ҳодини ишлашга, ҳаёт дорилфунунини ўташга мажбур этади.

Бу машаққатли йилларда унга тоғаси, биринчи ўзбек профессорларидан бўлган Ғози Олим Юнусов ёрдам қўлини чўзди. У жиянининг тарбиясига алоҳида эътибор берди. Ғози Юнус хонадонига илмий муҳит кучли файз бериб турарди.

Зийрак Ҳоди бу хонадонда замона олимларининг сардорлари билан яқиндан танишди.

Бу ҳол бўлажак олим ҳаётининг ўчмас саҳифалари бўлиб қолди. Истеъдодли фольклоршунос профессорлардан Абубакир Аҳмадҷонович Диваев ва Ғози Олим Юнусов таъсирида Ҳоди аканиннг этнографияга ва халқ оғзаки ижодига қизиқиш туйғуси тобора кучайиб борди. Уша пайтлардаёқ унда ўзбек халқининг маданий ва фикрий бойлигини юзага чиқаришдек улур мақсад гунчалари чечак ота бошлаган эди.

1923—1926 йилларда Ҳоди ака Бокудаги ўқитувчилар семинариясида таҳсил кўрди, тил ўрганди, фольклор инжуларини излади.

Ҳоди Зариф Бокудан қайтгач, бир неча йил давомида ўзбек фольклорининг ҳар хил чигал масалаларини, халқ бахшиларининг ҳаётини ўрганиш ишлари билан шуғулланди. У ўзбек фольклорининг фаол ташвиқотчиси ва тарғиботчиси бўлиб қолди. Фольклорда халқнинг ўтмиши, чуқур идроки, завқи, гурури, анъанаси, ҳусндор, гўзал тили ва эзгу-орзуси жамулжамдир...

1926—1934 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи Комиссариатининг илмий маркази бўлган Ўзбекистон

Ўлкани ўрганиш комитетининг илмий ходими ва Давлат илмий кенгаши сиёсий маориф бўлимининг мудир, этнография, фольклор, археология кабинетининг ташкилотчиси ва раҳбари, Республика Марказий музейи революция тарихи бўлимининг мудир, Москвадаги СССР халқлари Марказий музейининг илмий ходими, Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий текшириш институти этнография секциясининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1934 йили тадқиқотчи филология факультетлари учун ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича ilk бор программа тузди. Худди шу йили «Луғат ҳам термин тўпловчиларга қўлланма» асари чоп этилди.

Олим кейинроқ «Ўзбек фольклори» хрестоматия қўлланмасини юзага келтирди. У ўзи ошиқ бўлган бу фандан талабаларга лекциялар ўқиди. Айни замонда Ҳоди ака бу соҳадаги тадқиқот ишларини давом эттирди.

Натижада унинг юрак қўри, қалами қуввати билан сеvimли «Маликан Айёр» ва «Равшанхон» дostonлари сайқал топди ва илмий олам касб этди.

Кўп йиллик сермашаққат меҳнат якуни бўлган бу ишлари учун 1945 йилда филология фанлари кандидати деган илмий даражага эришди. Бундан йигирма йил ўтгач, катта илмий совет заҳматкаш олимга филология фанлари доктори деган юксак илмий даража берди. 1967 йили профессор ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак унвонга эга бўлди.

Фольклоршунос олим Ҳоди Зариф ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек диалектологияси, лексикология, этнография масалалари билан жиддий шуғулланди. Ҳоди ака масъулиятни чуқур ҳис қиладиган ташкилотчи олимлар сирасига мансубдир.

У Ўзбекистон ССР республика музейини ташкил этишда ва сўнгра СССР Халқлари Марказий музейининг Урта Осиё бўлимини қайта ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш

учун тузилган ҳукумат юбилей комитетининг котиби сифатида Ҳоди ака қизғин иш олиб борди. Буюк мутафаккир асарларини чоп этишда жонбозлик кўрсатди.

Ҳоди ака Навоий кўргазмасини ташкил этишга бошқош бўлди. Шу асосда у адабиёт музейини ташкил этди. Музейга 1939-1956 йилларда ўзи директорлик қилди.

1943-1944 йилларда Шарқ қўлёзмалари (Шарқшунослик) институтининг директор муовини, 1944-1948 йиллари Тил ва адабиёт институти директори, 1955-1962 йиллари шу институт директори муовини ва айни вақтда, Навоий ижодини ўрганиш комитетининг илмий котиби (1957-1972) бўлиб ишлади. Ҳоди Зарипов тинимсиз фольклор дурдоналарини излади, классик адабиётимиз вакилларининг асарларини мутолаа қилди, таҳлил этди.

Адабиёт тарихига мурожаат қилар экан, фақат айтилган, бор фактлар йиғиндисига суяниб иш тутмади. У олимлар назаридан четда қолган чигал масалаларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилди. Олим биринчилар қатори Қутб, Аҳмадий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Амирий ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганишга интилди. Чунки, Навоийгача бўлган давр ўзбек адабиёти ҳақида етарли маълумотлар йўқ эди. Шу туфайли Ҳоди Зарифнинг «Алишер Навоийнинг адабий муҳитига доир», «Лутфий ва Алишер Навоий» номли қатор илмий тадқиқотлари узоқ йиллар мобайнида кенг жамоатчиликни қизиқтириб келди.

Олим XIII, XV аср ўзбек адабиётини, Алишер Навоийнинг буюк шоир сифатида етишишига замин бўлган адабий муҳитни — «Навоий ижодига адабий озиқ бўлган» жараёни текширар экан, қатор жиддий масалаларга эътибор берди. Юқорида номи тилга олинган шоирлар ижодини ўрганиш орқали улар бошлаган улкан ишлар Навоий даҳосида буюк чўққига кўтарилганини фактик материаллар асосида кўрсатди.

Ҳозирга қадр баҳсли бўлиб келаётган жиддий масалалардан яна бири — бу замон султонларининг ижод

аҳлларига муносабати масаласидир. Тадқиқотчи бу борада қатор фактларни келтиради. Узоқ йиллар мобайнида дунёдаги барча салтанат шоҳлари доимо барча прогрессив йўналишдаги ижод аҳлларига душман бўлган деган қараш ҳукмрон бўлиб келди. Бу хилдаги қарашлар қатор тарихий фактларни тўғри изоҳлашга, ёритишга монелик қилмаслиги мумкин эмас албатта. Тадқиқотчи жуда кўп тарихий фактларга мурожаат қилар экан, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобир сингари салтанат соҳибларининг ижод аҳлларига конкрет муносабатини кўрсатишга интилди. Бу борада олим камёб фактларни келтиради. Шулардан бири — Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунқур Мирзо билан Юсуф Амирийнинг ўзаро муносабатига доир тарихий фактлардир. Шоир ёзади:

Бу дунё парвариш қилди баче йил,  
Ки кўргуздум ариғ гавҳар очиб тил.

Бу жамшид ўлди жоним дастгири,  
Ки бўлдум шеър мулкининг амири.

Салтанат соҳиби Бойсунқур Мирзо паноҳида шоир Амирий ижод қилгани худди шу тарзда мисоллар билан кўрсатилади.

Камёб фактлардан яна бири — «Жаҳон поэзиясининг қимматли хазиналаридан саналган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини тўплатиб, текстларини тартибга солдирган, уни муқаддима билан таъмин эттирган Бойсунқур Мирзо эди. Шундан бери ҳамма шу нусхадан баҳраманддур».

Олим Улуғбек билан Саккокий, Ҳусайн Бойқаро билан Навоий муносабатлари масаласига тўхталади. Тадқиқотчининг алоҳида таъкидлашича, «Улуғбек ўзининг илмий ва адабий фаолияти билан мақтовларга сазовор бўлган буюк олимдир». Унинг паноҳида бўлган Сакко-

кий халқчил шоир сифатида ижод қилади. Қутб, Аҳмадий ва Ҳусайн Бойқоранинг ишқий лирик шеърларини ўзбек классик лирикасига қўшилган ҳисса деб билди. Олим Навоийгача бўлган адабий муҳитни мукаммал ўрганди. Фалсафий, ахлоқий ва муҳаббат мавзуларида чиройли ғазаллар яратган Лутфий ижодига аниқ баҳо берди, «Лутфий ва Навоий» асарини яратди. Асарда олим ҳар иккала шоирнинг ижодини таҳлил қилиш орқали адабий таъсирни фақат назирагўйлик, ўхшатма яратиш билан чеклаб қўйишга қарши чиқади ҳамда таъсир масаласини шоирнинг поэтик маҳоратидан қидиради.

«Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида» номли мақоласи олимнинг муҳим тадқиқотлари сирасига мансуб. Тадқиқотчининг фикрича, рубоий даставвал форс адабиётида бўлган, кейинчалик эса қўшни ва қардош адабиётларда ўзлашиб кетган. Ҳозир «Қўшиқ» деб атаганимиз ва «ўлан» ёки «лапар» деб юритганимиз — шеърларнинг ҳар бир тўрт йўли мустақил тўлиқ маънога эга бир бутун асарлардир.

Олимнинг маърифатпарвар шоирлар Фурқат ва Муқимий ҳақидаги ишлари илмий қимматга лойиқ. Муқимий ҳақидаги монографиясида шоирнинг илмий биографиясини яратишга интилди. Унинг ҳеч қаерда маълум бўлмаган янги материаллари берилди.

«Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд...» шеъри ҳақида» номли мақоласида олим бу борадаги қатор чигал муаммоларга аниқлик киритишга, унинг асосий нуқталарини тўғри белгилашга муваффақ бўлди.

Унинг В. М. Жирмунский билан ҳамкорликда яратган ва Москвада чоп этилган «Узбекский народный героический эпос» (1947) асари маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган эди.

Олим кўплаб дostonлар ҳақида илмий асарлар яратди. Ўзбек миллий эпосини жаҳонга танитди. Академик Воҳид Зоҳидов ёзади: «Ярим аср давом этган, эл мулкига ва илмга севги ҳамда садоқат билан тўлган мана

шундай машаққатли ва фидокорона изланишлар натижасида халқимизнинг асрлар мобайнида ва асрий азоблар исканжасида ижод этган шундай ва шунча бадийяти бойликларини топдингиз ва йўқ бўлишдан сақлаб қолиб, халқнинг ўзига қайтариб, аждодлардан авлодларга узатдингизки, бунинг маъно ҳамда аҳамиятини етарли баҳолаш маҳолдир.

Ҳа, бўш ерда бутун бир янги илмни ижод этиш керак эди. Сиз шу ўта оғир, лекин шарафли ишни бошлаб бердингиз... Ярим асрча вақт ичида шу ўзингиз пойдеворини қурган фаннинг равнақини ҳамкасбларингиз билан биргаликда, ғоят саховатли ҳамкорликда таъмин этиб келдингиз. Сизни ўзбек фольклор фанида мактаб яратди, дейишади. Бу тўғри. Лекин катта ҳақиқатни белгилаш ва ифодалаш учун бу озлик қилади. Сиз дунё фольклористикаси, айниқса рус фани ютуқларидан ҳамда тажрибаларидан фойдаланиб ўзбек совет фольклор фанининг ўзини яратдингиз»<sup>1</sup>. Ҳа, олим умри бекор ўтмади. У қалбимизда бир умрга барҳаёт ва тасаввуримизда тирик, биз билан бирга. Қилган ишлари билан ўзига муносиб ҳайкал қўйиб кетди.

Бу ўринда «Ўзбек халқ ижоди» ўттиз беш томлигини тайёрлашда жонбозлик кўрсатганини эслашнинг ўзи кифоя.

Унинг бевосита раҳбарлиги остида 20 га яқин ўзбек ва қорақалпоқ олимлари фан доктори ва кандидатлик диссертацияларини ёқладилар. Улар Ҳоди акани ўзларининг устозлари деб биладилар.

Ўстознинг шогирдлари даврасида адабиёт тарихининг зўр билимдони Порсо Шамсиев алоҳида ўрин тутди. Бу олим текстологиянинг назарий проблемаларини ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшди. Бу текстологиямизнинг кейинги равнақи учун асосий замин бўлди.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти», 18 январь, 1972 йил.

Устоз қўлида таълим олганларнинг кўпчилигини фольклористлар ташкил этади.

Улар республикамизнинг турли илм ва фан ўчоқларида ўзбек фольклорининг муҳим масалаларини ёритмоқдалар. М. Алавия, М. Саидов, Ҳ. Раззоқов, О. Собиров, Т. Мирзаев, М. Қодиров, З. Хусайнова, Р. Муҳаммадиев, Т. Очилов — булар олим даврасини тўлдириб турган муносиб шоғирдлар, фольклоримиз жонкуярлари.


Улар текширган, шуғулланган масалалар, проблемалар ўзбек халқ оғзаки ижодини юксалтириш йўлида қилинаётган катта тадқиқотлардир.

Ҳоди Зариф ўз шоғирдларининг хизматидан бениҳоя хурсанд эди. Ахир ҳаётда ўзи барпо этган боғнинг сермахсул натижасини, унинг жамиятга, инсонларга хизмат этаётганлигини гувоҳи бўлиш катта бахт-ку.

Ҳаётда боғ яратиш, келажак учун ана шу боғнинг муносиб боғбонларини тарбиялаш — бу мангу навқиронлик масаласи билан боғлиқ.

Олим 1934 йилдан бошлаб то умрининг охиригача Тил ва адабиёт институти фольклор секторига раҳбарлик қилди. У умрининг охиригача ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси бўлди. Беқиёс катта хизматлари учун олим Меҳнат Қизил Байроқ ордени (1967) ва қатор медаллар билан мукофотланган эди.

Маълумки, бу олимнинг илмий фаолиятида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижодини ва асарларини тадқиқ этиш кенг катта салмоқли ўринга эга эди. Жумладан унинг «Улкан халқ санъаткори Эргаш шоир ва унинг халқ дostonчилигидаги ўрни» (1971) номли тўпламидаги илмий тадқиқот ишини эслашнинг ўзи кифоя. Шу бонсдан ҳам Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижодини кенг кўламда ўрганишдаги хизматлари учун марҳум Ҳоди Зариповга 1973 йили Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилиши қонуний ва табиий бир ҳол эди. Бу ажойиб олимнинг хотирасини қанчалик эъзозласак арзигулик.



**ТУРА МИРЗАЕВ**

Халқ поэтик ижоди — тўлқинли дарё. Унда эл до-нишмандлигининг беҳисоб булоқлари абадий жўш уриб туради. Улар орасида кўзга ташланмай, пинҳоний мавж-ланиб ётганлари ҳам бор. Ана шу беқиёс хазинадан ки-шиларимизни тўла баҳраманд этиш, халқ ижоди яширин манбалари кўзини очиб, уларни ҳаётга йўллаш ғоят фахрли иш. Тўра Мирзаев ана шу шарафга муяссар бўл-ган олим. Унинг ўзбек дostonчилиги асл дурдонаси бўл-миш «Алпомиш» достони ҳақидаги йирик монография иши, шоир Эргаш Жуманбулбул ижодини тўплаш, нашр қилиш ва илмий тадқиқ этишга доир хизматлари ўзбек совет фольклористика фани хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Тўра Мирзаев 1936 йилда Бухоро область, Шофиркон район Чандир қишлоқ советининг Саврак қишлоғида колхозчи деҳқон oilасида дунёга келди. Ёшлиқданоқ



китобга катта муҳаббат қўйди, илм-фан асосларини астойдил эгаллаш иштиёқи билан ёнди. Абу Али ибн Сино номли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Бухоро педагогика институтининг филология факультетида таълим олди. Институтни битиргач, қатор йиллар Сурхондарё областининг Жарқўрғон районида ўқитувчи бўлиб ишлади, илмий бўлим мудирининг сифатида ўқувчиларнинг таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қилди. Адабиётга, илмий тадқиқотга бўлган катта меҳр ва иштиёқ уни Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига бошлаб келди.

Ёш тадқиқотчи 1961-1963 йиллар мобайнида ўзбек фольклористикасининг асосчиси, йирик филолог олим Ҳоди Зариф раҳбарлигида «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари» деган мавзуда изчил иш олиб борди. Дostonнинг 1922-1964 йиллар давомида 28 бахшидан ёзиб олинган 30 дан ортиқ вариантини қунт билан ўрганиб, янги хулосалар чиқарди. Чунончи, у «Алпомиш» дostonининг халқимиз орасида икки версияда тарқалганини биринчи бўлиб аниқлади, илмий асослади, дostonнинг ҳозирги кунда куйланиши ва унинг айрим вариантларидаги ёзма адабиёт таъсирига оид оригинал томонларни кузатди, қиёсий текшириш замирида асар ғояси, мотивлари, бадиий хусусиятларининг янги жиҳатларини очиб берди.

Ёш олимнинг илмий иши йирик фольклорист олимлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши мазкур иши учун Тўра Мирзаевга филология фанлари кандидати, деган илмий даража берди.

«Фан» нашриёти ёш олимнинг тўнғич тадқиқотини «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари» номи остида, монографик ҳолида чоп этди. Республикамизнинг адабий-илмий жамоатчилиги эпоснинг ўзбеклар ўрта-

сида яшаши ва тарқалиши жараёнларини белгилаш, ғоявий йўналиши ва мотивларини қиёсий планда таҳлил қилиш, барча вариантларга тавсиф бериш, бадиий хусусиятларининг айрим томонларини ёритиш, асар текстидаги барқарорлик ва ўзгарувчанликни аниқлаш каби муҳим вазифаларни қониқарли ҳал қилиб берган ушбу асарни мамнуният билан кутиб олди. Вақтли матбуот саҳифаларида монографияга доир бир қатор тақризлар босилиб чиқди.

Тўра Мирзаев ўзига қанот берган фан масканида қолиб, илмий фаолиятини давом эттирди. У бошлаб кичик илмий ходим, кейин катта илмий ходим вазифаларида ишлади. Кейинроқ эса фольклор секторининг мудир вазифасига тайинланди, кўп йиллардан буён ана шу лавозимда ишлаб, республикада халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, саралаш, нашр этиш, йиғилган материаллар устида тадқиқот ўтказиш ишларига раҳбарлик қилмоқда.

1973 йил олимнинг ҳаётида махсус сана бўлди. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг адабий меросига доир кўп томлик нашр ва тадқиқот ишлари учун бир неча йирик олимлар қатори Тўра Мирзаев ҳам Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ ижодини асраб-ардоқлашини ўзида акс эттирган бу мукофот фольклорчи олимларимизнинг куч-ғайратларини тағин ҳам оширди, уларнинг илҳом уфқларини кенгайтирди.

Истеъдодли адабиётшунос Тўра Мирзаев халқ оғзаки ижодининг турли масалаларига бағишланган кўплаб илмий мақолаларнинг муаллифидир. Унинг атоқли олим — фольклор фанининг улкан жонкуяри Ҳоди Зариф ижодий меросига бағишланган рисоласи мароқли илмий-оммабол тадқиқот сифатида адабиёт илми шинавандаларининг муҳаббатига сазовор бўлди.

Ҳозир у ўзбек фольклорининг муҳим проблемасига бағишланган йирик иш устида меҳнат қилмоқда.



**ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА**

Зубайда Ҳусайнова дастлаб фольклоршунос олимлар даврасига оғзаки ижод намуналарининг жонкуяр тўпловчиси сифатида кириб келди ва ўзининг ҳалол меҳнати, изланувчан ҳамда камтаринлиги билан ҳамкасб дўстлари орасида ҳурматга сазовор бўлди.

З. Ҳусайнова 1918 йил Оренбург шаҳрида деҳқон оиласида туғилди.

Зубайда Ҳусайнова илк бор фаолиятини стенографист-машинисткаликдан бошлади.

1940 йили Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторига лаборант қилиб қабул қилинди. У аввал кичик, 1968 йилдан бошлаб катта илмий ходимликкача бўлган катта тажриба мактабини ўтаб, ўзбек фольклористикаси фанига ўз ҳиссасини қўшди.

Унинг фольклоршунослик фаолияти, таланти халқ

оғзаки ижоди материалларини тўплаш ва ўрганишда на-  
моён бўлди.

1947 йилдан бошлаб фольклор экспедицияларида мунтазам қатнаша бошлаган олима Ўзбекистоннинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди. Эртакчи ва дostonчи шоир ва бахшиларни аниқлашда ёрдам берди, фольклор материалларини тўплади ва уни илмий асосда ўргана бошлади. Унинг бевосита ижодкорлар оғ-  
зидан ёзиб олган фольклор асарларининг ажойиб наму-  
налари жуда катта коллекцияни ташкил этади. Айниқса,  
у халқ эртаклари ва дostonлари ҳамда топишмоқларини  
йиғди, қайта кўриб, тартибга солди, нашрга тайёрлади.  
У доимо республикада донг таратган олимлар Ҳоди За-  
рипов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавиялар ҳамда  
Ҳолид Расулов, Нодир Саидовлар билан биргаликда иш-  
лади. Айниқса, унинг М. Афзалов, Ҳ. Расуловлар билан  
биргаликда тайёрлаб, нашрдан чиқарган «Ўзбек халқ  
эртаклар»ининг икки томлиги, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳса-  
нам», «Гулнор пари», «Авазхон», «Мисқол пари», «Хол-  
бека», «Гулшанбоғ», «Алибек билан Болибек» каби иш-  
қий-саргузашт типигаги дostonлари жамоатчилик эъти-  
борини қозонди. Кейинчалик босмадан чиққан «Олтин  
олма», «Сув қизи» номли эртаклар тўплами ўзининг ил-  
мий қиммати билан ажралиб туради. 1968 йилда чоп  
этилган «Ўйлаб топ» номли топишмоқлар тўпламининг  
аҳамияти катта бўлди. Чунки икки марта нашр этилган  
китобча ўқувчилар орасида шуҳрат топди. Китобхонлар-  
нинг фантазиясини ўстирибгина қолмай, улар қалбига  
оптимистик ахлоқ намуналарини сингдириб, эстетик  
завқ берди.

Маълумки, ўзбек халқ топишмоқлари фольклорнинг  
алоҳида, ўзига хос бир тури бўлиб, уни халқ орасида  
юриб тўплаш, жамлаб туриб, илмий асосда ўрганиш му-  
ҳим аҳамият касб этади. Чунки фольклорнинг кичик  
жанри ҳисобланган топишмоқлар алоҳида жанр сифати-  
да ўрганилмаган эди. Зубайда Ҳусайнова узоқ йиллар

давомида ана шу тема — ўзбек халқ топишмоқлари устида ишлади. Аввало у ўз эътиборини топишмоқларнинг замини, келиб чиқиш ўрни ва бадий хусусиятларига қаратди. Автор топишмоқларнинг характери, жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг баъзи бир белгиларини аниқлади, тематик жиҳатдан тасниф этди, бадий хусусиятини ўрганди. Ана шу темани ёритишга бағишланган «Топишмоқ терминлари», «Топишмоқларни ўрганиш тарихидан» номли мақолалари аҳамиятли бўлиб, уларда топишмоқларнинг ташкил топишида ўтмиш шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган масалалар, инсон онг-тушунчаларининг таъсири ва ўрни аниқланди ҳамда ишонarli мисоллар воситасида исбот этилди. Ана шу тадқиқотлар якуни сифатида 1966 йилда «Ўзбек топишмоқлари» номли илмий-тадқиқот иши алоҳида китоб шаклида нашр этилди.

1967 йилда — «Ўзбек халқ топишмоқларининг замини ва асосий хусусияти» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Тўпловчи ва системага солувчи сифатида олимлар ишончини қозонган олима ўзбек халқининг атоқли шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг меросини ўрганишда қатнашди ва шоир юбилейига бағишланган «Булбул тароналари», «Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дoston ва термалари» номли саккиз китобдан иборат асарлар мажмуаси Ҳ. Зарипов, М. Афзалов, М. Алавия, Т. Мирзаевлар билан ҳамкорликда яратилди. Бу иш авторлари билан бир қаторда З. Ҳусайнова ҳам Абу Райҳон Беруний номли республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. З. Ҳусайнова жуда кўп фольклор асарларини тўплаш, йиғиш, системага солиш билан фольклор сектори архивини бойитиш ва уни республикалараро шуҳрат топишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг фаол қатнашчиларидан бири сифатида кўпгина мақолалар ёзди. «Топишмоқ», «Мулла Ғойиб», «Олтин қовоқ», «Раъно билан Суҳангул», «Ошиқ

Ғариб ва Шоҳсанам» кабилар шулар жумласидандир.

Қамтарин олима узоқ йиллик олиб борган тўпловчилик ишлари, халқ оғзаки ижоди материалларини йиғиш ишида қўшган ҳиссаси ва хизматлари учун бир неча медаллар билан мукофотланган.

## МУНДАРИЖА

Автордан . . . . .	3
--------------------	---

### Адабиётшунослик

Ҳомил Ёқубов . . . . .	5
Марат Нурмухамедов . . . . .	23
Ҳамид Сулаймонов . . . . .	32
Иззат Султонов . . . . .	41
Юсуф Султонов . . . . .	53
Озод Шарафиддинов . . . . .	62
Шонслом Шомуҳамедов . . . . .	74
Абдуқодир Ҳайитметов . . . . .	84

### Адабий танқидчилик

Ҳафиз Абдусаматов . . . . .	93
Г. П. Владимиров . . . . .	111
Воҳид Зоҳидов . . . . .	119
Салоҳиддин Мамажонов . . . . .	128
Лазиз Қаюмов . . . . .	139
Матёқуб Қўшжонов . . . . .	149

### Фольклоршунослик

Музайяна Алавия . . . . .	172
Мансур Афзалов . . . . .	179
Ҳоди Зарипов . . . . .	184
Тўра Мирзаев . . . . .	192
Зубайда Ҳусайнова . . . . .	195

*На узбекском языке*

**Анкабай Кулджанов**

**В МИРЕ НАУКИ И ТВОРЧЕСТВА**

Редактор *Х. Эргашев*  
Рассом *А. Крюков*  
Расмлар редактори *В. Немировский*  
Техн. редактор *У. Ким*  
Корректор *М. Абдусаломова*

**ИБ № 986**

Босмахонага берилди 12.03.80. Босишга рухсат этилди 22.09.80. Р 14907.  
Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма.  
Шартли босма л. 8,75. Нашр л. 8,8. Тиражи 4000. Заказ № 158. Баҳоси 80 т.  
Фафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
2-босмахона. Янгийул шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44. 1980 й.